

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Тошкент архитектура — қурилиш институти

Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти

Архитектуравий лойиҳалаш асослари

Дарслик

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги томонидан 5580100-“Архитектура” йўналиши
талабалари учун дарслик тарзида тавсия этилган

Тошкент — 2007

Архитектуравий лойиҳалаш асослари. Дарслик (Меъморчилик фанлари доктори А.С.Уралов таҳрири остида).-Тошкент: ТАҚИ, 2007.-бет.

Мазкур дарслик Архитектуравий лойиҳалаш асослари фанидан илк бор ўзбек тилида яратилган. У уч бўлимдан иборат бўлиб, 1- бўлимда Архитектуравий лойиҳалаш асослари фанининг назарияси, яъни фаннинг маъруза дарсларида ўтиладиган билимлар: архитектура тўғрисида умумий маълумот, меъморий чизмаларнинг асосий турлари ва лойиҳалаш асослари баён қилинган. 2-бўлимда архитектуравий лойиҳалаш асослари фанининг амалий машғулоти: фан бўйича талабалар бажарадиган график топширқлар, уларнинг бажариш услубиятлари, кичик меъморий шаклларнинг лойиҳалаш бўйича тавсияномалар ва бажарилган ишлардан намуналар келтирилган. 3-бўлимда мазкур фандан талабалар бажариш зарур бўлган мустақил ишларнинг мавзулари, ҳажми, шакллари ва уларни баҳолаш мезонлари ўрин олган.

Дарслик "Архитектура" таълим йўналиши талабаларга мўлжалланган. Ундан "Архитектура" йўналиши асосида шакллантирилган барча магистрлик мутахассисликлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Масъул муҳаррир:

Х.Пўлатов

Муаллифлар жамоаси:

А.Уралов, Х.Пўлатов, М. Мирюсупова, М. Зойирова, О.Салимов, Ш.Нурмуҳаммедова, Б. Саидова, А.Шарипов, Д.Носирова, А.Ризаева, М.Розиқбердиев, А.Толипов.

Такризчилар:

Х.А.Салоҳуддинов-Шарқшунослик институтининг профессори, архитектура номзоди.

Р.Т.Тоштемиров-Самарқанд Давлат меъморчилик — қурилиш институтининг профессори, архитектура номзоди.

Тошкент Архитектура — қурилиш институтининг Илмий кенгаши қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори билан нашрга тавсия этилган.

Тошкент Архитектура — қурилиш институти, 2007

МУНДАРИЖА

Сўзбоши
Мукаддима

Биринчи бўлим. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

I – қисм. Архитектура тўғрисида умумий маълумот

- I.1. Архитектура тўғрисида тушунча
- I.2. Архитектурага хос жиҳатлар
- I.3. Архитектуранинг тармоқлари

II – қисм. Меъморий чизмаларнинг асосий турлари

- II.1. Меъморий чизма ҳақида
- II.2. Ортогонал чизмалар
- II.3. Архитектуравий ордерлар
- II.4. Меъморий шаклларнинг ўлчов чизмалари
- II.5. Академик бўёв машқи
- II.6. Архитектуравий лавҳа тасвири.
- II.7. Шрифтли композиция
- II.8. Архитектуравий ёдгорликнинг тарзи
- II.9. Иншоотнинг перспектив тасвири

III- қисм. Лойиҳалаш асослари

- III.1. Лойиҳалаш-ижодий жараён
- III.2. Меъморий ечимга таъсир этувчи омиллар
- III.3. Ўқув лойиҳасининг бажарилиш услуби
- III.4. Кичик меъморий шакллар

Иккинчи бўлим. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

IV-қисм. Фан бўйича график топшириқлар

- IV.1. Ордерларнинг умумий (массалардаги) кўринишини чизиш
- IV.2. Кичик меъморий шаклни ўлчаш ва унинг ортогонал чизмаларини бажариш
- IV.3. Бўёв машқини бажариш
- IV.4. Архитектуравий лавҳани тасвирлаш
- IV.5. Шрифтли композиция тузиш
- IV.6. Иншоотнинг ортогонал тасвирини бажариш
- IV.7. Иншоотнинг перспективадаги кўринишини ишлаш

V-қисм. Кичик меъморий шаклларни лойиҳалаш

- V.1. Талабанинг илк ижодий лойиҳаси
- V.2. Функцияси содда ички муҳитсиз кичик меъморий шаклларни лойиҳалаш
- V.3. Бажарилган ички муҳитсиз шакл лойиҳаларининг таҳлили
- V.4. Функцияси қисман мураккаб ички муҳитли кичик меъморий шаклларни лойиҳалаш
- V.5. Бажарилган ички муҳитли шакл лойиҳаларининг таҳлили
- V.6. Кичик шакллари лойиҳалаш аҳамияти

Учинчи бўлим. **АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ АСОСЛАРИ
ФАНИДАН ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ИШИ ВА
УЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

VI-қисм. Мустақил ишларнинг мазмуни, мавзулари ва шакллари

VII-қисм. Талабалар рейтингини аниқлаш

VII.1. Аудиторияда бажариладиган ишларни назорат қилиш ва баҳолаш
мезонлари

VII.2. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари.

Иловалар:

Архитектуравий лойиҳалаш асослари фанидан назарий саволлар

Луғат

Адабиёт

Муқаддима

Архитекторларни тайёрлаш жараёнида “Архитектуравий лойиҳалаш асослари” фанининг аҳамияти ва ушбу фан бўйича 1—2 босқичларда ўтиладиган назрий ва амалий машғулотларнинг роли ниҳоятда муҳимдир. Дарсликда бир ярим йил, яъни уч семестр давомида талабаларга мазкур фандан бериладиган назарий билимлар ва амалий вазифаларни бажаришда керак бўладиган барча маълумотлар мужассамлашган. Маълумки, I-ва II-семестрларда талабалар меъморий лойиҳалашнинг ижод жараёнига киришмайдилар, балки архитектуранинг бошланғич тили бўлмиш меъморий лойиҳалашнинг асослари билан танишадилар. Ниҳоят, III-семестрда, яъни талаба 2-босқичга ўтгандагина унинг учун бевосита меъморий лойиҳалашнинг ижод жараёни бошланади. Шунга мувофиқ равишда мазкур дарслик уч бўлимга бўлинган. I— бўлим ” Архитектуравий лойиҳалаш асослари фанининг назарияси” деб аталади. Унда архитектура ҳақидаги дастлабки асосий тушунчалар, меъморий чизмаларнинг асосий турлари, уларнинг ифодалаш ва лойиҳалаш асослари баён қилинган. II—бўлим. “Архитектуравий лойиҳалаш асосларининг Амалий машғулотлари” деб аталиб унда мазкур фандан бажариладиган график топшириқлар ва кичик меъморий шаклларни лойиҳалаш масалалари баён этилган. Талаба бу бўлимда энг содда, ички муҳитсиз меъморий шаклни лойиҳалаш вазифасини бажариш бўйича, ундан кейин эса ички муҳитли кичик меъморий шаклларни лойиҳалаш бўйича маълумотларга ва ниҳоят дарсликнинг сўнгида мазкур фандан талабалар бажарадиган мустақил ишларнинг мазмуни, шакли, хажми ва уларнинг баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотга эга бўлади.

Дарсликда ТАҚИ ва СамДМҚИ "Архитектура тарихи ва назарияси"кафедраларининг узок йиллар давомида тўплаган тажрибалари акс этирилган, унда турли ўқув адабиётлари, шунингдек хужжатларидан, Е.Слоним, В.Манакова, С.Качурина, А.Бокарева, Г.Гришина, А.Гаузен, Д.Асқарова, Х.Пўлатов каби муаллифлар тайёрлашган лойиҳа топшириқларидан фойдаланилган.

Республикамизнинг мустақиллик йилларида ТАҚИ ва СамДМҚИ профессор – ўқитувчилари томонидан “Архитектуравий лойиҳалаш асослари” фанига доир бир нечта ўқув қўлланмалари, маъруза матни ва талабалар мустақил ишини бажариш бўйича услубий кўрсатма ёзилиб чоп этилди. Улар жумласига М.Розиқбердиевнинг “Кичик архитектура шакллари” ўқув қўлланмаси (1995 й.), Х.Пўлатов раҳбарлигида ёзилган “Архитектуравий лойиҳалаш асослари” ўқув қўлланмаси (2000 й.), Д.Асқарова, М.Мирюсуповаларнинг “Кичик меъморий шакллар ” номли ўқув қўлланмаси (2005 й.), А.Уралов, А.Рахимов, Б.Саидоваларнинг “Архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари” ўқув қўлланмаси (200 й.), А.Уралов, Т.Қўшмонов, Ш.Тўғизовларнинг Архитектуравий лойиҳалаш асослари” фанидан маърузалар матни (2005

й.), Б.Саидованинг “Архитектуравий лойиҳалаш асослари” фанидан талабалар мустақил ишини бажариш бўйича услубий кўрсатмалари (2007 й.) киради. Бу ўқув адабиётлари ва архитектуравий лойиҳалаш асослари фанидан талабалар бажарган курс ишлари мазкур дарсликни ёзишда асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур дарсликдаги “Сўз боши” – Т.Қодирова, “Муқадима” ва “Архитектура тўғрисида тушунча” – Х.Пўлатова, А.Ўралов, “Архитектурага хос жиҳатлар” ва “Архитектуранинг тармоқлари” – А.Ўралов, “Меъморий чизма ҳақида” – А.Ўралов, Б.Саидов, “Меъморий ортогонал чизмалар” ва “Архитектуравий ордерлар” – А.Ўралов, “Меъморий шаклларнинг ўлчов чизмалари” – О.Салимов, “Академик бўёв машқи” ва “Шрифтли композиция” – А.Ўралов, “Архитектуравий лавҳа тасвири” – Х.Пўлатов, А.Ўролов, “Иншоотнинг перспектив тасвири” – А.Ўралов, “Лойиҳалаш ижодий жараён” – М.Розиқбердиев, “Меъморий ечимга таъсир этувчи омиллар” ва “Ўқув лойиҳасини бажариш услуги” – А.Ўралов, “Кичик меъморий шакллар” – М.Мирюсупова, А.Ўралов, “Ордерларнинг умумий (массалардаги) кўринишини чизиш” – Х.Пўлатов, Д.Носирова, “Кичик меъморий шаклни ўлчаш ва унинг ортогонал чизмаларини бажариш” – М.Заирова, “Бўёв машқини бажариш” – Ш.Нурмухамедова, Д.Алимова, “Архитектуравий лавҳани тасвирлаш” – Х.Пўлатов, А.Ризаева, “Шрифтли композиция тузиш” – А.Талипов, “Иншоотнинг ортогонал тасвирини бажариш” – М.Розиқбердиев, “Иншоотнинг перспективадаги кўринишини ишлаш” – Х.Пўлатов, Д.Аскарлова, “Кичик меъморий шаклларни лойиҳалаш” – М.Мирюсупова, “Архитектурвий лойиҳалаш асослари фанидан бажариладиган мустақил ишлар мазмуни, мавзулари, шакл ва уларни баҳолаш меъзонлари” – Б.Саидова, А.Шарипов, “Иловалар” ва “Луғат” – А.Ўралов томонидан ёзилди.

Дарслик Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти билан ҳамкорликда яратилган. Унга “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедраси мудири А. Ўролов таҳрири остида Самарқандда 2005 йилда чоп этилган “Архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари” ўқув кўлланмасининг “Архитектуравий графика”, “Меъморий лойиҳалаш асослари” бўлимлари ва айрим иловалар киритилган.

Мазкур дарслик “Архитектуравий лойиҳалаш асослари” фаниниг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2006 йил 18- июлда тасдиқланиб рўйхатга олинган дастури асосида ёзилди.

Дарслик матнининг кўлёмасини компьютерда теришда лабарантлар Г.Расулова, С.Акрамова ва аспирант Т.Маматмусаевлар яқиндан ёрдам берди.

Биринчи бўлим. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

I-қисм. Архитектура тўғрисида умумий маълумот

I.1. Архитектура тўғрисида тушунча

Инсон фаолиятининг қадимий ва нафис соҳаларидан бири бу архитектурадир. Архитектурага таъриф бермасдан аввал "архитектура" сўзининг келиб чиқишига назар ташлайлик. Сўз илдизи "тектура" қурилиш санъати маъносини бериб, "архи" қўшимчаси эса олий, юқори даражада деган маънони билдиради. Демак "архитектура" — қурилишнинг юқори босқичи, яъни олий даражадаги қурилиш демакдир.

Айнан шу маънода "архитектор" ўзбек тилидаги "меъмор" сўзига яқин туради. Шунинг учун ҳам архитектурага нисбатан меъморчилик атамаси кенг ишлатилади. Архитектура қурилиш санъатининг олий даражаси, бироқ ҳар қандай қурилишни ҳам архитектурага тенглаштириш ёки ўхшатиш мумкин эмас. Чунки қурилиш жуда кенг камровли сўз бўлиб, архитектурага мос бўлмаган айрим соҳаларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, темир йўл қурилиши, ер ости қувурлари ёки шахталар қурилиши ва ҳоказо.

Демак, ҳар қандай қурилиш ҳам архитектура бўлолмайди, лекин ҳар қандай архитектура негизда авваламбор қурилиш ётади. Қурилишнинг архитектурага айланиши учун у юқори даражадаги санъат намунаси ёки асари тарзида яратилиши керак. Архитектурани инсон амалий фаолиятининг бошқа турларидан, шу жумладан, қурилишдан фарқи шундаки, у фойдалилик масалаларидан ташқари муайян тарихий ва ижтимоий-маънавий муҳит ва давр эҳтиёжларини қондирувчи мафкуравий ва бадиий эстетик вазифаларни ҳам бажаради.

Архитектура унинг ҳозиргача қабул қилинган таърифи шундай: архитектура — инсон ва жамият фаолияти, инсоннинг маиший турмуши, меҳнати, умуман ҳаёти учун фазовий муҳит яратиш санъатидир. Бу ерда "фазовий" дейилганда космосни эмас, балки ер сатхи устида қуриладиган объектлар жойларни назарда тутилади. Бундай фазовий муҳит ёпиқ ёки очик бўлиши мумкин. У чегараловчи, белгиловчи (девор, том, тусиқ, панжара, дов—дарахт, тош каби) структуралар ёрдамида ташкил этилади. Масалан, Тошкентдаги "Мовий гумбазлар" қахвахонаси ёки унинг ёнидаги чойхона бинолари ғишт, бетон ва ойна, тусиқ—девор, пол ва том (гумбаз ҳам томнинг бир тури) ёрдамида атрофдан чегараланиб, ёпиқ фазовий муҳит ҳосил этилган. Бу ердаги хиёбонда ток ва сўри остида ҳам қисман чегараланган муҳит ҳосил қилинган. Бундан фарқли ҳолда чойхона олдидаги суфа—сурилар горизонтал текислик бўйича очик муҳитга ажратилган. Сайр йўллари ҳам очик муҳитдир. Улар дарахт, бута, майса, плита, тош, сув бассейни, фаввора кабилар ёрдамида режаланган.

Яна шуни айтиш жоизки, "архитектура" ўзининг яратилиши жиҳатидан икки маънода ишлатилади, биринчидан, инсон ижодий

фаолиятининг соҳаси маъносида ва иккинчидан, шу фаолиятнинг маҳсули маъносида.

Архитектуранинг мақсади ва вазифалари. Инсонларнинг яшаши, ишлаши ва дам олишига мўлжалланиб ташкиллаштирилган маконни ёки муҳитни шакллантириш архитектуранинг бош вазифасидир. Бироқ, унинг вазифаси бу билан чекланмайди. Маълумки, ҳар қандай муҳит одамлар руҳиятига, онгининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Чунки архитектурада қўлланиладиган ҳажмий шакллар, моддий муҳит бирон бир жозибали кўринишга ёки ахборотга эга бўладики, улар одамлар дидига, онгига ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Архитектуранинг вазифасига ана шу муҳитда инсонлар учун ўзига хос қулайлик ва шинамлик яратишгина эмас, балки инсоннинг гўзалликка бўлган эҳтиёжини қондириш, у яшаётган жамият маданий ҳаёти, халқчил миллий анъаналари ва илғор эстетик туйғуларини ўзида акс эттириш каби вазифалар ҳам киради.

Архитектура инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиради. У инсоният жамияти яшаш ва дам олиш воситаларининг қанчалик зарурий қисмлари (тураржой уйлари, жамоат бинолари, боғ ва парклар, хиёбонлар ва бошқалар)дан таркиб топса, худди шунчалик ишлаб чиқариш воситалари (завод ва фабрикалар, электр ва иссиқлик станциялари, ишлаб чиқариш корхоналари)дан ҳам таркиб топади. Умумий маънода архитектура - бу инсониятнинг яшаши ва фаолияти учун сунъий шакллантириладиган, амалий ва маънавий эҳтиёжларга мўлжалланган моддий муҳитлар тизимидир. Айни пайтда, архитектура бу санъат ҳамдир. Шу боисдан архитектурада муайян ҳаёт тарзи, давр тафаккури ва талаби, муайян эстетик ва мафкуравий эҳтиёжлар, ғоялар мажмуаси ўзининг моддий ва бадиий ифодасини топади.

Архитектура кўп қирралидир. У муайян вазифаларга мўлжалланиб ташкиллаштирилган ички муҳитли бинолар, бинолар ансамбли ва комплекси, шаҳарлар, қишлоқлар, махсус ташкиллаштирилган ташқи очик муҳитлар (кўчалар, майдонлар, истироҳат боғлари, парклар, маҳаллалар, даҳалар)дан ташқари ички муҳитга эга бўлмаган, бироқ очик муҳитни ташкиллаштиришга хизмат кўрсатувчи иншоотлар ва мўъжаз меъморий шакллар (монументлар, обелисклар, тасвирий ойналар, кўприклар, йўллар, соҳиллар, путепроводлар, транспорт развязкалари, фавворалар, зинапоялар, тўсиқлар ва ш.к.) ҳамдир. Ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда архитектура жамиятнинг ижтимоий, ишлаб чиқариш ва мафкуравий эҳтиёжларидан вужудга келгувчи моддиятдир. Айнан ана шу эҳтиёжлар архитекторлар олдида аниқ вазифалар қўяди. Яратилган архитектура жамият ва унинг маълум бир даврнинг моддий ва маънавий маданиятини белгилайди, ўзида акс эттиради.

I.2. Архитектурага хос жихатлар

Архитектуранинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бунини яққол тушуниш учун уни бошқа санъат турлари билан таққослаб кўриш мақсадга мувофиқдир. Архитектура рассомчилик ва ҳайкалтарошлик каби борлиқни конкрет кўринишда тасвирловчи санъат эмас. Архитектура ифодали бунёдкорлик санъатдир. У борлиқни умумлаштирилган ҳолда ифода этади. Қайсидир даражада синф, жамият ёки бутун бир даврнинг ғояларини ўзида акс эттиради. Рассом чизик ва бўёқ ёрдамида икки координат ўлчамга —эни ва бўйига эга бўлган текисликда асар яратади, ўзи танлаган мавзунини график услубда ёки ранглар мажмуасида ифода этади ва тасвирлайди.

Ҳайкалтарош уч координатли — эни, бўйи, баландлиги бўлган ҳажмлардан фойдаланади. Ҳайкалтарошлик рассомчиликдан жиддий фарқ қилиб, асар картина текислигида эмас, балки асосан ҳажмлардан фойдаланиб ифода этилади. Томошабин ҳайкални нафақат бир томондан балки ҳамма томондан, ҳам томоша қилиш мумкин. Бироқ, ҳайкалтарошликда ҳам рассомчиликдаги каби ифодаланаётган мавзу қурилмайди, ҳажмий шаклда бўлса-да, барибир тасвир этилади. Шунинг учун ҳам бундай санъат турлари тасвирий санъат деб аталади. Архитектура асарида ўша уч координатага яна тўртинчиси — вақт координатиси ҳам қўшилади. Вақт координатаси архитектуранинг нафақат ташқи, балки ички кўринишларида ҳам ифодаланади. Томошабин архитектура асарини ташқи томонлардангина эмас, балки унинг ички кўринишларини ҳам томоша қилиш имкониятига эга бўлади. Архитектуранинг ички кўринишлари ёпиқ ва ярим ёпиқ ички муҳитдан иборат бўлиб хоналар, рахровлар (коридор), рекреациялар, заллар, террасалар, айвонлар, ички ҳовлилар, қаватларни боғловчи зинапоялар ва шу кабилардан ташкил топади. Демак, архитектура асари ижтимоий даврнинг муайян бир функциясини бажаришга мўлжалланган бўлиб, унда ҳайкалтарошликка қараганда нафақат ташқи ҳажмдан, балки ички фазовий муҳитлардан ҳам кенг фойдаланилади. Архитектуранинг ана шу муайян ички функциялари мажмуаси унинг ташқи кўринишида ўз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтганда, архитектура ички ва ташқи сунъий муҳитлар, ҳажмлар ва шаклларнинг йиғиндисидан ташкиллаштирилган ва уларнинг ўзаро уйғунлашган бирикмасидан тузилиб очик муҳитда бунёдкорлик санъати асарининг намунаси тарзида вужудга келади. Бундай асарни инсон идрок қилиш учун бир жойдан иккинчи жойга силжиши, ҳаракатда бўлиши, юриши керак. Бу эса маълум вақт ичида ўтади ва шу сабабдан ҳам архитектура координаталарининг сони тўртта дейилади.

Архитектуранинг бир - бири билан чамбарчас боғланган уч жихатлари мавжуд. Булар мустаҳкамлик, фойдалилик ва бадиийликдир. Бошқача қилиб айтганда архитектура асарига қуйидаги талаблар

қўйилади: биринчидан, архитектура асари инсоннинг фойдаланишига қулай бўлсин, қандай мақсадда қурилган бўлса шу мақсадни тўла адо этсин; иккинчидан - асар ўз—ўзини ва унга қўйилган юкни кўтара оладиган, ташқи муҳит ва табиат таъсирларига" чидаш берадиган бўлсин - ва учинчидан, асар кўриниши таъсирли, инсонни тўлқинлантирадиган унга завқ берадиган бўлиши керак. Бу уч жиҳатни дастлаб антик давр архитектори ва муҳандиси Марк Витрувий англаган эди. Унинг таъбирича, “ҳар нарса (гап архитектура асари тўғрисида кетаяпти) мустаҳкамликни, фойдани ва гўзалликни назарда тутган ҳолда қилиниши керак”. Бу ерда "мустаҳкамлик" конструктив жиҳатни, "фойда" — функцияни, "гўзаллик" эса — эстетик жиҳатни ифодалайди. Мазкур уч жиҳатларнинг ўзаро муносабати бири бошқасига ҳалал бермайдиган даражада уйғун ва муштарак бўлиши керак. Масалан, архитектуранинг конструктив жиҳати унинг функциясига ёки эстетикасига зид бўлмаслиги лозим ва ҳоказо.

Баъзи тадқиқотчилар зикр қилинган уч жиҳатга яна тўртинчисини яъни иқтисодни ҳам қўшадилар, Ҳақиқатан ҳам иқтисодий талаб жуда муҳимдир. Лекин бошқа тадқиқотчилар уларга, бизнингча асосли равишда эътироз билдирадилар. Уларнинг фикрича, иқтисодий талаб ўша уч талабларнинг замирида ётади. Яъни архитектура асари, масалан, бино ўз вазифасини мукамал адо этиши учун муҳит яратишда ортиқчаликка йўл қўйилмаслик лозим бўлади. Бино мустаҳкам бўлсин деб унинг қурилмаларини, масалан деворни бекорга қалин қилмаслик керак. Бино чиройли бўлсин деган мақсадда ортиқча безакка, бачканаликка йўл қўймаслик зарур ва ҳаказо.

I.3. Архитектуранинг тармоқлари

Архитектура санъатни, техникани ва фанни ўзида бирлаштирган соҳадир. Сифатли архитектура асари яратилиши учун нозик дид, мукамал қурилиш машиналари, қурилиш материаллари ва ҳоказо, аниқ ҳисоб — китоб ва ишчи кучи, қурувчилар сафарбар этилади.

Архитекторларнинг ижодий доираси ниҳоятда кенгдир. Меъморчиликда автобус бекати, дўкон, фавора каби "кичик меъморий шакллар" деб аталмиш жажжи қурилмалардан тортиб то йирик бино ва майдонлар, бутун шаҳар-қишлоқлар ва ҳатто ундан катта ер-жойлар режалаштирилади. Архитектуранинг асосий тармоқлари бир неча.

1.Турар жойлар архитектураси. Мазкур тармоқ умуман архитектурада ниҳоятда муҳимдир. У турар уйлардан ташқари ётоқхоналар ва меҳмонхоналар архитектурасини ҳам ўз ичига олади. Бу тармоқ жамият ижтимоий ҳаётида ниҳоятда муҳим роль ўйнаб, барча инсонлар ва оилалар ушбу соҳага катта эҳтиёж сезадилар. Турар-жойлар турли - туман бўлиб, ҳовлили ва ҳовлисиз, кам қаватли, ўрта қаватли ва кўп қаватли, бир ва кўп шўъбали (секцияли) уйларга бўлинади (2-расм). Тураржойлар архитектурасига, шунингдек, ётоқхона ва меҳмонхоналар ҳам киради.

2.Жамоат бинолари архитектураси. Бу соҳанинг ҳам лойиҳалаш доираси каттадир. Театр ва кинотеатр, цирк, ошхона, касалхона, спорт, савдо бинолари ва маъмурий биноларнинг архитектураси билан шуғулланади. Жамоат бинолари ҳам тураржой бинолари каби ўз таснифига эга: маъмурий бинолар, овқатланиш бинолари, томоша бинолари, спорт бинолари ва иншоотлари, даволаниш бинолари, таълим ва тарбия муассасалари, савдо бинолари ва иншоотлари, транспорт ва алоқа ишноотлари ва бошқалар шулар жумла-сидандир (3-расм). Ҳар бир турдаги жамоат бинолари гуруҳи алоҳида ички таснифга ҳам эгадир. Масалан, томоша бинолари театр ва кинотеатрларга, цирк ва киноконцерт залларига бўлинса, овқатланиш бинолари ресторан, қаҳвахона, ошхона, чойхоналарга бўлинади ва ҳоказо.

3.Саноат бинолари архитектураси. Ишлаб чиқариш ва саноат билан боғлиқ бино ва иншоотлар: завод ва фабрикалар, фирмалар, ишлаб чиқариш қўшма корхоналари, гидротехник ва коммунал иншоотлар каби бино ва қурилмаларнинг архитектурасидир (4-расм, а,б)

4.Ландшафт архитектураси. Парк, боғлар, шаҳар майдонлари, пиёда йўллар, сайлгоҳлар ва умуман кўкаламзорлаштириш ва ташқи ободонлаштириш санъатидан иборат. Ташқи очиқ муҳитлар: шаҳар майдонлари, турли-туман истироҳат боғлари ва парклар, хиёбонлар, бульварлар, пиёдалар кўчалари ва унга оройиш бериш санъати намуналари ландшафт архитектурасининг объектларидир (5-расм). Бугунги кунда ландшафт архитектурасининг объектларига нафақат ташқи очиқ муҳитлар, балки ички ярим очиқ ва

ёпиқ муҳитлар: биноларнинг ички ҳовлилари, "қишки боғлар", вестибюллар ҳам киради. Ландшафт архитектураси, шунингдек мавжуд тарихий боғлар ва кўкаламзорларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари билан ҳам шуғулланади.

5.Шаҳарсозлик. Янги қишлоқ, кўрғон, катта — кичик шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, борларидан унумли фойдаланиш ва уларни ривожланиш тартиб-бини, реконструкциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

6.Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш. Меъморий ёдгорликларни сақлаб қолиш умрини узайтириш, улардан фойдаланиш каби масалаларни ҳал этиш билан шуғулланади. Бу соҳа ҳам янги архитектура яратиш каби масъулиятли ва қийин соҳадир. Кўпинча меъморий ёдгорликлар ўз функцияларини ўтаб бўлган бўлади. Шунинг учун унга янги, кўпинча туризм томоша объекти функцияси берилади ёки ўз функцияси қолдирилади. Таъмирлаш ишлари асосан уч йўналишда олиб борилади: а) Консервация. Бунда ёдгорлик сақланган ҳолатида асраб келинади, кейинги бузилишлардан ҳимоя қилинади; б) Реставрация. Ёдгорлик дастлабки ҳолатига қайтарилади. Бу таъмирлашнинг мураккаб ва кенг тарқалган йўналиш ҳисобланади. Одатда бир ёдгорликнинг ўзида бир неча даврларда киритилган ўзгартиришлар — тузатиш топиладиким, булар ҳам ўзига ҳос даражада асрашга лойиқдир; в) Реконструкция. Бунда ёдгорликни янги мақсадга, масалан музейга мослаштириш мумкин.

Архитектура одатда бошқа санъат турлари: рассомчилик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъатининг безакли (наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлик, кулолчилик, муқарнас) турлари билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бу эса архитектура ушбу безакли санъат турларисиз яратилмайди дегани эмас албатта. Бугунги кунда қурилиш қурилмалари, материаллари ва пардозлаш ашёлари ўта нафис, ўзига ҳос пластик кўринишларга эга, замонавий қурилаётган архитектура объектларида улар кенг қўл-ланилмоқда. Бироқ, ҳар қандай замонавий меъморий объект ўз муҳити ва таркибида декоратив амалий санъат турларидан унумли фойдаланиш имкониятларига эгадир. Бу эса бизга боболаримиздан қолган меросдир.

Архитектурада конструкция, яъни қурилмалар муҳим роль ўйнайди. Меъморликнинг ривожланиш давомида бир неча конструктив тизим шаклланган. Энг қадимий ва содда конструктив тизимлардан бири бу устунли-тўсинли қурилмалар. Бу конструкция қадимги миср ва юнон архитектурасида такомиллашиб ордер тизимига айланди. Кейинчалик ордерларни римликлар давом эттирдилар. Турон ва Эрон заминиди ҳам ўзига ҳос устунли— тўсинли қурилмалар шаклланди.

Тоқ — равоқли қурилмалар нисбатан кейинроқ ривож топди. Равоқ деб икки вертикал қурилмаларни эгри чизиқли қисми билан бирлаштирилган конструкцияга айтилади. Тоқ ҳамда гумбаз том сифатида кенг фойдаланилган. Тоқ шундай конструкцияким, унинг сирти эгри чизиқни горизонтал йўналиш бўйича силжитиш натижасида ҳосил

бўлади. Агар эгри чизиқни вертикал ўқ атрофида айлантирсак чизиқ гумбаз сиртини беради. Равоқ, тоқ ва гумбаэлар Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон архитектурасида ҳам кенг қўлланилган.

Ўрта Осиё меъморлигида равоқ, тоқ ва гумбазларнинг турлар кўп. Ёишдан ишланадиган бундай конструкциялар сейсмик шароитга кўпроқ мос тушган. Қадимги Рим архитектурасида қўлланилган тоқ равоқли конструкциялар бетондан ишланган. Ўтган асрнинг охирига келиб бу қурилиш материали яна қўллана бошланди. Темир —бетон, яъни бетон ичига мустаҳкамлик учун темирдан арматура қўйилиши ва кейинчалик арматурани чўзилган ҳолда ўрнатилиши кашф этилади. Темир —бетон конструкциялари архитектура иншоотларининг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Қурилишнинг кўп қисмини техника ёрдамида бажариш, уларни завод шароитларига, уйсозлик комбинатлари шароитларига кўчириш имкониятини берди.

Ҳозирги замон конструкциялари ичида “вант”ларни алоҳида қайд этса бўлади. Вант фазовий конструкция бўлиб таянчларга ёки тиргакларга уланган сим арқонлардан иборат. Симлар устига юпқа плиталар ётқизиilib том ҳосил этилади.

II-қисм. Меъморий чизмаларнинг асосий турлари

II.1. Меъморий чизма ҳақида

Меъморий чизма – бу чизмачилик асбоблари ёрдамида қоғоз текислигида муайян аниқликда ифода этилган меъморий объектнинг график кўринишидир.

Меъморий чизма чизиш ҳам ўз тарихига эга бўлиб, унинг ривожланиш технологияси ва ўлчов воситаларининг такомиллашувига боғлиқ бўлиб келган. Қадимда меъморий чизмалар тўғридан-тўғри қурилишга белгиланган майдон сатҳида чизилган. Кейинчалик чизмага бўлган талаб ошган сари, унинг мазмуни ва график безаш даражаси ўзгариб, такомиллашиб боради. Чизмани чизиш усуллари, у чизиладиган қоғозлар ва чизмачилик асбоблари тинмай мукаммаллашиб борган. Шу тариқа мукаммал чизма ва кейинчалик меъморий лойиҳа ҳам вужудга келган.

Миср фараони Рамзес IV мақбараси тарҳининг чизмалари, Фивадаги шоҳона қурилишларнинг режалари, эрамизгача II-I асрларда қурилган бино қисмларининг чизмалари ҳозиргача сақланиб қолган. Чизмаларни аниқ катаклар (тўрлар)га бўлиб ишлаш масштаб ўрнида хизмат қилган бўлса ажаб эмас.

Қадимги Рим меъмор-муҳандиси Марк Витрувий ўзининг машҳур "Архитектура ҳақида ўн китоб" номли асарида бинонинг қуйидаги чизмалари: тарҳи, тарзи ва умумий кўринишлари мавжудлиги ҳақида эрамиздан олдинги I асрда ёзиб қолдирган. Лекин бино ёки алоҳида олинган иморатнинг "тарҳи-тарзи" деб аталмиш бир-бирига боғлиқ проекцияларни бир тизим ёки туркумда тасвир этиш кейинроқ вужудга келган.

Ўрта Осиё меъморлари ишлаган чизмалар катаклар тўри ва миқёс тизимида асосланган бўлиб, уларда қурилажак ҳар бир бинонинг тарҳи ва тарзи аниқ ифода этилган. Академик М.С.Булатов ўзининг "IX-XIV асрлар Ўрта Осиё меъморчилигида геометрик уйғунлик" монографиясида кўплаб меъморий обидаларнинг геометрик таҳлилини баён қилган, ўрта аср меъморларининг нафақат амалий, балки назарий билимларга ҳам эга бўлганлиги, қурилиш чизма-лойиҳалар асосида яратилганлигини илк бор исботлаб берган.

Берилган тарҳ ва тарз асосида бинонинг перспектив кўринишини чизишни биринчи мартаба Альбрехт Дюрер ишлаб чиққан ва перспектива қуришнинг машҳур "архитекторлар услуби"га асос солган.

XVIII асрда француз геометри Гаспар Монж предметларни икки ўзаро перпендикуляр текисликда лойиҳалаш тизимини назарий асослайди ва ортогонал, тўғри бурчакли, буюмни ёки иншоотни текисликка нисбатан тўғри бурчак остида тушурилган проекциялари ҳақидаги таълимни яратади. Бу фан асосини, маълумки, предметларнинг проекцион, яъни ортогонал чизмаларини қуриш ташкил этади. **Ортогонал чизма**

меъморий графикада энг кўп тарқалган услуб бўлиб, у иншоот ҳақида керакли ва етарли маълумотлар берувчи чизмадир. Ортогонал чизма куйидаги асосий хилларга бўлинади: тарз, тарҳ, қирқим, бош режа. Ортогонал чизмалар услуби архитектор ва муҳандисларнинг ўз ғояларини баён этишда умумжаҳоний восита бўлиб хизмат қилади.

II.2. Ортогонал чизмалар.

Бўлажак бинонинг (иншоотнинг) композицион нуқтаи назардан асосланган ва аниқ масштаб ва ўлчовларга эга бўлган ўзаро боғлиқ чизмалар мажмуаси "архитектуравий чизма" ёки "**архитектуравий лойиҳа**" деб аталади. Лойиҳа таркибига ўзининг моҳияти ва чизилиш босқичларига кўра турли кўринишдаги ортогонал чизмалардан ташқари аксонометрик, перспектив тасвирлар, модель ёки макетлар ҳам кириши мумкин.



Чизма – бу техник тасвирий ҳужжатдир, шунинг учун ҳам у аниқ ва кўرғазмали бўлиши, қурувчига архитекторнинг ғоясини амалиётга тадбиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи, керакли масштаб, ўлчам ва белгиларга эга бўлиши керак.

Тарихий обидаларнинг ўлчов чизмалари уларнинг ҳозирги ҳолатини қайд этиш ва бинонинг дастлабки кўринишини қайта тиклаш учун ёрдам беради. Ўқув чизмалари ҳам мавжудки, улар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Шу тариқа архитектуравий чизманинг қуйидаги асосий турларини белгилаш мумкин. Барча турдаги архитектуравий чизмалар таркибида бинонинг хусусиятларини билдирувчи керакли ортогонал проекциялар: бош режа қаватлар тарҳи, тарзлар, деворлар қирқимлари, кўча қурилишларининг ёйилмаси, фрагментлар, деталлар ҳамда перспектива ёки аксонометрия мажуд бўлиши шартдир.

Объектнинг **бош режаси** деб қурилиш учун ажратилган ер майдонига лойиҳаланаётган объектни атроф муҳитга нисбатан қандай тартибда жойлаштириш режасига айтилади. Бош режада лойиҳаланаётган объектдан ташқари одамлар ва транспортнинг кириб чиқиш йўллари, кўкаламзорлаштириладиган ва ободонлаштириладиган ерлар, объектга ажратилган ер майдонининг чегаралари, горизонт томонларининг ҳолати (шимол ва жанубни кўрсатувчи белги) ҳам кўрсатилади (154-расм). Бош режа одатда 1:500 ёки 1:1000, 1:2000 масштабларда чизилади. Бош режада объектни яққол тасвирлаш учун кўп ҳолларда объектдан ерга тўшаётган сояни ишлаш мақсадга мувофиқдир.


Бош режа оқ-қора график тасвирда ишланади. Тушган соялар перо, рапидограф ёки қуруқ мўйқалам ёрдамида турли услубларда штрихланади ёки қора тушда ёпилади. Айрим ҳолларда лойиҳани ишлашда гуаш ёки темпера ҳам қўлланилиши мумкин. Бош режа чизмасида ер майдонининг горизонталларини ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.


Тарзлар – бу бинонинг фронтал ортогонал проекцияси ёки унинг турли томондан кўринган тавирларидир. Бундай проекцион тасвирлар бинонинг тузилиши, умумий кўриниши, вертикал ва горизонтал бўлинишлари, нур ва соя характеристикаси, деворларнинг фактураси ва паластикаси, атроф муҳит билан бўлган муносабати ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш учун хизмат қилади (155-расм, а). Тарзлар 1:100, 1:50, 1:25 масштабларда чизилади.



Тарҳ - бу бинонинг аниқ белгиланган баландлигидан шартли тиниқ текислик билан горизонтал кесгандаги ортогонал проекциясидир. Бу чизма бино деворлари ва устунларининг жойлашуви, қалинлиги, эшик ва деразаларнинг, муҳандислик жиҳозларининг аниқ ўрнини кўрсатади ва бино ҳақида тўлиқ маълумотлар беради (155-расм, б). Тарҳ 1:200, 1:100, 1:50, 1:25 масштабларда чизилади.

Қирқимлар - шартли тиниқ текислик ёрдамидаги вертикал кесимнинг ортогонал проекциясидир. У бинонинг ички ва ташқи элементлари орасидаги боғлиқликни очиб беришда муҳим роль ўйнайди. Қирқим чизмаси бинонинг узунасига ва энига бир неча характерли йўналишлар (эшик ва деразалар, зинапоялар, айвон





- расм. Тарзлар ва тарҳлар: а – тарзлар; б – тарҳлар.


лар) бўйича бажарилади ва ҳарф ёки рақам орқали ифодаланади. Масалан

"А-А", "2-2". Бинонинг қаери қирқимга тушса шу жойи албатта қалин чизик билан чизилади ва қирқимга тушмаган ерларининг ҳаммаси ингичка чизиклар билан ажратилади. Қирқимларнинг ортогонал ва перспективали турлари мавжуд (156-расм). Қирқимларда ўлчамлар тарҳлардан фарқли ўлароқ вертикал ҳолатда чизма ёнига алоҳида чиқариб қўйилади ва "белги" деб аталади. Тарҳ ва тарз каби қирқим ҳам 1:200, 1:100, 1:50, 1:25 масштабларда бажарилади.

Кўчалар ёйилмаси – шаҳарсозликка хос бўлган чизмалардир. Улар ёйилмада кўрсатилиш керак бўлган бинолар сони ва тарзларига қараб 1:500, 1:400, 1:250, 1:200 масштабларда чизилади (157-расм).

Интерьер ёйилмаси – интерьер элементларининг горизонтал ёки вертикал кўринишида чизилган чизмасидир. Бу чизмада интерьер тарҳи ва тарзи ишланади. Тарҳда эшик, дераза, шкаф, устун ва ҳоказоларнинг горизонтал кўринишини ўлчамлари билан кўрсатиш мумкин. Тарзда эса бу элементлар ҳар бир хона деворлари ёйилмасида алоҳида-алоҳида вертикал кўринишда 1:50, 1:25 масштабларда чизилади.

-расм. Қирқимлар: а – ортогонал қирқим; б, в – перспективали қирқим.






-расм. Кўча ёйилмасининг ортогонал чизмалари: а – Горкий шахрига мўлжалланган экспериментал тураржой уйлари мажмуаси. Лойиха; б – Корелиядаги қишлоқ уйларининг ёйилмаси.



Бинонинг алоҳида олинган қисмлари (деталь) - бу тарз ёки интерьерларнинг элементларидир. Ёритиш асбоблари, дераза ва эшиклар, айвон тўсиқлари, гулдонлар, мебель хиллари, бадий безаш деталлари бунга мисол бўла олади. Деталлар 1:1, 1:2, 1:5, 1:10, 1:25 масштабларда чизилади.

Архитектуравий ортогонал чизмалар (бош режа, тарз, тарх), бино перспективаси ва аксонометриясини графикада ишлашда меъморий муҳит элементлари, жой ландшафти ва табиатини, шунингдек турли хил транспорт воситалари, одамлар ва ҳайвонларни график тасвирлаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ландшафт элементларига дарахт ва буталар, гулзорлар, майсазорлар, йўлак ва йўлларнинг турли хил тўшамалари кирса, транспорт воситаларига автомобиллар, пароход ва кемалар киради.


Меъморий лойиҳалар чизмаларини ҳаётий кўринишларга ўхшатиш мақсадида чизмада ифодаланиши зарур бўлган турли хил дарахт-буталар ва табиий ландшафт элементлари меъморий тилда "антураж" деб аталади. Ҳар бир меъмор ёки ижодкор антуражни тарз ва тархда ифодалаш малакасига эга бўлиши керак. Бироқ, антураж элементларини ортогонал меъморий чизмаларда ифодалашнинг кенг тарқалган анъанавий услублари мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари 158-расм ва унинг давомида кўрсатилган.



-расм. Антураж элементлари: дарахт ва буталарнинг тарз ва тархда
чизилиши.



–рasm давоми. Антураж элементлари: а – дарахт ва буталарнинг тарзда ишланиши; б – уларнинг тарх ва тарзда ишланиши; в – майсазорлар.




-расм. Антураж ва стаффаж элементлари

II.3. АРХИТЕКТУРАВИЙ ОРДЕРЛАР


Антик Юнонистонда устунли-тўсинли тош қурилмалар асосида шаклланиб етук бадий-образли меъморий ифодага эга бўлган ва **"ордер"лар** деб аталувчи қадимги меъморий қурилмалар туркумига замондошларимиз жуда катта қизиқиш билан қарашган.

Меъморчилик тарихида бир вақтлар икки устун устига тўсин ўрнатиб иморат ёпиш жуда катта янгилик ҳисобланган. Чунки бундай ҳаракат иморатсозликда устунли-тўсинли қурилмалар тизимининг яратилишига асос солган. Энг содда қадимий тик устунлар ёқоч ва тошдан ишланган. Тик ўрнатилган устун тошлар - дольменлар, уларнинг устига горизонтал шаклда ўрнатилган ясси тошлар - кромлехларни вужудга келтирган (167, а -расм). Бундай қурилмалар аста-секин ривожланиб бориб, уларга бадий эстетик тус берилган ва натижада кўтарувчи ва кўтарилувчи қисмларга бўлиниб, энг содда устунли-тўсинли қурилмалар ҳосил бўлган. Шундай қилиб меъморчиликда ўзига хос қурилмавий тартиб – **ордер тизими** вужудга келган (167, б, в - расм).

Бундай тартиб илк бор Қадимги Миср архитектурасида ибодатхоналар қурили




а




в

-расм. Устунли-тўсинли қурилмалар



-расм. Қадимги Мисрда қўлланилган ордерлар: а, б-Карнакдаги Амон эҳроми. Тарҳи ва қирқими (милоддан аввалги XIV-XIII асрлар).
в-Миср устунларининг турлари.

-расм. Устунли-тўсинли қурилмалар:
а-дастлабки кўринишлари; б, в-ордерлар тизимининг шаклланиши.



-расм. Қадимги Мисрда қўлланилган ордерлар: а, б-Карнакдаги Амон эҳроми. Тарҳи ва қирқими (милоддан аввалги XIV-XIII асрлар); в-Миср устунларининг турлари.




шида кенг қўлланилган. Миср меъморлари устунларни ишлашда ўсимлик дунёси ва табиатдан кўпроқ намуна олганлар, устунларни улкан дов-дарахтларга, уларнинг бошларини эса Мисрда ўсадиган лотос ва папируснинг очилган гулларига ёки уларнинг қунчаларига ўхшатганлар. Эҳромлардаги катта заллар ва хоналар ичи бир-бирига параллел баланд тош устунлар қатори билан тўлиб, бамисоли яхлит ўрмонзорни шакллантирган (168-расм). Хона деворлари ва устунлар айрим эҳромларда рангли барельфлар билан безалган. Айрим эҳромларда устунлар ҳайкалсимон кўринишга эга бўлганлар. Тўсинлар катта баландликдаги устунларнинг очилиб турган гул шаклидаги бошалари устига жойлашган.

Қадимги Миср меъморчилигида эришилган устунли-тўсинли қурилмавий тажрибалар антик Юнонистонда янада такомиллаштирилиб, яхлит қоя ва гармония асосида умумлашган композицион тизим – устунли-тўсинли тош қурилмалари тектоникаси - "ордерлар" сифатида мелоддан олдинги VI-V асрларда ташкил топган.

"Ордер" латинча "ordo" сўзидан олинган бўлиб, тартиб маъносини англатади. Ордер бу оқирлик кўтарувчи устунли-тўсинли тош қурилмаларининг шундай образли тектоник ифодасики, унда иншоотнинг амалий қурилмавий шакллари ва бадий тафсилотлари тўлиқича очиб берилган. Ушбу тартиб орқали оқирлик тушаётган ва оқирликни кўтараётган меъморий шакллар орасидаги хандасавий мутаносиблик бинода ўзининг тугал тектоник ифодасини топган.

Ордернинг асосий элементлари иккита: устун ва антаблемент ёпилмадир. Бу икки асосий элемент учта вазифа: 1) иншоотнинг мустаҳкамлигини таъминлайдиган қурилмавий; 2) бинони ёмқир ва қуёшдан асрайдиган амалий; 3) бинога ўзига хос образ бақишловчи бадий вазифаларни бажаради.

Эрамизгача VI-III асрларда антик Юнонистонда тошдан ясалган эҳромлар ва бошқа жамоа биноларида қўлланган ордерлар тизими ўзининг юксак тараққийетига эга бўлади (169-расм). Бироқ, устунли-тўсинли ордер элементлари нафақат тош, балки бизгача етиб келмаган ёқоч ва қишт архитектурасида ҳам қадимдан қўлланила бошлаган эди.




-рasm. Қадимги Юнонистонда қўлланилган
ордерлар (милoddан аввалги X аср): а – Афина
акрополи мажмуаси; б-Парфенон эҳроми

устунлари "база"га, яъни пойустунга эга. Устунлар ўрта қисмидан юқорига томон ингичкалашиб боради. Бундай ҳолат **энтазис** деб аталган. Устунлар, одатда, вертикал ва ярим айлана ўйиқлар - **каннелюралар** билан безатилган. Улар устунларга енгиллик ва хушқоматлилик, айти пайтда жимжимадор соялар бахшида этади.

Барча ордерларда ҳам **антаблемент** уч таркибий қисмдан: архитрав, фриз ва карнизлардан иборат. **Архитрав** - устунларни туташтирувчи тош блоклари-тўсинлардан иборат бўлиб, антаблементнинг асосий оқирлик кўтарувчи пастки қисмидир. **Фриз** - ёпилманинг болор ва тош тахталари таянадиган текис кўриниш деворига эга. Олдинга чиқиб турувчи карниз тош тахтаси - гейсон эса **карниз**даги асосий таркибий қисмни ташкил қилади карниз томдан ёмқир сувлари оқиб тушадиган **сима** билан тугалланади.

Антик Юнон архитектурасида уч хил: дорик, ионик, коринф ордерлари кенг таркиб топади (170-рasm). Қурилмавий жиҳатдан уччала ордер ҳам умумий асосий қисмларга эгадир: устун, антаблемент (тугаллик қисми) ва стилобат (поқонали асос). Устунлар антаблементни кўтарувчи таянч бўлиб, **боша (капитель)** билан тугайди.

Капителнинг юқори қисми "абака" деб аталиб (текис тахта маъносида), у антаблементдан оқирликни бевосита қабул қилади. Ионик ва коринф ордерларининг




-расм. Юнон ордерлари:
а-дор; б-ион; в-коринф.

Устунлар орасидаги масофа, шунингдек устун ва девор орасидаги масофа ёпилмасининг катталиги тош қурилмаларга боқлиқ бўлиб, улар табиийки, жуда катта бўлишлиги мумкин эмас. Чунки тош қурилмалар фақат сиқилишга ишлайди ва тўсин сифатида ўз оқирлигини ҳамда катта юкни қўтара олмайди.

Юнон ордерларининг хилма-хиллигига эътибор берсак, биз уларнинг фақат таркибий қисмларидагина эмас, балки бу қисмларнинг нисбатлари, шакли-шамойили ва декоратив безакларида ҳам фарқ борлигини сезамиз. Буларнинг барчаси биргаликда ҳар бир ордернинг ўзига хос меъморий гўзаллагини белгилаб беради.

Дорик ордерга қурилиш қонуниятларининг қатъийлиги хосдир. Унинг антаблементи бошқа ордерларга нисбатан каттароқ, устунлари эса зич жойлашган. Антаблемент фризи **триглиф** деб аталувчи, юзасида вертикал ўйиқларга эга бўлган каттакон тош блокларидан тузилган (171-расм). Триглифлар архитравга шундай қўйилганки, уларнинг вертикал юзасининг олд томони архитравнинг вертикал юзасига мос келади. Триглифларга карниз тош тахталари қўйилган. Бурчакларда турувчи триглифларнинг иккала юзасига ҳам вертикал ўйиқлар билан ишлов берилган.

Триглифлар фризда мунтазам метрик тартибда, устунлар ўқи ва устунлар ора-




-расм. Дор ордери.


сидаги масофанинг марказий ўқи бўйича жойлашган. Триглифлар оралиқида эса **метопа** деб аталувчи тош тахталар жойлашган.

Дор ордери устунлари пойустун **база**га эга бўлиб, база бевосита асоснинг устки зинаси - **стилобатга** қўйилган. Дор ордер қурилмаларини Афина акрополининг бош эҳроми Парфенон ибодатхонасида қўриш мумкин (139-расмга қаранг). Мармартошдан моҳирона ясалган дорик ордер шакллари улуқворлиги, оддийлиги ва, шу билан бирга, уларнинг умумий меъморий нисбатлари, уйқунлиги ва бундай меъморчилик тартибларининг мунтазамлиги, буларнинг барчаси Парфенонда ўзининг олий ифодасини топган.

Ион ордери эса бошқачароқ хусусиятларга эгадир. Дор ордер каби ионик ордер ҳам ёқоч қурилмаларидан то тошгача бўлган босқичларда мукаммаллашган. Ион ордерининг фризи триглиф ва метопалардан ҳоли яхлит девор шаклига эгадир (172-расм). Бу эса устунлар оралиқини оширишга, уларни эркинроқ жойлаштиришга имкон яратган. Ион ордерлардаги устунлар ораси масофасининг ўзгариши тектоник талабларнинг ўзгариши билан бирга кечган. Нисбатлар бироз енгиллашган, дор ордери кўра антабамент баландлиги устун баландлигига



-расм. Ион ордери.



-расм. Коринф ордери.

нисбатан кичрайган, устун нозиклашган, ораликлар кенгайган, архитрав тўсини нисбатан ингичкароқ ва пастроқ юзага эга бўлган. Ордер қисмлари нақшин безаклар ва ўймакорлик элементлари билан бойитилган. Буларнинг барчаси ионик ордерга енгиллик ва ўзига хос меъморий байромона тароват бақишлаган. Стилобатга беозор жойлашган ионик ордер устунининг базаси, устунга ўзига хос қомат ва пластиклик бақишлайди. Афина акрополидаги Эрехтейон эҳромида қўлланилган устунли-тўсинли қурилмалар ионик ордернинг юксак намунаси бўлиб хизмат қилади (169, г-расм). Биз Эрехтейонда антаблементнинг икки хилини: фризли (шарқий ва шимолий айвончада) ва фризсиз турларини (кариатидалар айвончасида) қўрамиз.

Ионик ордернинг байрамона гўзал композицияси ионик катипелнинг валюта, балюстрада ва фризида ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. Ушбу ордернинг пластик элементлари (меъморий обломлар) ва ритмик нақшлари кейинчалик меъморий амалиётда кенг қўлланилган.

Антик Юнонистонда дорик ва ионик ордерлари шаклланганидан кейин **коринф капители** умумий қўринишда шакллана бошлаган. Унда дастлаб ионик ордерининг барча қисмлари мужассамлашган бўлган. Рим даврига келиб эса **коринф ордери** ўзгача антаблементга ва умумий қўринишга эга бўлади. Коринф капителининг юқори қисми мураккаб шаклдаги абак ва қўнқироқ (колокол)лардан ташкил топган, пастки қисми эса ўсимликсимон барг шакллари - акант ҳамда катта ва кичик валюталардан тузилган (173-расм). Юнонча коринф ордери Афинадаги Олимпия Зевс эҳромида ўзининг яққол ифодасини топган.

Антик Юнонистонда шаклланган архитектуравий ордерлар умумдунё

архитектураси тараққиётига кўшилган муҳим ҳисса ҳисобланади. Меъморий ижодда қўлланиладиган, архитектурага хос тектоник, объектив қурилмавий бадиий қонуниятлар архитектуравий ордерларда ўз аксини топган. Ордерларни архитектуранинг барча хусусий томонларини (утилитар, техник ва бадиийликни) қамраб олувчи архитектуравий композициянинг восита ва йўлларининг муштараклиги деб тушунмоқ лозим. Архитектуравий ордерлар ҳам ҳар бир ижтимоий даврга мос равишда ривожланиб, мукаммаллашиб бораверган. Антик Юнонистондан кейин ордерлар тизими Римда кенг қўлланила бошланган.

Антик даврдан бизгача етиб келган архитектуравий ордерлар назарияси баён этилган ягона манба - бу Рим архитектори ва ҳарбий муҳандиси Марк Витрувийнинг (эрамизгача I асрнинг 2-нчи ярми) асаридир. Витрувий "Архитектура ҳақида 10 китоб" деб номланган асарининг 3, 4 ва 5-нчи китобларини архитектуравий ордерлар назариясига бақишлаган. У ордерларни ионик, дорик, тоскан ва коринф турларига бўлади ва уларнинг қурилиш қонуниятларини асослаб беради. Витрувий ушбу ордерларни ишлаб чиқиш, уларнинг қисмлари, ўлчамларини аниқлаш учун шартли ўлчов бирлиги- устуннинг пастки диаметрига тенг бўлган **модулни** яратади ва қўллайди. Модуль ёрдамида содда рақамлар нисбатини қўллаган ҳолда ордерлар қисмлари шакллариининг ўзаро мутаносиблигини аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Витрувий устунлар орасидаги 5 хил масофани белгилади. Булардан 4-таси тош архитравга, биттаси ёқоч архитравга мосланган. Витрувий қоидалари кейинги авлод архитектура назариётчиларига дастурамал бўлиб хизмат қилади ва қурилишда кенг қўлланилади.

Италиянинг Уйқониш даврида (XV-XVI асрлар) архитектуравий ордерлар туркумини ўрганиш, уларга хос гармоник пропорционалликларни таҳлил қилиш давом этади ва шу даврнинг кўзга кўринган икки архитектори Джакомо Бароцци Виньола (1507-1573) ва Андреа Палладио (1503-1580) асарларида ўз имтиҳосини топади. Улар тўрт ордер: тоскан, дорик, ионик ва коринф ордерларидаги пропорционалликларни ишлаб чиқади ва уларга бешинчи ордер **комполит** (мураккаб) ордерини қўшади. Виньола ва Палладио ўзларининг назарияларини ишлаб чиқишда Витрувий асарлари ва антик Рим архитектураси тажрибаларини ўрганишга таянишади. Палладио ва Виньола ордерлари **содда** (тоскан, дорик) ва **мураккаб** (ионик, коринф ва комполит) ордерларига бўлинган.

Витрувийдек Виньола ва Палладио ҳам ордерларнинг барча ўлчамларини **модуль** ёрдамида аниқлаганлар. Виньоланинг модули устун пастки диаметрининг радиусига тенг ва оддий ордерларда 12 партга (қисмга), мураккаб ордерларда 18 **партга** бўлинади (174-расм).

Палладио тоскан, ионик, коринф ва комполит ордерларида модуль сифатида Витрувий каби устун пастки диаметрини қабул қилиб, уни 60 минут (қисмга) бўлган. Дорик ордерида модулни устуннинг пастки

радиусига тенглайди ва 30 қисмга бўлади.

Устунлар кенг, бемалол жойлашганда ордер таркибида устун ва антаблемент мавжуд бўлади. Устунлар аркалар билан биргаликда жойлашганида эса ордер таркибига **пъедестал** ҳам киради.

Виньола антаблементнинг умумий баландлигини устун баландлигининг $\frac{1}{4}$ қисмига тенг қилиб олган. Палладиода эса содда ордерларда антаблемент баландлиги устуннинг $\frac{1}{4}$ қисмига, мураккаб ордерларда устун баландлигининг $\frac{1}{5}$ қисмига тенгдир.



Виньола ва Палладио ордерлари баландликларининг нисбатларини қуйидаги жадвалларда кўриш мумкин:

Устун баландлиги модулда	Тоскан	Дорик	Ионик	Коринф	Композит
Виньолада	14	16	18	20	20
Палладиода	7	16	9	9,5	10

Устун ораликларининг ўлчамларидаги фарқ қуйидаги жадвалда кўрсатилган:

Устун баланд лиги модул да	Тоск ан	Дор ик	Ио ник	Кори нф	Ком- пози т
Виньол ада	$4\frac{2}{3}$	5,5	4,5	$4\frac{2}{3}$	$4\frac{2}{3}$
Палла диоа	4	5,5	$2\frac{2}{5}$	2	1,5

Виньола ва Палладио ордерларининг қисмлари бир неча меъморий обломлар (майда элементлар)дан таркиб топиб, уларнинг номлари қуйидагича: тўқри чизикли элементлар (таёкча, тасма), эгри чизикли содда элементлар (ёстикча, ёстик, ярим ёстик, ярим айлана, тескари ярим айлана) ва эгри чизикли мураккаб элементлар (қозча, тескари қозча, пошнача,




-расм. Рим ордерлари (Виньола бўйича): 1,а-тоскан; 1,б-дорик; 1, в-ионик; 1,г-коринф; 2-дор; 3-ион ордерларининг ўлчамлари (ўлчамлар партларда берилган).

тескари пошнача ва скоция). Уюмча ва тасма обломлар биргаликда **астрагал** деб аталади (175-расм).

Устун куйидаги асосий таркибий қисмларга бўлинади: пастки қисм (**база**), асосий ўзак қисми - даста (**фуст**) ва тугал тепа қисми - боша (**капител**). Устуннинг ўзаги тепасида астрагал, пастки қисмида эса база билан тугалланади. Устун ўзагининг 1/3 қисми тўқри бўлиб, 2/3 қисми

тепага қараб ингичкалашиб боради, яъни энтазис ҳолатини олади.

Тоскан ордерида ташқари барча ордерларнинг устунлари каннелюралар билан безатилган.



ордерларда устун пастки қисмининг радиусига тенгдир. Тоскан ва дорик устунларининг бошалари бир хил таркибий қисмга: **абак**, **эхин** ва **бўйинга** эгадир. Ионик устун бошаси вальюталарни ҳисобга олмаганда пастки радиусининг $\frac{2}{3}$ қисмига тенг бўлиб, тўртбурчак абак, вальютали, ётиқча, балюстрада ва иониклар билан безатилган эхинга эга. Вальюта кўзининг тузилиши Виньола ва Палладиода қисман фарқ қилади.

Коринф устунининг бошаси пастки радиусининг $2\frac{1}{3}$ қисмига тенг бўлиб, кўнқироқ ва абакдан таркиб топган. Унинг безак қисми - икки қатор **акант барглари**, бурчак ва ўртада жойлашган вальюта ва гулдан иборат. Бошанинг чизмаси асосан тарҳда тўрт диагональ ва ўрта ўқлар ёрдамида амалга оширилади.

Антик анъанага кўра дорик ордер фризи **триглиф** ва **метопалардан** иборат. Карниз эса барча тугалловчи қисмларни ўз ичига олади. Карниз тахтаси пастдан юқорига қараганда софит деб аталувчи бадиий безак элементларига эга.


Виньола ва Палладио равоқлар нисбатини қуйидаги тартибда ишлаб чиқишган: Виньола барча ордерларда равоқ кенглигининг баландлигига нисбатини 1:1,2 деб қабул қилган. Палладио бу нисбатни тоскан ордерида 3:5, композит ордерида 2:5 кўринишида ҳисоблаган.

Рим архитектурасида, кейинчалик бошқа Европа мамлакатлари ва собиқ иттифоқ республикалари архитектурасида ҳам деворларни ордерлар ёрдамида вертикал бўлақларга бўлиш ва ордерларни декоратив безак тарзида қўллаш кенг тарқалади. Бунда устун девор сатҳидан ўз диаметрининг ярмигача бўртиб чиқиб турган ёки пилястрга айланган. Архитектуравий ордерлар устунли-тўсинли қурилмавий туркумнинг кенг тарқалган, лекин ягон бўлмаган тизими сифатида шаклланди. Жаҳон халқлари архитектурасида шу чоккача устунли-тўсинли қурилмаларнинг турли шакллари кенг ишлатилган. Ўрта Осиёда, масалан, бундай қурилмаларда қурилиш материали сифатида асосан ёқоч қўлланилган.



-расм. Ордерларнинг архитектурада тарз сиртини бўлакларга бўлиш ва безак тарзида қўлланилиши

Дунёнинг кўпгина архитектура олий ўқув юртларида юнон-рим ордерлари такомиллашган устунли-тўсинли қурилмавий архитектоник тизим тарзида ўрганилмоқда. Ордерлар талабалар бажарадиган топшириқларда икки қисмда: биринчиси - массалардаги ордерлар, яъни тўрттала ордерни умумлашган массаларда (174,1-расм) ва улардан исталган икkitасини барча деталлари билан қаламда (174, 2-3-расмлар), иккинчиси - исталган биронта юнон-рим ордерини архитектуравий лавҳа (фрагмент) тарзида сув бўёқ графикасида бажарадилар (177, а - расм). Иккинчи топшириқда ордер фрагментида юнон ибодатхоналаридан бирининг тарзи фон бўлиб хизмат қилиши ва ушбу тартибда композиция ишланиши мумкин. Архитектуравий лавҳа (фрагмент) мисолида эса одатда, ордер устунининг юқори қисми, капители ва антаблементи олинади. Иқтидорли талабаларга архитектуравий лавҳа ўрнига сув бўёқда ишлаш учун юнон ибодатхоналаридан бирининг, масалан Парфеноннинг бош тарзи ҳам топшириқ сифатида берилиши мумкин (177, б - расм).



Топшириклар 60x42 см ёқоч тахтачага ватман қоқози тортиб чизилади. Топширикни бажариш учун аввал берилган чизмалар таркиби яхшилаб ўрганилади. Сўнгра чизмалар масштабга солиниб қаламда чизилади, яъни топширикнинг мусаввадаси (эскизи) бажарилади. Эскиз тасдиқлангач, у оққа кўчирилади ва қалам устидан тушланиб чиқилади. Архитектуравий лавҳа ёки тарз чизилганда барча соялар қаламда ишлаб чиқилади ва шундан сўнг топширик сув бўёқда бажарилади.

Ордерларни чизишда уларнинг умумий баландлиги барча ордерларда ҳам тенг 19 қисмга бўлиб чиқилади. Улардан 4 қисми курсига, 12 қисми устунга, 3 қисми антаблементга ажратилади. Устунлар учун ажратилган қисмлар тоскан ордерда 14 бўлакка, дорик ордерда 16 бўлакка, ионик ордерда 18 бўлакка, коринф ордерда 20 бўлакка бўлиниб, аввал

модуллар (йирик ўлчов бирлиги, устуннинг пастки диаметрига тенг), сўнгра партлар (майда ўлчов бирлиги, модулнинг 18 ёки 2 қисмига тенг) аниқланади.

Ҳар бир ордернинг модули (партлари) бир-биридан фарқланади. Модуллар тоскан ордеридан коринф ордерига қараб кичрайиб боради. Чизмаларда ўлчовлар асосан модул ва партлар асосида олинади.

Ўрта Осиё ордерларининг ўрганилиш ҳолати. Устунли-тўсинли қурилмаларга асосланган Қадимги Юнон ва Рим ордерлари жаҳон архитектурашунослик фанига маълум ва машҳурдир. Улар устида махсус илмий тадқиқотлар олиб борилиб, қатор китоблар ва услубий қўлланмалар яратилган. Маълумки, юнон-рим ордерлари ўзига хос қурилмавий тектоник тизим сифатида бутун жаҳон архитектурасига, айниқса Европа халқлари архитектурасининг ривожига кўп йиллар давомида ижобий таъсир кўрсатиб келган. Шунинг учун ҳам Европанинг кўпгина архитектура олий ўқув юртларида, жумладан собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикаларда ҳам ушбу қурилмавий архитектуроник тизимни ўрганиш анъана тусига кириб қолган эди. Республикамиз архитектура институтларида юнон-рим ордерлари ҳатто бугунги кунда ҳам ўрганилиб келинмоқда. Тошкент архитектура-қурилиш институтида юнон-рим ордерларидан ташқари миллий муқарнасли устун қурилмасини ўрганиш бошлаб юборилган. Бироқ, ордерли қурилмалар нафақат юнон-рим архитектурасига, балки Ўрта Осиё анъанавий меъморчилигига ҳам хос бўлиб, улар бу ўлкада қадимдан кенг қўлланилиб келинган. Бунинг исботи шулки, бундай қурилмалар Ўрта Осиё минтақасининг бугунги кун меъморий амалиётида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, аксинча республикамиз замонавий архитектурасида улар ўзгача йўналиш олиб, янгича тароват ва гўзаллик касб этмоқда. Тошкентдаги Олий мажлислар залининг биноси, Темурийлар тарихи ва маданияти музейи ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг янги биносида қўлланилган устунли-тўсинли қурилмалар фикримизнинг далилидир





-расм. Ўрта Осиё ордерларининг амалиётда қўлланилиши; а – Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуаси, 1998 й.; б – Тошкентдаги Темурийлар даври маданияти ва тарихи музейи, 1996 й.

Бироқ, афсуски, Ўрта Осиё архитектурасига хос устунли-тўсинли қурилмаларни ўрганиш нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиё минтақасида ҳам шу чоққача яхши йўлга қўйилмаган.

Амалиётда эса бундай анъанавий қурилмаларни қўллаш тажрибалари меъморлар ва бинокор усталар орасида авлоддан-алодга мерос тарзида ўтиб келган. Бундай меросий қадриятларимиз ва бой миллий тажрибалар архитектуравий таълим жараёнига ҳам жорий қилинмаган ва педагог-олимларимиз томонидан ўрганилмаган. Тошкент архитектура-қурилиш институтининг педагоглари бошлаган иш бу соҳада шодадан бир шингилдир, холос.

Тўқри, республикамиз вилоятларидаги анъанавий меъморчилик мактаблари орттирган қурилиш қурилмалари тажрибаларини ўрганишга қаратилган айрим илмий тадқиқотлар мавжуд ва уларнинг натижалари мақолалар ёки китобларга кирган айрим жузъий боблар тарзида баён қилинган. Масалан, В.Л.Воронина "Конструкция и художественный образ в архитектуре Востока" (Москва, 1977) китобининг махсус бобини Ўрта Осиё ордерларига бақишлаган.

Д.А.Нозилов эса ўзининг Ўзбекистон тоқли туманлари архитектураси хусусидаги тадқиқотларида фақат устунлар архитектурасига тўхталган. Тан олиш керакки, устунли-тўсинли қурилмалар архитектураси Ўрта Осиё меъморшунослик фанида ордерлар тизими тарзида шу чоққача комплекс тарзда ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам бундай қурилмалар архитектураси республикамиз архитектура-қурилиш институтлари ўқув режасига кирган фанларнинг дарслик ва қўлланмаларида кенг ёритилмаган. Натижада бўлажак меъморлар ўқув жараёнида ана шундай миллий қурилмалар (ордерлар)ни чизиш ва ўрганиш имкониятига эга эмаслар. Улар ҳозирча юнон-рим ордерларини чизиш ва ўрганиш билан чегараланмоқдалар. Чунки бу масалада меъморий таълим тизимида етарлича тажрибалар орттирилган. Афсуски, Ўрта Осиёнинг ордерли қурилмалари каби бой миллий маданиятимиз қирраларини ўрганиш

бўйича ана шундай тажрибаларга эга эмасмиз.


Шунинг учун ҳам Ўрта Осиёнинг устунли-тўсинли қурилмалар архитектурасини ўрганишни қуйидаги кенг миқёсли йўналишларда олиб боришни таклиф этмоқчимиз:

1. Устунли-тўсинли қурилмаларнинг Ўрта Осиё анъанавий меъморчилигида шаклланиши ва ривожланиш босқичлари;
2. Устунли-тўсинли қурилмаларнинг Ўзбекистон замонавий архитектурасидаги роли ва ўрни;
3. Ўрта Осиё устунли-тўсинли қурилмавий шаклларининг таркиби ва архитектуравий тасниф - тизими;
4. Устунли-тўсинли қурилмавий шаклларнинг меъморий-бадий безаклари;
5. Устунли-тўсинли қурилмавий шаклларнинг тектоник тизими ва хандасавий уйқунлик масалалари;
6. Ўзбекистон меъморчилигида устунли-тўсинли қурилмалар композициясининг истиқболлари;
7. Ўзбекистон архитектурасидаги устунли-тўсинли қурилмалар композициясини ўрганишни ўқув жараёнига тадбиқ қилишнинг график услублари.


Агар биз Ўрта Осиёнинг устунли-тўсинли қурилмавий шакллари (ордерлари)ни ўрганишни ана шундай комплекс тарзда амалга ошира олсак, ўйлаймизки, уларни нафақат архитектуравий таълим жараёнида, балки бунёдкор халқимиз эътиборида ҳам оммалаштирган бўлур эдик.

Ўрта Осиё ордерларининг қисқача таҳлили. Ўрта Осиёнинг устунли-тўсинли қурилмалари юнон-рим ордерлари каби нафақат конструктив, балки бадий гўзаллик вазифасини ҳам бажарган. Устунли-тўсинли қурилмаларнинг қисмлари (пойдевор, устун, тана, калла, боша, тўсин, хари, вассалар) ёрдамида айвон ва шифт композициясининг маҳобатлилиги таъминланган. Бундай қурилмалар ёрдамида сахни кенг хоналар ва айвонлар томи ёпилган, уларнинг тантанаворлигига эришилган (179-расм). Устунлар хона томини икки, тўрт ёки ундан кўп қисмларга бўлиб, тўсинлар кесишган жойларда ўрнатилган. Агар хона ёки зал ўртасида жойлашган якка устун устига хоч шаклида қўйилган харилар билан ёпилса, бундай хона "чорхари" деб аталган. Чорхарилар кўпроқ ҳаммомларнинг ечиниш залларида учрайди. Сарой ва диний обидаларда устунлар сони тўрт ва ундан зиёд бўлган. Тураржой хоналарига кўпинча бир ёки иккита, айрим ҳолларда тўртта устун қўйилган.

Ўрта Осиё ордерлари қадимдан ёқочдан ишланган. Меъморчиликда ишлатиладиган устунбоп ёқочлардан бири "санобар" деб номланган. Бунга сабаб ана шундай ёқоч олинадиган адил қомат дарахтнинг номи ҳам "санобар"дир. Пишиқ устунлар яна сада, қайракоч (қужум), чинор, арча, тут ва ўрик дарахтларидан ҳам тайёрланган.



а




б

-расм. Ўрта Осиё ордерларининг архитектураси: а – Қадимги Панжикент. Шаҳар уйининг қабул зали (реконструкция); б – Ўра-Тепа тумани.

Қалъали Қахқаҳа 1 шаҳристони саройининг тахтхонаси.

VII-VIII аа. (реконструкция).

Ёқоч устунни намдан асраш учун у тошдан ишланган пойкурсига ўрнатилган. Ўрта Осиё ордери асосан **пойкурс, устун кўзаги, устун танаси, калла, боша, қош, хари (тўсин), пирамон тахта, манглай ва дандана** каби қисмлардан ташкил топган (180-расм).




-расм. Ўрта Осиё ордерларининг таркибий қисмлари: 1-дандана; 2-манглай; 3-пирамон тахта; 4-каламча; 5-тўсин; 5'- боша; 6-тоқя; 7-калла; 8-устун; 9-мадохил; 10-кўзаги; 11-туморча; 12-маргинак; 13-устун тошининг боши; 14-бўйин; 15-эмчак; 16-устун тоши; 17-кўкрак; 18-лали (Д.А.Нозилов бўйича).

Ўрта Осиёнинг устунли-тўсинли қурилмавий шакллари юнон-рим ордерлари билан таққослаб ўрганиш пайти ҳам келди, деб ўйлаймиз. Бу билан биз бундай маҳаллий қурилмаларнинг келиб чиқишини юнон-рим ордерлари билан боқламоқчи эмасмиз. Бироқ, бу қурилмалар орасидаги ўхшашлик, умумийлик ва фарқлар мавжудлигини аниқлаш ва ана шу нуқтаи назардан илмий хулосалар чиқариш жуда муҳимдир.

Юнон ионик ордердаги ионика кўчқор ёки ёввойи эчкининг гажак шохига жуда ўхшаб кетади. Кўчқор шохига ўхшаш бошлар эса Ўрта Осиё меъморчилигида ҳам мавжуддир. Бундай шакллар қадимий Панжикент ёқоч ўймакорлигида, Варахша ёдгорликларида ҳамда Ўрта Осиё тоқ меъморчилигида қўлланилган устунли-тўсинли қурилмаларда кўпроқ учрайди (181-расм).

Саройлар ва тураржой уйларидаги устун бошасининг ёввойи эчки, кўчқор шохига ўхшашлиги заминида қадим замонлардан сақланиб қолган ишонч ётганки, у кишини жасурликка, мардликка, покизаликка даъват этувчи рамз тарзида англашилган. Устуннинг кўзак қисми эса халқимизда ҳосилдорлик, наслилик рамзини ифодалаган. Шунинг учун ҳам унинг тузулиши сув, ёқ сақлайдиган идишни ёки гултувакни эслатади.

Ўрта Осиё ордерлари юнон-рим ордерларидан фарқ қилиб, тўсин қаллага (капителга) тўқридан тўқри эмас, балки боша орқали қўйилган. Бу эса тўсиннинг



-расм. Ўрта Осиё устунларининг Кашқадарё вилоятидаги турлари. Д.Нозилов бўйича.

устун каллаги билан мустаҳкам бирикишини таъминлаган. Анъанавий тураржой меъморчилигида тўсинлар устунга каллаксиз, яъни фақат боша орқали ҳам қўйилган. Бошанинг икки учи гажакдор шаклда ишланиб, улар **қош** деб аталган. Агар юнон-рим ордерларининг устунларини "каннелюра"лар беаган бўлсалар, Ўрта Осиё устунлари турли калинликдаги ўйма ислимий **нақшли халқалар** билан безатилган (181, 182-расмлар). Бу нақшли халқалар гоҳида фақат устун кўзагини беаган бўлса, гоҳида бутун устун танасини ҳам беаган. Ўрта Осиё устунлари орасида юнон ордерларининг устунларига ўхшаш кўп қиррали ёки гофрالي устунлар ҳам мавжуд (182-расм).

Маълумки, юнон-рим ордерларида ёзувли безаклар учрамайди. Ўрта Осиёнинг устунли-тўсинли қурилмавий шалларида эса ёзувли безаклар ҳам кенг қўлланилган. Масалан, Хивадаги жума масжидининг қадимий устунларида ёзувий безаклар кўп учради. Бу безаклар ёзув халқасини ташкил қилиб, устун танасининг пастроқ қисмида жойлашган. Бироқ, айрим ҳолларда бундай **ёзувли халқалар** устунининг юқори қисмида ҳам ишланган. Ўрта Осиёнинг устунли-тўсинли қурилмаларини безашда ранглар композициясининг ҳам ўрни мавжуд.




-расм. Хибчабел аёл шаклидаги ёқоч устун. Қадимги Пенжикент.
VII-VIII аа.

Римликлар ўзлари ишлаб чиққан ордерларини бинолар тарзларини бўлақларга бўлиш ва безаш учун ҳам қўллаганлар. Бунда улар ордерни

деворга ёпишган ярим устун, яъни пилястр кўринишида ишлаган. Деворга ёпишган бундай пилястрлар бизда **нимустун** деб аталган. Маълумки, Қадимги Юнон меъморчилигидан то бизнинг давримизгача инсон кийёфасидаги ҳайкал **устунлар - кариатидалар** сақланиб қолган. Ўрта Осиё биноларида ҳам ёқоч ҳайкал устунлар бўлганлиги маълум. Жумладан, Пенжикент харобаларидан хибчабел аёл шаклидаги ёқоч устунларнинг қолдиқлари топилган (183-расм).

Умуман классик архитектурада устунлар гўзаллигини инсон кийёфаси ва унинг танасига хос мутаносибликлар билан кийёслаш одати мавжуд. Жумладан, дорий ордерлар устунлари матонатли эркаklar кийёфасига кийёсланса, ионик устунни сарвиқомат аёл гўзаллигига кийёслашган. Зарафшон воҳасида ишланган аксари устунлар ҳам инсон танасига хос уйқунликка ўхшаб кетган, ҳатто устун элементлари ва безакларига ҳам инсонга хос номлар берилган: **тана** (устун танаси), **калла** (устун капители), **боша** (калла устига ва тўсинлар остига қўйиладиган қисми), **қош** (бошанинг учидаги безаклар), **қамар** (устун ҳалқасимон безаги), **курси** (устун қўйиладиган асос), **пошна** (курсининг энг пастки қисми) ва ҳоказо.

Маълумки, юнон-рим ордерларининг устунлари пастдан юқорига томон торайиб боради. Ўрта Осиёнинг қадимги анъанавий меъморчилигида пастдан юқорига торайиб боровчи устунлардан ташқари бунинг акси, яъни юқорига кенгайиб боровчи устунлар ҳам ишланган. Қаллаги алоҳида шаклдаги бундай устунлар **карнай устунлар** деб аталган (184-расм). Хивадаги Жума масжидида ана шундай қадимий устунлардан бир нечтаси сақланиб қолган.




-расм. Карнай устунлар.

Калла (ёки каллак) устуннинг тепа, безатилган қисми ҳисобланиб, кўпинча ёкочдан, баъзан сополдан, тошдан ҳам ясалган. Каллакнинг Ўрта Осиёда кенг тарқалган турларидан бири бу **муқарнас каллак**дир (185-расм). Муқарнас каллак кўпроқ Фарқона ва Самарқанд вилоятларининг анъанавий меъморчилигига хосдир.

Ордернинг карнизи маъносида бизда **бўқот, қош ва пиромон** сўзлари ишлатилади. Тўсинлар орасига ўрнатилган тахтачалар ҳам пиромон дейилади. Хона ўртасига тепадан кўндаланг қўйиладиган асосий тўсин **забарров**дир.




Устунли-тўсинли қурилмалар гуруҳига Ўрта Осиё анъанавий меъморчилигида асрлар давомида қўлланилиб келинган **устунли шифт қурилмалар**ини ҳам киритиш зарур (186-расм). Бундай қурилмалар айрим уй, сарой ва маҳалла масжидларида ҳозиргача сақланиб қолган. Ўрта асрларда улар хона сатҳининг катта-кичиклигига қараб 4, 9, 12, 15 ва ундан кўп такрорланувчи қисмларга бўлинган. Шифт юзини ташкил қилувчи бу қисмлар оддий ва мураккаб композицияларда ишланган. Оддий композициялар квадрат ва тўқри тўрт бурчак шаклида, мураккаблари эса шифт тўсинларининг турлича йўналишлари, жойлашиши орқали шакллантирилиб, ҳар хил катталиқдаги ромб, учбурчак, олтибурчак каби кўринишларга эга бўлган.





185-расм. Муқарнас каллакли
устунлар.

186-расм. Устунли-тўсинли шифт
қурилмалари.



Шунингдек, сарой, масжид, хонадон шифтининг марказий бўлинма-
сида безак сифатида ичкарига бўртиб кирган қубба ёки гумбазчалар -
хавзаклар ишланган. Бухородаги Бало-Ховуз масжиди шифтида ана
шундай хавзаклар атрофи бир неча қатор йикма муқарнас шарафалар
билан безатилган (187-расм). Шарафалар қатори юқори томонга қараб
кичрайиб борган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёнинг
устунли-тўсинли қурилмалари тизими ва уларнинг архитектураси
Қадимги Юнон ва Рим ордерлари каби бой тарихга ва ўрганишга
арзигудек меъморий тамойилларга эгаки, улар ҳам жаҳон меъморлари
орасида эътибор қозонишга ва келажакда ўз истикболига эга бўлишга
ҳақлидир.


Ўрта Осиё халқ меъморчилигида муқарнасли устунлар кенг ишлатилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, юнон-рим ордерларини ўрганиш ҳозирги меъморий таълим тизимида яхши йўлга қўйилган бўлиб, уларнинг чизмаларини (ортогонал проекциялари, соялари, перспективасини) ишлаш услублари дарсликларда кенг ёритилган. Аммо яхши ўрганилмаганлиги, чизма материалларнинг камчилиги, чизиш услубларининг ёритилмаганлиги туфайли меъморий ўқув жараёнида маҳаллий ордерларининг каллак (боша)ларини чизиш деярли қўлланилмай келинган. Талабаларга топшириқ тарзида Ўрта Осиёнинг муқарнасли устун каллагини чизиш илк бор Тошкент архитектура-қурилиш институтида доцент Х.Пўлатов раҳбарлигида амалга оширилган. Биз ҳам ана шу тажрибага асосланамиз.

Муқарнасли устун каллакларининг асосини устун ўзагининг тепаси ташкил қилиб, одатда 6, 8, 12, 16 та тенг кўпбурчаклардан тузилган. Муқарнаслининг қирралари ҳам асосидаги кўпбурчакларга мос равишда ишланган. Муқарнас устун ўзагини қурилмавий ва бадий жихатлардан композицион давом эттиради ва ривожлантиради (188-расм). Муқарнасли устун каллаги дорик, ионик, коринф ва композит ордерларидан каллак билан ўзак оралиқидаги бўйин (шейка)нинг йўқлиги билан фарқланади. Бу ерда каллак ва ўзак орасида узилиш бўлмай улар бир-бирига узвий қўшилиб кетади.


Муқарнасли каллакнинг чизмасини бажаришда асосан қуйидагиларга эътибор берилади:

1. Чизмада тик йўналиш бўйича каллакнинг алоҳида ўлчанган баландликлари қўйилади (189-расм). Агар чизма натурадан бажарилаётган бўлса ўлчамлар шо вун, тўқри учбурчак чизгич ёрдамида координат услида олинади. Текшириш учун умумий баландлик ўлчанади, бунда хусусий баландликларнинг йиқиндиси умумий баландликка тенг бўлиши керак.

2. Уфқий (горизонтал) йўналиш бўйича устун ўзагининг кўп томонли муқарнас асосидаги кўпбурчакларнинг томонлари ҳамда муқарнас тарҳида ҳосил бўладиган юлдузларнинг томонлари қўйилади. Муқарнас равоқларининг шаклдор қирралари (профиллари) хитой қоқозига (калкага) кўчирилади.



-расм. Боло-Ховуз масжиди кайвонидаги мукарнас устунлар.



-расм. Мукарнасли устун каллагининг акварелда бўялган кўриниши. ТАКИ

Кўпбурчакларнинг ва юлдузларнинг томони ва қирралари саналади. Ушбу ўлчамлар ва амаллар мукарнасли устун каллагини чизиш учун етарли асос бўлиб хизмат қилади.

Бироқ, устун ушлаб тўрган тўсин, унинг тагидаги "қош" ва устун ўзаги тепа қисмининг ўлчовлари ҳам умумий қоидаларга биноан қўйилади. Бу ўлчамларсиз чизма тўлиқ бўлмайди. Устун ўзагини ўлчашда унинг пастга қараб кенгайиб боришини акс эттириш лозимлиги назарда тутилади.

Чизиш "умумийликдан хусусийликка" услуби билан олиб борилади.

Чизма жараёнини уч асосий босқичга ажратса бўлади.

1- босқичда умумий ишлар бажарилади. Аввал тарзнинг симметрия ўқи ва тархнинг маркази белгиланади. Ўқда устун каллагининг баландликлари ёрдамчи чизиқлар билан кўрсатилади. Каллак тепасидаги тўсин, қош ва пастдаги устун ўзагининг тепа бўлаги ҳам кўрсатилади; тарх қирқими устун ўзагининг устки сатҳидан олингани мақсадга мувофиқдир. Бу босқичда чизмалар ҳажмлар ёрдамида умумлаштирилган ҳолда, яъни чизилаётган каллак яхлит бутунли кесик конус шаклида ифодаланади. Босқич охирида каллак тарзда трапеция, тархда эса марказли айланалардан иборат бўлади.

2-босқичда муқарнас қирралари олдин тархда, кейин (тархдан фойдаланиб) тарздаги қирралар ажратилади. Дастлаб тархда ички кўпбурчак (ўзакнинг устки сатҳи) чизилади. Бунинг учун ички айланадан фойдаланилади. Айланада 36 градус мавжудлигини назарда тутиб кўпбурчакнинг сонига мувофиқ, ўзаро тенг бурчакларни ифодаловчи ёйлар ажратилади. Масалан, 16 бурчакни чизиш учун айлана $22,5$ градусдан ($360 \text{ градус} : 16 = 22,5 \text{ градус}$) бўлиши керак. Ушбу белгилардан фойдаланиб дастлабки кўпбурчаклар чизилади.

Айлана белгиларидан ўтказилган радиуслар бошқа кўпбурчакларни чизишда ёрдам беради. Бу жараёнда шу нарсага эътибор бериш керакки, кўпбурчаклар томонларининг узунликлари ўлчовга тўқри келиши керак. Зарур ҳолларда тузатишлар киритилади.

Шулардан сўнг тархдаги нуқталарни тарзга олиш жараёни бошланади. Дастлаб ўзакнинг устки қисми кесик кўпқиррали пирамида сифатида чизилади. Кейин каллакнинг ўзини чизишга ўтилади. Каллакни пастдан тепага қараб буқинма-буқин чиқарилади. Ҳар бир буқин (остки ва устки нуқталар) тархдан чиқарилиб тик чизиқлар кўрсатилади.

3-босқичда шаклдор қирралар чизилади. Ишни чизилиши осонроқ бўлган қош (тоқя)дан бошлаш маъқул. Ортогонал кўринишдаги қош қирраси катак чизиқларига олинади ва чизмада кўрсатилади. Икки тарафдаги қошлар бир-бирига қараган, яъни симметрия ҳолида бўлгани учун қош чизмасининг ўнг ва тескари (орқа) томонларидаги кўринишларидан фойдаланилади.

Муқарнас косаларининг шаклдор қирраларини чизиш нисбатан мураккаброқ. Қирранинг шакли тенг томонли катакка олиниб ўқига нисбатан турли қиялик ҳолатларда (ракурсларда) акс эттирилиб чизилади. Бунинг учун тарзда катакларнинг тик чизиқдаги баландликлари (масалан, 1-6 нуқталар) ва тарзда катакларнинг уфқий чизиқдаги нуқталари (масалан, "а", "б", "в", "с" нуқталар) белгиланади. Улар ёрдамида турли ҳолатлардаги катаклар чизиб олинади. Катаклар ёрдамида ҳамма шакллар қирраларининг чизиқлари чиқарилади.

Юқорида айтилгандек, шаклдор қирралар ҳам буқинма – буқин чизиб чиқилади. Каллак қирраларининг сиртларидаги нақшларни ҳам турли қиялик ҳолатларида кўрсатишда катакларга олиш усули қўл келади.

Мукарнасли устун каллаги каламда чизилгандан сўнг тегишли коида ва услубларга кўра сув бўёкда бўяш босқичи бажарилади. Мукарнасли каллакнинг сояларини чизиш мураккаблиги ва ҳозирга қадар ишлаб чиқилмаганлиги учун талабаларга чизмани сояларсиз бажариш тавсия этилади.

II.5. Академик бўёв машқи

Архитектуравий чизмаларни график безашнинг турли усуллари мавжуд чизилари графика, штрихли графика, нуқтали графика, гуашда бўяш (рангли графика), сувбўёвда бўяш ва бошқалар. Сувбўёвда бўяш графикаси нур ва соя хусусиятларини жуда нафис кўринишларда ишлаб чиқиш имкониятларини туғдиради.

Сувбўёқда бўяш графикасининг вазифалари. Сувбўёвда бўяш - меъморий чизмани ишлаб чиқишнинг асосий ва ўзига хос услуби бўлиб, уни эгаллаш малакавий техник тажрибани талаб қилади. Бу техникани фақат нур ва соя модели тарзида эмас, балки меъморий чизмани ҳар хил тонда ишлаб чиқиш имкониятлари тарзида тушунмоқ керак.

Сувли бўёқнинг асосини сув ташкил этиб, чизмани бўяш учун туш, акварель бўёғи ва юмшоқ мўйқалам (кист) қўлланилади. Меъморий чизманинг деярли ҳамма турида қўлланиладиган сувбўёқ бўйича кўрсатмалар мутлоқ эмас, чунки объектнинг ёритилиш шароити, меъморий шакл характери ва қўйилган график вазифа фавқулодда хилма-хил бўлиши мумкин. Сувбўёқ графикасини қўллаш доираси жуда кенгдир, чунки у бино элементлари (режа, тарх, тарз, деразалар, кичик соялар ва ҳоказоларни) кулранг ва қора бўёвда бўяшдан тортиб, то кенг осмон ва ер текислиги, тарх ва бош режаларнинг катта сояларини бўяшни ҳам ўз ичига қамраб олади.


Чизманинг таъсирчанлиги сувбўёқнинг характерига боғлиқдир. Бир текис бажарилган енгил сувли бўяш чизмани кучсиз нимранг қилиб кўрсатса, қорароқ тушда ишланган қуйикроқ сувли бўяш қоғоз чегараларининг оппоқлигини бўрттириб кўрсатади. Агар таъсирчан бўлмаган "кўримсиз" чизмага қора "доғлар" (одамлар, ёзув, дарахт ва буталар) ишлатилса, чизма бутунлай бошқа сифатга эга буўлади (147-расмга қаранг).

Меъморий чизмалар сувбўёвда чизикларнинг кўриниши ва қаламлар мусаффолигини ҳамиша сақлаган ҳолда, ёруғликдан қоронғиликка нозик ўтишни таъминлайдиган акварель ва хитой тушида бажарилади.

Сувбўёқда бўяш усуллари. Чизмани текис бўяб чиқиш учун энг аввало сувбўёқни мувофиқ тонда танлаш керак. Агар хитой туши ишлатилса, у аввал нам идишда ишқаланиб, сўнгра қайнатиб совутилган сувга қўшилади. Ҳосил бўлган *суюқ* бўёқ пахта ёки бир неча қават докадан бир-икки марта ўтказилиб филтрланади.

Суюқ қора туш ё акварель бўёғи ишлатиладиган бўлса, унга кераклигича сув аралаштирилиб кейин филтрланади. Бўёқ хажми чизманинг хажмига мосланиб тайёрланади. Амалда уни кўпроқ тайёрлаш керак, чунки ҳар қандай тажрибали киши ҳам бир марта бўяшда исталган натижага эриша олмайди. Бўяшни бир неча маротаба такрорлашга тўғри келади.

Бўяшдан олдин тахтага чеккалари яхшилаб елимлаб тортилган қоғозни яна бир марта намлаш керак, чунки қуруқ қоғоз текислигида туш бир текисда бўялмайди. Бўялаётган чизма 20-30 градус қияликда бўлиши керак. 18-20 сонли юмшоқ мўйқалам ёрдамида қоғознинг тепа қисмидан сувли бўяш бошланади. Қўлнинг ритмик ҳаракати билан бўёқли сувни мўйқаламда қоғознинг пастки қисмигача олиб борилади. Сув тўпламчалари бир хилда горизонтал равишда бўлиши керак ва зинхор унинг оқиб кетишига йўл қўймаслик зарур (190-расм). Қоғознинг паст қисми бўялиб бўлганидан кейин қуруқ мўйқалам ёрдамида сув тўпламчаларини олиб ташлаш мумкин бўлади. Сув бўёқнинг бир неча **усуллари** мавжуд:



-расм. Сувбўёқ графикасининг усуллари: а – юзани бир хил тонли бўёқда бўлақларга бўлиб бўяш; б – юзани ҳар хил тонли бўёқда яхлит бўяш.

1-нчи усул, Агар қоғоз юзасини бир текисда бўяш талаб қилинмаса оқдан қоронғулашиб борадиган текислик қаламда бир неча тенг бўлақларга бўлиб чиқилади. Нимранг бўёқ тайёрланиб олинадида, у билан бутун текислик бир хилда бўяб чиқилади. Қоғоз қуригандан кейин

биринчи қисми қолдирилиб, иккинчи қисмдан бошлаб шу бўёқда "ювилади", сўнгра учинчи қисмдан бошлаб "ювилади" ва ҳоказо (а-расм).

2-нчи усул. Бир хил тушдан бир неча тонда сувли бўёқ тайёрланади. Текисликни тоза сув билан ювиб бошлаб, унга тайёрланган бўёқнинг энг оч тонини қўшиб, пастга тушган сайин қаророк; тонлар қўша борилиб рангда керакли нозик қорайишларга эришилади (б-расм).

3-нчи усул. Бу усулда қоғоз сув билан олдивдан намланиб олинади. Бўёқнинг қорарок тонини қоғознинг нам сатҳига шундай қўйиш керакки, оқдан қорага дарров енгил ўтиш ҳосил бўлсин. Бу усулнинг қийинчилиги шундаки, қоғознинг намланиш даражасини аниқ билиш керак. Акс ҳолда туш оқ фонда чегара (контур) ҳосил қилиши мумкин.



Юқорида айтиб ўтилган усуллар ўзининг ижобий самарасини куйидаги шартлар бажарилгандагина кўрсатиш мумкин:

- аниқлик, чизмани тўғри тушуниш, озодалиқ, ишни охиригача етказиш услубларининг яхши ўрганилганлиги;

- меъморий чизиқларда чегара (контур) сақлаш, ундан чиқмаслик ва ҳатто бўрттириб кўрсатишга эътибор бериш.

Бу шартларнинг бажарилиши қоғоз юзасини бир текисда бўяшни таъминлайди. Меъморий иншоот ва унинг қисмларини оқдан қорага томон сувли бўяш услубида бажариш нур ва соя муносабатини чиқаришда нисбатан қийин ва масъул вазифа юклайди (расм).


Сувбўёқда нур ва сояларни чиқариш Эскиз ишлаш жараёнида меъморий шакл пластикасига таъсир этувчи ёруғлик манбалари: офтоб, осмон, рефлекс, ёруғлик кучидек омилларни аниқлаб олиш лозим. Ёруғликнинг шакл сатҳига тушиш бурчаги шартли тарзда 45 градус деб қабул қилинган. Иш умумий шаклдан, ёруғлик тўғри тўшаётган жойлардан, ярим тон, соя, рефлексдан бошланиб, деталлар фактурасини кўрсатиш билан тугалланади.



Агар рефлекс ёруғлик кучига кўра осмон ёруғлигидан кучлироқ бўлса, шаклнинг рефлекс берувчи текисликка қаратилган ҳамма жойида ярим тонни сақлаш керак. Ҳар қандай сувли бўяш шароитида ҳам нур ва соя орасидаги кенг муносабатни сақлашнинг ва енгил ярим тоннинг умумий

ёруғлик тонига ва, аксинча, қоронғу ярим соя ва рефлекснинг умумий тонга бўлган муносабатини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Меъморий шаклдан тўшаётган соялар чегарасини бўрттириб кўрсатиш чизмага алоҳида пластик кўриниш ва аниқлик бағишлайди (расм).



расм. Сувбўёқда сояларни ишлаш.

Кенгликда ҳар хил узоқликда тўрган меъморий шаклларни сув бўёқда бўяшда фазовий қисқариш (перспектива), нур ва соя муносабати қонуниятларига риоя қилмоқ зарур: шакл томошабинга қанчалик яқин бўлса нур ва соя муносабати шунчалик контраст, деталлар ва фактура шунчалик аниқ кўриниб, шакл қанча узоқ бўлса нур ва соя контрастлиги йўқолиб, фактура ва деталлар шунчалик умумий кўрсатилади.


Талаба шуни яхшилаб ўрганиб олиш керакки, деталь ё объектни ёритиш куйидагиларга боғлиқдир:

- нурнинг ёруғлик кучига;
- нур тўшаётган бурчакнинг катталигига;
- ёруғлик манбаининг ёритилаётган юзагача бўлган масофасига;
- бўялаётган юзанинг фактура, текстура ва характери.

Шаклга ёруғлик бевосита ёруғлик манбаидан ёки қайтган нурдан, яъни акс этган нурдан тушиши мумкин. Нурнинг акс этишига сабаб, яна ўша юзанинг фактурасидир. Тушаётган нур шу фактурага урилиб тарқалади. Тарқалган нур учун ёруғлик манбаи бўлиб атмосфера хизмат қилади. Юзани уччала ёруғлик (тушган, акс этган ва тарқалган нур) тўлқинларининг мажмуи ёритади. Юзага 90 градус бурчак остида тушаётган нур юзада ёрқин нуқтани ("блик"ни) ҳосил қилади.

Соя икки хил: "тушаётган соя" ва "ўз **сояс**" каби хилларга бўлиниб, улар тон жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Ёритилган жисмдан тушаётган соя нарироқда турган жисмга бориб етгунча (атмосфера таъсири остида) кучсизланади ва шунинг учун ҳам жисмнинг ўз сояси тушаётган сояга нисбатан кучсиздир.



- расм. Талабаларнинг сувбўёқда бажарган ишларидан намуналар.

Акс этган, яъни қайтган нур жисмнинг соя қисмига тушиб маълум маънода ёруғликни ташкил этади. Бу **рефлекс** деб аталади (193-расмга қаранг).

Қўйидаги қоидаларга риоя қилиш сувли бўёқ графикаси муваффақиятининг шартларидир:

1. Тушаётган соя ҳамиша жисмнинг ўз соясидан кучлироқдир.
2. Тушувчи соя жисм қиррасида кучли бўлиб соя чегарасига қараб кучсизланиб боради.
3. Эгри текисликларда 90 градус бурчак остида тўшаётган нурдан ҳосил бўлган соялар кучли бўлиб, аксинча, акс этган нурдан тушган соялар кучсиздир.
4. Чуқур соялар кўп бўлган юзаларда юзанинг кўзга яқин қисмидаги соялар кучсизроқ, кўздан узоқ қисмидаги соялар кучлироқ бўлади.
5. Фазовий узоқликда жойлашган ёпик соялар қолган сояларга нисбатан қорароқдир.
6. Акс этган нур объектнинг соя қисмида тескари сояларни пастдан тепага ва чапдан ўнгга қараб ҳосил қилади.


Юқорида айтилганлардан шу хулосага келамизки, сувли бўёқ бу нур ва соя ҳақидаги кенг билим ва тажриба мақсулидир. Талаба юксак дид, малака ва чуқур билимга эришиш мақсадида сув бўёқ графикаси сирларини эгаллаши мумкин. 194-расмда талабаларнинг сувбўёқда бажарган ишларидан намуналар келтирилган.

Ҳозирги замон меъморий чизмаларида сувли бўяш техникаси ҳар қандай кўринишдаги бошқа графика турлари, чизиқли ва штрихли графика, ранг пуркаш техникаси, аппликация, ҳаттоки макетлар ясаш ва компьютер графикаси билан биргаликда олиб борилади.

II.6. Архитектуравий лавҳа тасвири

Дунёнинг кўпгина архитектура олий ўқув юртларида юнон-рим ордерлари такомиллашган устунли-тўсинли қурилмавий архитектоник тизим тарзида ўрганилмоқда. Ордерлар талабалар бажарадиган топшириқларда икки қисмда: биринчиси массалардаги ордерлар, яъни тўрттала ордерни умумлашган массаларда (174,1-расм) ва улардан исталган иккитасини барча деталлари билан қаламда (174, 2-3-расмлар), иккинчиси - исталган биронта юнон-рим ордерини архитектуравий лавҳа (фрагмент) тарзида сув бўёқ графикасида бажарадилар (177, а - расм). Иккинчи топшириқда ордер фрагментига юнон ибодатхоналаридан бирининг тарзи фон бўлиб хизмат қилиши ва ушбу тартибда композиция ишланиши мумкин. Архитектуравий лавҳа (фрагмент) мисолида эса одатда, ордер устунининг юқори қисми, капители ва антаблементи олинади. Иқтидорли талабаларга архитектуравий лавҳа ўрнига сув бўёвда ишлаш учун юнон ибодатхоналаридан бирининг, масалан Парфеноннинг бош тарзи ҳам топшириқ сифатида берилиши мумкин (177, б - расм).





-расм. Сувбўёк графикасида ишланган ордерлар:

а - архитектуравий лавҳа (ордер фрагменти). б - Афинадаги Парфеонон эҳромининг бош тарзи. СамДМҚИда бажарилган курс ишларидан намуналар

Топшириқлар 60х42 см ёғоч тахтачага ватман қоғози тортиб чизилади. Топшириқни бажариш учун аввал берилган чизмалар таркиби яхшилаб ўрганилади. Сўнгра чизмалар масштабга солиниб қаламда чизилади, яъни топшириқнинг мусаввадаси (эскизи) бажарилади. Эскиз тасдиқлангач, у оққа кўчирилади ва қалам устидан тушланиб чиқилади. Архитектуравий лавҳа ёки тарз чизилганда барча соялар қаламда ишлаб чиқилади ва шундан сўнг топшириқлар сув бўёқда бажарилади.

II.7. Шрифтли композиция

Биз яшаб турган ҳозирги замон ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ҳаракатчанлик ва жўшқинлик меъморлар тайёрлаш таълим жараёнига ҳам албатта ўзининг фаол таъсирини кўрсатмоқда. Республикамизда ёш авлоднинг илм ўрганиши ва саводхонлиги лотин алифбоси асосида олиб борилмоқда Шундай экан, меъморчилик соҳасида чуқур ўрганиладиган "Шрифтлар" мавзусини бугунги кунда лотин алифбоси асосида ташкил этиш долзарб масала қилиб қўйилган.

Маълумки, меъмор бўлажак бино ёки иншоотнинг тарҳ, тарз ва турли кўринишларини чизиб бера олишдан ташқари чиройли ёза олиш хусусиятига ҳам эга бўлиши керак. Лойиҳадаги ҳар бир сўз ритмик тузулиш ва ҳарфлар композицияси уйғунлиги билан маълум бир образни ташкил этиши зарур. Бунга эса фақатгина турли шрифтларни мукамал ўрганиш натижасидагина эришиш мумкин.

ТАҚИ ва СамДМҚИ нинг кафедраларида узоқ вақт давомда талабаларга асосан антик ёзувга асосланган "Меъморлар шрифти" ўргатилиб келинди. Бу шрифт ўзининг содда тузулиши ва бежиримлиги билан ажралиб туради ва бевосита фақат паргор ва чизгич ёрдамида қуриш услубиятига эгадир.

Шрифтлар эволюцияси. Қисқача тарихий обзор. Ёзув ҳам нутқ каби кишилар орасидаги ўзаро муносабат, фикр алмашиш, фикрни замон муҳри билан абадийлаштиришдек муҳим вазифани бажарган ва бажариб келмоқда.

Умумжаҳоний ёзув таркибида 4-хил ёзув мавжуд:

1. Пиктографик (расм солиш) - қадимги дунё одамнинг тошларга расм солиш шаклидаги ёзуви,

2. Идеографик - илк давлатлар ва савдо пайдо бўлган замонлар ёзуви. Илк бор Миср ва Хитойда шаклланган бу ёзув график белгиларга асосланган эди.

3. Буғунли ёзув (бир белги-буғун) - Ҳиндистон халқларининг ёзуви. Япониядаги буғунли ёзув Хитой идеографик ёзуви билан биргаликда олиб борилган.

4. Ҳарф - овозли (фонематик) ёзув. Бу ҳозирги замон ёзуви бўлиб, унда фонематик таркиб фонографик таркибдан сон жиҳатидан фарқ қилади. Бизнинг ёзувимиздаги ҳарфлар овозимиздаги барча товушларни ифодалай олмайди, лекин сўзларни фарқлаш имкониятини беради.

Масалан, лотин алифбосида 23 ҳарф, рус алифбосида 33 ҳарф ва 39 овоз, итальян тилида - 21 ҳарф, чех тилида - 38 ҳарф, арман тилида 39 ҳарф мавжуд ва ҳоказо. Алифбодаги ҳарфлар бир-биридан фарқ қилади. Агар буни биз графематик таркиб деб атайдиган бўлсак, графематика (грек, лотин, славян-рус алфавити ва бошқалар) кўп асрлар давомида у ёки бу тилнинг ўқлиши ва ёзилишидаги қулайлик талабларига мувофиқ тарзда ривожланиб келган.

Ҳозирги замон ҳарфи - овоз алифбоси 2 хилдаги графематик киёфага эгадир: биринчи хилдаги энг қадимий маюскул (лот. majusculus- бироз катгароқ) - бош ҳарфлар кўринишида, иккинчи хилдагиси - кейинроқ ишланган минискул (лот. minusculus- жуда кичик)- хуснихат тарзида шаклланган.

Лотин алифбосининг авлодларини юнон алифбоси ташкил этади. Қадимги юнон ёзувининг капитал (capitalis - бошловчи) - бош ҳарфлари эрамиздан олдинги VIII асрда пайдо бўлиб, фақат эрамиздан олдинги IV асрда нисбий мукамалликка эга бўлган. Ҳар бир ёзув ривожланишининг муҳим шартининг алифбосидаги эволюциядир. Лотин алифбоси ҳам юнон ёзувининг рим ёзувига қадар кечган ривожланишининг маҳсулидир. Лотинликлар (Рим ва унинг атрофида яшовчи аҳоли, лотин алифбосининг номи шундан олинган) юнон алифбоси асосидаги этрус алифбосини қабул қилишган.

Лотин алифбоси ўзининг ҳозирги кўринишини фақат эрамиздан олдинги I асрда қабул қилган. У 21 ҳарфдан иборат эди. Эрамизнинг 1-V асрларига келиб ҳарфлар графикасида муҳим эволюция рўй берди. Ҳарфнинг тузулиши ўзгармаса ҳам чизилиш турлари тубдан ўзгаради. Ҳарфнинг тузулишини, чизилишини, ёзилишини ва ўқилишини осонлаштиришга, соддалаштиришга қаратилган ҳаракатлар натижасида шу тараққиётга эришилди.


Рим ёзувининг тараққиёти ҳақида бир нечта назария мавжуддир. Биринчи назарияга кўра, рим ёзуви монументал асосда риволшанган. Китоб ёзиш ривожланганидан сўнг квадрат кўринишидаги рим монументал ёзуви узунчоқроқ (рустика) шаклига эга бўлган. Кейинроқ ёзувда айлана элементлар ишлатила бошлаган. Ҳар уччала кўриниш ҳам маюскул, яъни бош ҳарфлардан иборат бўлган.

XIX асрнинг 50 йилларида Ж.Маллон шрифтлар эволюцияси ҳақидаги янги назарияни олдинга суради. Бу назариянинг маъноси шундан иборатки, ёзув таравдиёти асосан ўқимишли одамларнинг оддий ёзуви доирасида юз беради. Айнан шу ёзувда ҳарфлар шаклининг муҳим ўзгаришлари ҳосил бўлади.

бўлса, унга шаклан яқин бўлган бошқа ҳарфлар: С, Ю, Э, О', G, Q лар ҳам доира ичида чизилиши шарт.


Кўпчилик ҳарфларнинг эни бир-биридан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: ўрта (асосий) ҳарфлар (Н, П, И, N, U ва бошқалар), тор ҳарфлар (Е, В, Г, I, J, V) ва кенг ҳарфлар (Щ, М, Ю, Ф). Ўртасидан тик бўлинган ҳарфлар (А, Б, В, Е, Н ва ш.ў.) ҳам бўлиниш чизиғи бўйича гуруҳларга ажратилиши керак, бироқ улар қаторда турли хил баландликларда чизилиши мумкин. Ҳарфларни баландлиги бўйича тенг иккига бўлиб чизиш мақсадга мувофиқ эмас.


Ҳарфларнинг баландлиги бир хил чизилиши шарт. Бироқ, асоси доира ва учбурчакда жойлашган ҳарфлар бошқаларидан бироз баландроқ чизилади. Бу уларни кўриниши квадрат ёки тўғри тўрт бурчак шаклда



А Б П К О С Л Ю
 А Б П К ~~О~~ С Л ~~Ю~~
 Д О Т К Л П Н
 Н Р Е Я Н Р Е Я Н Р Е Я

б






-расм, а. Ҳарфларни чизиш технологияси

Шрифтларни чизишдаги муҳим талаблардан бири - бу улар орасидаги оралиқларнинг бир хиллигидир. Бироқ, ҳарфларнинг эни, шакли ва эгаллаган юзасига қараб улар орасидаги масофалар турлича бўлади. Эни ва шакли бир-бирига яқин бўлган ҳарфлар (масалан, П, Н, И ва ш.у.) оралиғи бир хил олинаши, бироқ айлана шаклли ҳарфлар билан исталган бошқа ҳарфлар ораси кичикроқ, бир-бирига очиқ томонлари билан қараган, масалан Г ва А ҳарфларининг оралиғи эса янада кичик-роқ олинаши керак (164-расм, б).

Квадратга асосланган ҳарфларни чизиш қулай бўлишлиги учун уларнинг баландлиги ва эни 9 сонига бўлинадиган бўлиши керак. Масалан 54; 63 мм ўлчамларга эга бўлган ҳарфлар осон чизилади. Чунки бу ҳолатда квадрат томонининг $1/9$ қисми ҳарф қалинлигини ҳосил қилади. 165, а -расмда ана шу қоидага асосланган меъморлар шрифтининг босма бош ҳарфларини чизиш технологияси, 165, б расмда эса кичик босма ҳарфларнинг чизилиш тартиби кўрсатилган.

Юқорида қўйилган талаблар сонларни чизишга ҳам бирдай тааллуқлидир. Бироқ сонларнинг шакли ва чизилиш тартиби чизмадаги ёзувлар учун танланган шрифтлар шаклу-шамойилига мос келиши шартдир. Ёзувлар учун эса шундай шрифтлар танланиши керакки, уларнинг стили ва композицияси чизмада тасвир этилаётган объект композицияси ва мазмунига ҳамоҳанг бўлсин. Агар шрифт яхши дид билан танланмаса у асосий чизма сифатини пасайтириб юбориши мумкин.

Ёзувларни чизмага тўғри ва чиройли жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Унда асосий ёзувлар, баённомалар ва сонлар учун турли хил ҳарфларнинг қалинлиги ва қиялигини ўзгартириб ҳам чизмада яхши натижаларга эришиш мумкин.



-расм, б. Ғарфларни чизиш

A B C D E
 F G H I
 K L M N O
 P Q R S
 T U V
 W X Y Z

APITALIS

UADRATA




-расм давоми. Раҳбар: М.Розикбердиев. Талаба: Н.Журабаева. Шрифтли композиция

Меъморий таълим тизимида ҳарфлар ёки ҳарфлар ва сонлар аралашмасидан турли хил композициялар тузиш одат тусига кирган. 166-расмда Самарқанд ва Тошкент меъморчилик-қурилиш институтлари талабаларининг шрифтларни чизиш ва улардан композициялар тузиш бўйича бажарган ўқув ишларидан намуналар келтирилган. Уларга қўйилган асосий талаб композицион яхлитликни, ўзаро масштабликни, шрифтлар уйғунлигини, бўйсунувчи марказни топиш ва шу асосида шрифтлар эстетикаси ва жозибadorлигини яратишдир.

II.9. Иншоот умумий кўринишининг тасвири

Юқорида кўрдикки, ортогонал проекциялар ўта шартли тасвирлардир. Иншоот тўғрисидаги кўз билан кўриб яхлит идрок этиш мумкин бўлган тўлароқ умумий тасвирни перспектива ёки аксонометрия беради (195-расм).

-расм. Биноларнинг умумий кўринишлари-
даги тасвирлари: а – перспектива;
б – аксонометрия.



а



Архитектура тажрибасида перспектива ҳандасавий куриш йўллари билан боғлиқ бўлган масалалардан ташқари, кўплаб бадиий масалаларни ҳам ечади. Бу масалалар атроф муҳит ва ёритилиш шароитлари белгиланган картина-объектнинг тасвирида ўз ечимини топади.

Перспективани куриш учун исталган меъморий обидани танлаш мумкин. Бошлангич материал сифатида Қадимги Юнонистон, Рим, Италия уйғониш даври ва Рус классицизми, Марказий Осиё X-XVII асрлар меъморчилиги намуналарининг ўлчов чизмаларидан фойдаланиш мумкин. Баъзи пайтда ҳозирги замон миллий ва хорижий архитектура намуналаридан ҳам фойдаланилса бўлади.

Перспективада тасвир предмети тарзида бинонинг ички ёки ташқи кўринишларидан бири олиниши мумкин. Топшириқни бажариш жараёнида қуйидаги муайян масалалар ечилади:

1. Архитектуравий объект, иншоотнинг перспективасини ҳар хил уфқ чизиғи баландлигида, турли нуқталардан умумий ҳажм кўринишида яққолроқ ифодалаш маҳоратини ўрганиш;

2. **Бадний масала** - архитектура объектининг характерини тўла очиб берувчи ва тасвирнинг кўرғазмалилигини таъминловчи кўриш нуқтасини танлаш;

3. **Композицион масала** - тасвирнинг катталигига нисбатан объект ўлчамларини аниқлаш, тасвирнинг қоғоздаги ўрни, ландшафт ва предметли муҳит элементларини тасвирга қўшиш, нур ва сояларни аниқлаш.;

4. **Геометрик масала** - ҳар бир алоҳида вазият учун қулай бўлган перспектива қуриш усулини танлаш;

5. **График масала** - нафис ва чиройли чиза олиш, сувбўёқ услубларини қўллай билиш.

Топшириқни бажариш тартиби Перспективани бажаришда бошланғич материал бўлиб иншоотнинг ортогонал проекцияларидаги чизмалари: тарх, тарз ва деталлардан фойдаланилади. Улардан асосийси тарх график жиҳатдан жуда аниқ чизилган бўлиши керак. Перспектива қуриш учун ҳар хил баландликдан олинган бир неча тарх керак бўлади. Объектнинг тарзи тарх бажарилган масштабда чизилиши шартдир.

Тарх ва тарз 24-формат қоғознинг бир чеккасига чизилгандан сўнг кўриш нуқтаси танланади ва картина текислиги ўтказилади.

Кўриш нуқтаси. Иншоот архитектурасининг хусусиятини перспективада тўлалигича очиб бериш кўриш нуқтасини тўғри танлаб олишга бевосита боғлиқдир. Кўриш нуқтасининг объектдан узоқлиги шундай олинishi керакки, объекки кўра олиш конуси 30-40 градусни ташкил этсин (196-расм). Очiq майдонда жойлашган бино учун кўриш нуқтасини танлаш, кўчадаги бошқа қурилишлар орасида жойлашган бинога нисбатан кенгрок имкониятларга эгадир.

Тасвирнинг жозибалилиги кўриш нуқтасининг масофасига, асосий нурнинг жойига, картинанинг жойлашувига бевосита боғлиқдир. Асосий нур картина текислигига перпендикуляр қилиб олинади. Кўриш конуси 30-40 градус бўлиши учун одам кўриш нуқтасининг объектгача бўлган масофаси уфқ чизигидан бинонинг энг баланд нуқтасигача бўлган масофадан 2,5-2 мартаба катта бўлиши керак.

Перспектив кўринишнинг чизмада яхши чиқиши учун асосий нур объектнинг бурчагига тўғри келмаслиги керак, чунки бунда фокуслар бир масофага эга бўлиб қолади, бу эса чизмада кўримсиз композицияга олиб келади. Асосий нур бино бурчагининг биссетрнсаси бўйлаб ўтмаслиги керак. Кўриш нуқтасини жуда узоқ олганда кўриш конуси 30 градус дан камайса перспектива жуда "тинч" бўлиб қолади (196-расм, III-нчи ҳолат). Бу вақтда фокуслар картинадан чиқиб кетади ва перспектива қуриш қийинлашади.

Уфқ чизигини танлаш. Уфқ чизиги иншоотнинг композицион хусусиятларини аниқ кўрсата олиш шартига, атрофмуҳитга боғлиқлиги ва унинг ҳажмийфазовий тузулишига боғлиқ равишда танланади.

Мураккаб режавий ечимларга эга бўлган катта ансамбллар ва шаҳарсозлик ҳудудларининг перспективасини қуришда уфқ чизиги "қуш парвози" баландлигида, умумий ҳолларда эса уфқ чизиги одам бўйи баландлигида (1,7 м) олинади. Агарда бино кўриш нуқтасидан баландликда жойлашган бўлса, уфқ чизиги одам бўйидан пастровда олинади.

Интерьер перспективасини қуришда уфқ чизиги ўтирган одамнинг кўзн баландлигида олинса, шип ёпилмаси (потолок) етарли даражада аниқ кўрсатилади ва муҳитнинг кенглиги ва чуқурлиги очнлади. Лекин, баъзи ҳолларда, уфқ чизигини баланд нуқтадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан, театрларда тепа қисмдаги айвонлар баландлигида олинган уфқ чизиғи чиройли интеберларни яратади.

Уфқ чизиғи аниқлангандан сўнг кўриш нуктасидан картина текислигигача бўлган масофани аниқлаш керак. Бу масофа уфқ чизиғидан бинонинг энг баланд нуктасигача бўлган масофанинг 2-2,5 кўпайтмасига тенг. Оддийроқ қилиб айтганда, кўрувчи бино баландлигидан 2-2,5 марта узоқроқ масофада турса, биз истаган жозибали перспектива ҳосил бўлиши мумкин.

Перспективани кўришда композицион масалалар Перспективани кўриш жараёнида то исталган тасвир топилгунча 3-4 кўринишда фор эскиз ишланади. Булар орасидан энг чиройли кўриниш танлаб олинади. Тасвирнинг чизмадаги ўрни яхшилаб аниқланганлиги бир неча эскиздан кейин маълум бўлади. Тасвирни картина (қоғоз)га жойлаштиришнинг қуйидаги ҳолатларини кўриб чиқамиз:

1. Қоғозда бино перспективаси симметрик жойлашса, композицион ечим нотўғри ҳисобланади (197, а -расм).

2. Тасвирнинг чап томонидаи кам буш жой қолдирилган. Бу ҳолат ҳам нотўғридир.

3. Осмон ва ер нисбати тўғри олинган. Бош тарз олдида етарли бўш жой қолдирилган. Бу композиция маъқулдир.


4. Уфқ чизиғи картина текислигини 2 тенг бўлакка бўлган (197, б - расм). Композиция маъқул эмас. Уфқ чизиғи картинанинг пастки қисмига яқин жойлашган ҳолат кенг қўлланилади.

Фор эскиз ва кейинчалик эскиз босқичларида қуйидаги масалаларни ечиш кўзда тутилади:

- объектни қоғозга тўғри жойлаштириш, антураж, ландшафт ва атроф-муҳит элементларини кўшиш;

- антураж бино характерини очишга хизмат қилиши ва ҳеч қачон асосий тасвирга ҳалақит бермаслиги керак (198-расм);

- антураж элементлари бино ўлчамлари ва масштабини аниқлашга ёрдам бериши керак.




Перспективани қуриш Меъморий иншоот перспективасини қуриш жараёнида график тасвирларнинг аниқлигига жуда катта эътибор бериш керак. Бу босқичдаги энг кичик ноаниқлик ҳам тасвир сифатини пасайтириш мумкин. Аниқликни ошириш учун бўлакларни берилган нисбатда тақсимлаш, баландликни аниқ масштабга қўйиш, бўлинувчи масштабни қўллаш керак. Перспектива қуриш жараёнида тасдиқланган эскиздан маълум фарқ вужудга келсада, охириги босқичда перспектив тасвир ҳамиша муаллифнинг асосий ғоясини акс этиши керак.

Перспектива қуриш, одатда, икки босқичда амалга оширилади: биринчиси - бионинг яхлит ҳажми, яъни массадаги кўринишини қуриш; иккинчиси - тасвирнинг деталларини ишлаш. Ортогонал проекциялар - тарҳ ва тарз бўйича тасвирнинг умумий кўриниши ҳосил бўлади. Бино қисмларини ишлаш қулай усуллар қўллаган ҳолда амалга оширилади, бу ҳолда фокуслар ўрни (бино горизонтал чизиқларининг учрашиш нуқталари) асосий роль ўйнайди.

Перспектива қуришнинг бир неча услублари мавжуд (масалан, архитекторлар услуги, панорамали ёки кенг бурчакли перспектива, тўр услуги). Бироқ, меъморларнинг лойиҳалаш амалиётида бажарилиши энг содда ва қулай бўлган **"архитекторлар усули"** кўпроқ қўлланилади. Перспективани берилган объектларнинг тарҳи ва тарзидан, улардаги параллел чизиқларнинг учрашув нуқталаридан фойдаланиб қуриш архитекторлар усули деб аталади. Бу усул қуйидагича амалга оширилади.

Энг аввало берилган бионинг тарҳи ва тарзи қоғознинг бир чеккасига бир хил масштабда устма-уст чизилиб олинади (199-расм). Кейин кўриш нуқтаси S танланиб уфқ чизиғи h ўтказилади (кўриш нуқтасини танлаш ва уфқ чизиғини ўтказишда юқорида келтирилган талабларга риоя қилинади). Сўнгра картина текислиги K ни бино тарҳининг бизга яқин тўрган бурчаги I дан ўтказамиз, токи бионинг ушбу қиррасини перспективада ўз катталиги ва масштабида тасвирлаш мумкин бўлсин.

Кўриш нуқтасидан бино ён томонларига параллел қилиб чизиқлар ўтказамиз. Улар картина текислигини F_1 ва F_2 нуқталарида кесади. Бу нуқталар перспективанинг **фокус нуқталари** деб аталади. Шундан сўнг тарҳда бионинг ён қирралари (II, III) ва бошқа характерли нуқталарини S нуқта билан туташтириб, уларнинг картина текислигидаги изларини ҳосил қиламиз. Бу изларни ва фокус нуқталарини циркуль ёки қоғоз парчаси ёрдамида картина асоси H га ўтказамиз (199, б-расм). Картинани чизманинг исталган қулай бўш жойига жойлаштириш мумкин. Лекин уни бино тарзи асосининг давомига ўлчаб қўйилса перспективани қуриш осон бўлади.



- расм

Сўнгра картина асосидаги ушбу излардан перпендикуляр ўтказиб картина текислигига тушган 1-нчи (перпендикуляр)га тарздан олиб ўз баландлигини кўямиз. Шунда фокус нурлари бинони чегараловчи ён қирраларининг картина асосидаги изларидан ўтказилган перпендикуляр 2 ва 3 билан кесишиб, картинада бино умумий массасининг перспективасини ҳосил қилади. Бино элементлари: деразалар, балконлар ва эшикларнинг перспективасини ишлаш учун уларнинг ҳақиқий баландликларини тарздан 1-қиррага ўлчаб қўйиб фокус нуқталари билан туташтирамиз. Фокус нурлари ушбу элементларнинг картина асосидаги изларидан ўтказилган перпендикуляр билан кесишиб бино массасида уларнинг ўрни ва перспективасини тасвирлайди. Одатда перспектива ортогонал проекциялар (тарҳ ва тарз) ўлчамларига нисбатан 2 ёки 3; 4 маротаба каттароқ ўлчамларда қурилади. Бунинг учун олдин перспектива қуриб олиниб, кейин уни исталган марта катталаштириш ёки ортогонал чизмалар ўлчамларини картинага катталаштириб қўйиш усулларидан фойдаланилади.

Биз юқорида перспективани икки фокус нуқтаси ва бино томонларига нисбатан бурчакли жойлашган картина текислиги ёрдамида қуришни баён этдик. Шу нуқтаи назардан бу услубни адабиётларда **бурчакли перспектива** деб ҳам аташади. Бироқ, меъморий лойиҳалаш амалиётида перспективани бир ёки уч фокусдан фойдаланиб қуриш усуллари ҳам мавжуддир.

Агар картина текислиги объект асосий сиртларининг бирига параллел жойлаштирилса **фронтал перспектива** ҳосил бўлади. Уни қуриш икки фокусли бурчакли перспективага кўра соддарокдир, чунки у бир фокус орқали қурилади (200-расм). Фронтал перспектива, одатда, интерьерларни, ички ҳовлилар, кўчалар перспективасини ҳамда ички муҳитли очик фазовий композицияларни қуришда кенг қўлланилади.


Бино ёки интерьерларнинг фронтал перспективасини қуришда горизонтал қараш бурчаги 30-60 градус чегарасида бўлиши керак. Картина текислигининг фронтал ҳолатида объектга қараш нуқтаси объект тарҳининг симметрик ўқида жойлашиши табиий ҳолдек бўлиб туюлсада, бироқ қараш нуқтасининг бундай жойлашувида объект перспективасининг тасвири чиройли чиқмайди. Шунинг учун ҳам қараш нуқтасининг жойини танлашда уни объект симметрик ўқида нисбатан ўнг ёки чап томонга, объект кенглигининг учдан бир қисмигача

Уч фокусли перспектива, одатда, баланд, кўп қаватли биноларни тасвирлашда қўлланилади. Чунки бундай биноларда нафақат горизонтал чизиклар, балки вертикал параллел чизиклар (қирралар) перспективаси ҳам сезиларли даражада бўлади. Дарҳақиқат, биз кўчада юриб баланд биноларга қарор эканмиз, уларнинг юқорига қараб торийиб берувчи персективасини кўрамиз.

Мураккаб шаклли ва катта ҳудудли шаҳарсозлик объектларининг перспективасини ишлашда эса 201-расмда кўрсатилган тўр усули қўлланилади.

71


ўлчамлардан олиниб перспективадаги ўзларига мос келувчи объектларга қўйиб чиқилади (чизмада 0 ва 5; 0 ва 11; 0 ва 16 ҳамда 0 ва 32 баландликларининг қўйилишига қаранг).



-расм. Перспектива қуришнинг тўр услуби: а - объектнинг режаси ва баландликлар;
б - объектнинг ўлчамларидан икки марта катталаштириб қурилган перспективаси.

Чизмани график безаш Чизманинг илк босқичи эскиз бўлиб, унда асосий композицион ечимдан ташқари, чизмани график безаш йўллари ҳам ўйлаб кўрилади. Перспективани чизиш қаламда аниқ кетма-кетликда олиб борилади. Умумий ҳажмлар қурилгандан кейин меъморий деталь ва қисмларни чизишга ўтилади.

Чизма қаламда нозик, лекин аниқ чизиқларда бажарилади. Кейинги босқич - сояларни қуришдир. Бу босқич чизма геометрия курсидан олинган билимлар орқали амалга оширилади. Соялар чегарасини қалам билан қаттиқ босиб чизиш ярамайди. Чизмада нур ва соя масалалари тасвирлаш услуби орқали ҳал этилади



-расм. Раҳбар: Б.Саидова. Талаба: Ф.Исмоилов. Бухородаги Сомонийлар мақбарасининг перспектив тасвири.

Бинонинг композицион томонларини тасвирлашдан ташқари перспективада меъморий обиданинг атроф-муҳит билан муносабатини кўрсата олиш; ер, пейзаж, осмон ва умумий фон орасидаги тонал нисбатларни топа билиш, табиатнинг эрталабги, кечқурунги ҳолатини, фаслни аниқ кўрсатиш, умуман табиат хусусиятларининг график безаш усуллари топилиши керак

Эскизидаги баъзи ноаниқликлар ва умумлаштиришлар оққа кўчирилган чизмада ўзининг тугалланган ечимини топиши лозим.

III — қисм. ЛОЙИҲАЛАШ АСОСЛАРИ

III.1. Лойиҳалаш—ижодий жараён

Лойиҳалаш мураккаб жараён бўлиб бу жараён онсонлик билан кечмайди. Ҳар қавдай иншоатни ҳоҳ у кичик бир дам оладиган жой бўлсин, ҳоҳ у бир кичик дўкон бўлсин, ҳоҳ у турар жой биноси, кинотеатр, театр, завод, фабрика ва ҳоказо бўлсин, қўполроқ қилиб айтганда уни ўйлаб топиш керак бўлади.

Меъморий-фазовий муҳит тушунчаси мазмун ва шакл, бор, хусусий ва умумий ижтимоий ҳодисалар каби фалсафий категорияларни ўз ичига олади.

Меъмор жамият тараедиёти қонунларига асосланган сунъий меъморий муҳитни, у ёки бу табиий шароитга ва функцияларга мўлжалланган ижтимоий жараённи режалаштиради, ташкиллаштиради ва яратади.

Табиат ва яратилган меъморий муҳит инсон онгига таъсир этиб, унинг дунёқарабини шакллантиради. Булалсак меъморий объектнинг ғоявийбадий мазмуни ва унинг муайян моддий шаклининг композицион яхлитлигига эришиш йулида меъмор қатор малакавий масалаларни, шу билан бир қаторда ички ва тапши муҳитнинг ўзаро боғлиқлик масаласини ҳам ҳал қилади. Меъмор яратаётган сунъий муҳит уни нокулай ташқи муҳит таъсирларидан (совувдан, шамол, ёмғир, қор ва ҳоказолардан) асраб инсоннинг қулай шароитда фаолият кўрсатишини таъминлаши керак. Шунинг учун лойиҳалаш жараёнида архитектор олдига қатор шаҳарсозлик, композицион меъморий-бадий, режавий, функционал, қурилиш материаллари ва қурилмалари, мустаҳкамлик ва тежамкорлик, интерьер ва экстерьерлар билан боғлиқ бўлган қатор масалалар қувдаланг бўлиб туради.

Экстерьер (лот.ташки) ва интерьер (лот.ички) тушунчалари фақат бинонинг ички ва тапши кўринишлари билангина боғлиқ бўлмасдан, ички ва тапши муҳитни ташкил этиш хусусиятларини тасаввур этишни ҳам ўз ичига олади.

Инсон ва фазовий муҳит. Инсон ниманики ясаса, қилса, ишлаб чиқарса — у ўзининг танасининг ёки гавдасининг ўлчамларига, мутоносиблигига мослаштиради. Чунки инсон ўзидан бошқа нарсани билган эмас, билса ҳам шу билган нарсасини ўзига солиштириш орқали унинг ўлчамларини ҳис қиладиган. Ундан ташқари инсон албатта ниманики қилса у ўзининг шароитини яхшилаш, «қулайлик; яратиш, меҳнатини онсонлаштириш учун ҳаракат қилган.

Инсон танасининг мутоносиблиги билан рассом ва меъморлар қадимги Мисрдаёқ қизиқишни бошлаганлар. Буюк меъмор — уста Ле Корбюзье бизнинг давримизда мутоносиблик тизимини ишлаб чиеди. Яъни, бу тизим олтин кесма (золотое сечение) принципига асосланган. Ле Корбюзье "Модулар" деб номланган бу тизимдан у иморатларни лойиҳалашда фойдаланган.

Демак II— курсда талаба илк бор мустақил лойиҳалашга қадам қўяр экан у албатта юқорида айтилган тизимдан фойдалана билиши керак. Инсон иншоотаяинг, хонанинг, ўлчамларига шаклига таъсири ва шунда келиб чиққан қонун— қоидалардан айримларини мисол тарғишасида келтирамиз.

Инсоннинг гавдаси, азолари тузилиши за ўлчамларидан келиб чиқадиган иншоатларнинг баъзи унсурлари ўлчамларига эътибор берайлик. Агар зинанинг эни 30 см, баландлиги 15 см олинса одам зинадан чиқиб— тушиши онсон бўлади. Эшикнинг эни 60 см дан, бўйи 200 см дан кам олинмайди. Курсининг (стулнинг) ўтириладиган сатқи 45 см бадандликда лойиҳаланади. Столнинг баландлиги эса аксари 75 см қилинади.

Бўлажак меъмор шу нарсаси ҳеч қачон унутмаслиги керакки, ҳар бир қурилган иморат унинг кичик унсурларигача инсон учундир. Шунинг учун биз инсоннинг яшаши ва ижод қилишн, учун шарот- яратишимиз керак.

III.2. Меъморий ечимга таъсир этувчи омиллар

Меъморий-режавий муҳитни ташкил этиш жараёнига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: ижтимоий-функционал, иқтисодий, табиий ва рухий.

Ижтимоий функционал омил бу жамиятнинг иқтисодий сиёсий тизимига хос хусусиятларга, унинг маълум тарақиёт босқичидаги ижтимоий эҳтиёжлари ва техник имкониятларига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ муносабатлар инсон ҳаётининг асосий лаҳзаларини: мулкчилик шакллари, жамиятнинг ижтимоий таркиби, аҳолининг меҳнат ва турмуш тарзи, миллий бойликни ўзлаштириш тамойиллари, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётининг ривожланиш қонуниятларини белгилайди. Буларнинг ҳаммаси архитектуранинг, бошқача айтганда сунъий ижтимоий-функционал муҳитнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Биодан қайси мақсадда фойдаланиш кўзда тутилганини ижтимоий-функционал омил аниқлайди. Бу омил инсон ҳаёти ва фаолиятининг аниқ жараёнларига боғлиқдир. Функционал омил муҳитни яратувчи жараён сифатида муҳитнинг шакл ва ўлчамларини белгилайди.

Жамиятнинг миллий ғояси ва мафкураси ҳам меъморий муҳитни яратишдаги муҳим ижтимоий омилдир. Об'ектив борлиқ жамият руҳи, мафкураси, маънавияти, маорифи, сиёсий ва ҳуқуқий билими, фалсафий, диний, эстетик дунёқарабини ўзида этириб инсон фаолиятига ҳамда архитектура ва фазовий муҳитни шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Иқтисодий омилларининг архитектурага таъсири каттадир, чунки фаровон жамиятнинг архитектураси ҳам иқтисодий бойликдан келиб чиқиб, гўзал, нафис, ранг-баранг ва кенг кўламли бўлади. Акс ҳолда, архитектура сифатсиз, нурсиз ва жуда содда бўлиб қолади. Архитектор қанчалик маҳоратга бой бўлмасин, унинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш маълум маблағ талаб қилади. Жамиятнинг техник-қурилмавий имкониятлари ҳам иқтисодий омиллар таркибига киради.

Архитектура ҳар доим техник имкониятларга боғлиқ бўлган. Кўплаб яратилган илғор лойиҳалар ва меъморий ғоялар ўз даврининг қурилиш имкониятларидан анча олдинлаб кетганлиги учун ҳам қоғозда қолиб кетган. Бироқ, архитекторлар тушкунликка тушмаган, аксинча инженерлик тафаккури ва илмининг олдинга силжишига сабабчи бўлганлар. Архитектура асл мақсад, техника эса иш мақсадини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қилган. Айниқса, ҳозирги мустақил замонамизда архитектура техникага эмас, балки техника архитектурага хизмат қилиши зарур.

Табиий омилнинг - меъморий муҳитни яратишга боғлиқлиги унинг биологик асос сифатидаги воқеалигидандир. Табиий ҳолатлар: мунтазам намлик, совуқ ҳавонинг ҳаракати, жазирама иссиқлик ва қуруқлик, жой рельефи, ландшафт, табиатнинг ранг-баранглиги - буларнинг ҳаммаси архитектуранинг композициясига, ҳажмий-режавий ечимларига таъсир кўрсатади.

Архитектуранинг табиий омилларга, жумладан иқлим ва ландшафтга боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Маълумки, республикамиз иқлими

кескин ўзгарувчан, яъни кун ҳавосининг ҳарорати тун ҳавосидан, ёзи эса кишидан фарқ қилади.

Ёз кунлари бино деворлари ва хоналарни жазирама офтобдан сақлаш, соя ва салқин ҳосил қилиш зарур бўлса, тунда бунинг акси, хоналарни очиш ва шамоллатиш талаб қилинади. Қишда уйларни офтобга қаратиш маъқул бўлса, ёзда аксинча офтобдан сақлаш маъқулдир. Шунинг учун ҳам халқимизнинг анъанавий уйлари ҳовлили ва узун айвонли, хоналари ва деразалари ҳовлига тўғридан-тўғри эмас, балки айвон ёки терраскалар орқали қараган бўлади. Қишда кучли совуқ шамол эсувчи томонга деразалар чиқарилмайди. Ҳовлидаги ҳовуз ва ундаги мўъжаз фаввора устида ҳосил бўлган салқин ҳаво уйнинг иссиқ қисмлари томон эсади. Миллий меъморчилигимизга хос ёзги ва қишки хоналар ва улар орасидаги ўзвий боғланишлар замонавий меъморчилигимизда ҳам ўз ифодасини топган: узун айвонли, соябонли, галереяли, ички ҳовлили ва фавворали бинолар фикримизнинг далилидир.

Жойнинг рельефи ва манзаравий ландшафт ҳолати ҳам бино композицияси ва меъморий-режавий ечимига таъсир кўрсатувчи муҳим табиий омиллар қаторига киради, айрим ҳолларда эса айнан шу омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва архитектуравий композицияни белгилаб беради.

Рухий омил - архитектор сунъий муҳитни яратиш жараёнида муайян руҳий иқлимни яратишга интилиши керак. Бунинг учун у инсоннинг эргономик хусусиятларини, иншоотдан фойдаланадиган одамларнинг кўриш қобилияти, жисмоний ҳолати ва руҳиятининг ўзига хослигини олдиндан билиши шартдир. Архитекторнинг руҳий омилни эътиборга олиши бу инсон фаолиятининг маъноси - унинг дунёқараши, жамиятда тутган ўрни, маънавий тараққиёт даражаси, касби, ёши, маълум маданий муҳитга тааллуқлиги ва лойиқаланаётган бинога тегишли функциявий жараёнларни билиб меъморий муҳит ярата олишидир.

Талаба - архитектор ўқиш жараёнида ўрганиладиган гуманитар, техник ва мутахассислик фанларидан, шу жумладан архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари фанларидан олган чуқур билимларига асослангандагина олдиға қўйган меъморий масалаларнинг аниқ ечимини қўлга киритиши мумкин.

III.3. Ўқув лойиҳасини бажариш услуби

Архитектуравий лойиҳалаш асослари талабаларга маъруза тарзида берилиб борсада, аслда у амалий фандир. Уни эгаллаш архитекторнинг касбий малакасини оширишга, ижодий услубини бадиий воситалар билан тўлдиришга, архитектуравий лойиҳалаш бўйича талабаларга бериладиган муайян ўқув топшириқларини бажаришга ёрдам беради.

Архитектуравий лойиҳалаш асослари фанидан талабалар оладиган ўқув топшириқларининг мавзулари ҳаётий бўлиши, долзарб меъморий масалаларни ечишга қаратилиши керак. Ўқув лойиҳалаш шароитлари ҳам ҳаётдаги амалий лойиҳалаш жараёнига мумкин қадар яқин бўлиши, лойиҳалашга бериладиган топшириқ объектларининг жойлашиш ўрни ҳам аниқланиши зарур. Бироқ, ўқув меъморий лойиҳа чизмалари, одатда, уни амалга оширадиган даражада тўлиқ ишланмайди. **Ўқув меъморий лойиҳасининг асосий вазифаси** - ҳақиқий лойиҳалаш ҳужжатларининг шакллари ва техник усулларини эгаллаш эмас, балки архитектуравий композицияни яратишнинг универсал ижодий тамойилларини амалий эгаллашдир.


Таълим тизимидаги архитектуравий лойиҳалаш жараёни бир-биридан фарқ қилувчи ва бир-бирини тўлдириб боровчи **тўрт асосий босқич**дан иборатдир:

- тайёрланиш босқичи;
- ижодий изланиш босқичи;
- ижодий ишлаш ва такомиллаштириш босқичи;
- якуний босқич (2-жадвалга қаранг).

Тайёрланиш босқичида талабалар ўқув лойиҳаси учун олган ва танланган мавзуга биноан топшириқ дастурини мукамал ўрганишлари, топшириқ объектнинг муайян жойлашиш ўрни, шундай объектнинг амалда қурилган энг яхши намуналари билан жойида танишишлари, мавзу бўйича ўқитувчи таклиф этган махсус адабиётлар, услубий қўлланма ва кўрсатмалар, архитектура бўйича журналлар, кафедра услубий фондидаги кўргазмали ўқув лойиҳалари, альбомлар, каталоглар ва макетларни кўриб чиқиши, зарур ҳолларда улардан намуналар олиши ва график материаллар йиғиши лозим. Бу босқичда талабалар ана шу йиғилган материалларни ўрганиши, бир-бирига қиёслаши ва умумлаштириши зарур. Мавзу бўйича танишилган ҳар қандай навбатдаги янги материал талабани янада янги меъморий ечимларга ундаши шарт. Кириш маърузасидан олинган маълумотлар, талабанинг мавзу бўйича тўплаган ахборотлари, архитектуравий композиция фанидан олган билим ва кўникмалари, буларнинг барчаси талабани архитектуравий лойиҳалаш жараёнининг иккинчи (ижодий изланиш) босқичига ўтишга ёрдам беради.





Ижодий изланиш босқичи талабанинг тайёрланиш босқичида тўплаган материалларига, эгаллаган билим ва тушунчаларига асосланади. Бу босқичнинг асосий вазифаси ўқув лойиҳасининг мавзусига кўра унинг меъморий ечимини излаш ва ғоясини яратишга қартилади. Бу босқичда талабанинг ижодий иқтидори, интуицияси ва таланти муҳим аҳамият касб этади, раҳбар (педагог-архитектор)нинг талаба билан ишлаш тажрибаси, талабага "нима қилиш керак ва уни қандай қилиш керак" деган саволларга нафақат назарий, балки амалий ёрдам кўрсатиши, "мен қандай қилсам сен

ҳам шундай қил



ва мендан ҳам яхши қил" маъносида жавоб бериши муҳим роль ўйнайди. Хуллас, ўқитувчи талабани ижод эшигига етаклаши, уни ижод "зали" муҳитига олиб кириши, ижод адаптациясини ўтишга кўмак бериши керак.

Ижодий изланиш жараёни лойиҳалашда кетма-кет уч фазага бўлинади: клаузура, эскиз-ғоя ва дастлабки қоралама (мусаввада) бажариш. **Клаузура** латинча "clausere" - бекитмоқ дегани бўлиб, бунинг маъноси қадимги академик мактабларда клаузура устида ишлаётган талабалар ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатмасин деб ажратиб ва бекитиб қўйилганлигидан келиб чиққан. Клаузуранинг мақсади талабаларнинг лойиҳа мавзусига нисбатан шахсий тасаввурини аниқлаш, талабадаги қобилятни меъморий ижод ва композиция яратишга сафарбар этишдир. Клаузура эркин шаклда бажарилиб, унда бўлажак объектнинг ҳаёлий ҳажм-режавий ва тектоник ғоясини ифодаловчи исталган график воситалар қўлланилиши мумкин (203-расм). Топшириқнинг мураккаблигига қараб клаузура бир неча соатдан 2-3 кунгача вақт ичида ўқитувчининг маслаҳатисиз ва ёрдамисиз бажарилади.




-расм. Клаузурага мисоллар. ТАҚИ ва СамДМҚИ талабалари ишларидан намуналар.

Клаузура тугатилгач, у ўқитувчи томонидан баҳоланади. Клаузура талабанинг ижодий композициявий савияси ва малакавий имкониятлари қай даражада эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Педагог талабанинг клаузурада йўл қўйган камчиликларини ва ижобий томонларини кўрсатиб бериши,

кейинги изланишларда улардан ижодий фойдаланиш йўллари тушунтириши зарур. Изланиш босқичида клаузура услуби талабаларнинг мустақил ижодий ишлаш малакасини эгаллашларига кўмаклашади, талабада ўз ишидан қониқиш ҳосил қилишга ва ижодий изланишларнинг иккинчи асосий фазаси - эскиз-ғоя яратиш имконини туғдиради.

Эскиз-ғояда лойиҳаланаётган объект талабанинг биринчи ижодий фарази (тахмини) шаклида бир неча вариантларда тасвирланиб кўрсатилади. Клаузурада аниқ сезилмаган композицион масалалар эскиз-ғояда ўз ифодасини топиши зарур (204-расм). Эски-ғоя устида ишлашнинг натижаси шулки, унда талаба ўзининг



-расм


меъморий ғоясини маълум бир йўналишга тушириб олади. Бу даврда ўқитувчи талабага уни чекловчи шартлар қўйиши мумкин. Бу шартлар объектнинг муайян қурилиш жойи, табиий шарт-шароитлар, рельеф, қурилиш материаллари ва объектнинг қурилмалари билан боғлиқ ҳолатлардан келиб чиқиши мумкин. Ушбу шарт-шароитларни ҳисобга олиш ижодий изланишни тўғри йўналтиришга ёрдам беради. Шундан сўнг лойиҳанинг дастлабки мусаввада фазасига ўтилади.

Бу фазада талабанинг танланган эскиз-ғоясидаги асосий йўналиш бир неча вариантларда қоралама шаклида таққосланиб кўрилади, хатолар аниқланади. Ижобий томонлар ривожлантирилади ва умумлаштирилади. **Дастлабки мусаввада** - бу изланган вариантлар бўйича ғоявий композицияни аниқлаштириш, уларни таҳлил ва талқин қилиш, қиёслаш, ижодий умумлаштириш орқали лойиҳани илк фазасидан биринчи эскиз шаклидаги кўринишга келтиришдир (205-расм).

Шундай қилиб, ижодий изланиш босқичида талаба клаузурадан тортиб то лойиҳа эскизигача бўлган йўлни босиб ўтади ва мавзу бўйича объектнинг дастлабки эскизини яратишга муваффақ бўлади. Объектнинг биргина тарҳи ва тарзи унинг ҳажм-фазовий тузулиши ҳақида тўлиқ ва яхлит тушунча бермайди. Шунинг учун ҳам изланиш босқичида талаба ўз ғоясини нафақат

схематик масштаблардаги ортогонал чизмаларда, балки перспективада ҳам тасвирлаши зарур.

Объектнинг ҳажм-фазовий композициясини аниқлаштириш учун талаба ўз эскиз-ғоясини пластилин ёки қоғоздан ишланган соддалаштирилган ишчи макетларда ҳам текшириб кўриши мумкин. Композициянинг масштабини ва атроф муҳитга мослигини текшириш учун ишланаётган барча чизмаларда одам шаклини чизма масштабига мос тарзда кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.



-расм. Дастлабки масаввада
(лойиҳанинг биринчи эскизи).

Тасдиқланган эскиз бу ижодий изланиш босқичининг якунидир, у бундан кейинги ижодий ишлаш ва эскизни такомиллаштириш ва тартибга келтириш ҳаракатларининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ижодий ишлаш ва такомиллаштириш босқичида дастлабки қоралама фазасида қабул қилинган эскиздаги айрим камчиликлар бартараф этилади, эскиз ривожлантирилиб лойиҳа ҳолига келтирилади, тартибга туширилади, барча ечимлар зарур масштабларга туширилиб деталлаштирилади ва такомиллаштирилади. Композиция яхлитлиги ва қисмлари орасидаги мутаносибликлар, масштабlilik, бўлинишлар ва ритмлар аниқланади. Қурилмавий деталлар, интерьер, перспектива ёки аксонометрия чизмалари ишланади. Қурилиш қурилмалари ва материаллари, иқтисодий ва табиий иқлим шароитлари ҳақидаги янги маълумотлар эътиборга олинади (2-жадвалга қаранг). Бу босқичда талабалар - муайян масштабда ва таркибда тайёрланган лойиҳа чизмаларини қоғоз тортилган тахтага (планшет)га жойлаштириш ва лойиҳани оққа кўчириш устида ишлайдилар.


Лойиҳани оққа қаламда кўчириб бўлингач, барча чизмаларга соялар ишланиб чегаралари аниқланади, антураж, стаффаж, стеллаж ва ландшафт элементлари ҳам лойиҳага мос масштабларда ишлаб чиқилади (расм).

Ана шундай тартибда тўлиқ ҳажмда қаламда ишланган ўқув лойиҳасининг график бажарилиш усули ҳам тақдим этилиши мақсадга мувофиқдир.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, одатда, талабалар лойиҳани қаламда кўриб

чиқиш фазасига танланган график ишлов услубини камдан-кам ҳолларда такдим этадилар. Фикримизча, педагог-ўқитувчилар айнан ана шу фазага эътиборни жиддий қаратишлари лозим. Чунки бажарилган лойиҳага мос графика услубини танлаш муҳим ва маъсулиятли жараёндир. Бу даврда педагог-архитектор талабага яқиндан амалий ёрдам бериши зарур.

Маълумки, лойиҳани график бажариш талабадан катта бадиий маҳорат ва тажриба талаб қилади. Чунки ҳар бир лойиҳада ўйланган композицияга хос асосий фикр танланган графика усули орқали ифодалаб берилади. Масалан, бир лойиҳада мавзу ғоясидан келиб чиқиб тарз композициясини атроф-муҳит ва ландшафтда кўрсатиш маъқул деб топилса, бошқа лойиҳада тархни жой лойиҳаси билан кўрсатиш маъқул бўлади, учинчисида эса қирқимни ёки аксонометрияни бўрттиришга тўғри келади ва ҳоказо.



-рasm. Графикада тугатилган лойиҳага мисол. ТАҚИда бажарилган курс иши.


Лойиҳа оққа қаламда кўчирилгач тарҳ ва тарз, қирқим ва чизмалар нозик тарзда чизиб чиқилади. Деворлар одатда қора тушда бўялади, тарз хитой тушида сувбўёқда ишланиши мумкин.

Лойиҳа тушда бўялиши билан бирга оқ-қора ёки тонал (тусли) графикада перо билан ишланиши ҳам мумкин. Графика орқали нафақат объектга хос хусусиятлар, шакллар пластикаси, материаллар ранги ва фактураси, балки объектнинг тектоникаси, атроф муҳит билан боғлиқлиги ва ландшафтнинг роли ҳам кўрсатилиши мумкин. Хуллас, лойиҳада исталган анъанавий ва замонавий графика услублари қўлланиши мумкин. Бирок, у юксак бадиий дид билан ишланиши зарур. Талабадан лойиҳада рангларни, аппликацияларни, типографик бўёқларни ҳаддан зиёд кўп ишлатмаслик талаб этилади.


Перспектива, аксонометрия ва айрим деталларни ишлаш эркин тартибда бажарилади. Чизмаларда қабул қилинган масштаблар, асосий ўлчамлар ва чизмаларнинг номлари, ёзувлар кўрсатилиши зарур. Ёзувлар ва ўлчамлар чизма масштабига мос келиши шарт.

Лойиҳаланаётган объектнинг макетини ишлаш ҳам катта аҳамиятга эга, бироқ бунда ҳам ишга бадиий ёндашув яхши баҳоланади. Лойиҳани тугатиш арафасида талабанинг диққат эътиборини лойиҳага мужассамлантириш, уни кўнгилдагидек тугатишга қаратиш зарур. Бунинг учун эса дарслар жадвалида **ялпи лойиҳалаш кунларини** ташкил қилиш, лойиҳани тугатиш арафасига икки-уч кун ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу кунларда барча курслар талабалари ўқув меъморий лойиҳаларини тугатиш устида ишлашлари керак.

Ялпи лойиҳалаш кунларида талабаларнинг дарсхонада бирга ишлашлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Бу кунларда педагог-архитектор талабалар билан узвий алоқада бўлиб амалий иш жараёнида уларга ўз касбий маҳоратини эгаллашларига ёрдам бериши ва тарбиялаши зарур.



-расм. "Фаввора" мавзусига ишланган ўқув лойиҳаси СамДМҚИ талабаси У.Исаев иши. Раҳбари проф. М.К.Ахмедов



- расм. "Болалар ўйин майдончаси" мавзусига ишланган ўқув лойиҳаси. СамДМҚИ талабаси Е.Шевелева иши. Раҳбари М.Хидиров. 2001 й.

Якуний босқичда ўқув лойиҳасига якун ясалади: тугалланган лойиҳалар кўргазмага қўйилади, профессор-ўқитувчилар гуруҳи томонидан баҳоланади ва талабалар иштирокида ҳар бир лойиҳа муҳокама қилинади. Лойиҳаларни талабалар олдида таҳлил қилиш, уларга малакавий тилда муносабат билдириш талабаларга ўз лойиҳаларини ҳимоя қилишни касб тилида баҳолашни ўргатади. Фақат шундан кейингина ўқув лойиҳалаш жараёни тугалланган деб ҳисобланади.

Меъморий иншоатга қўйиладиган ҳамма талабларга жавоб бериш ва уларни бир жойга тўплаб қўз олдига келтириши учун талаба (меъмор) меъморий композиция фанини яхши ўзлаштиришган бўлиши керак.

Меъморий композиция — лотинчада "compositio" — бирлаштириш, тузиш, боғланишдир. Маълум бир қонунга ва инсон туйғусига асосланган ҳолда иншоатни ички ва ташқи элементларини бирлаштирувчи, яъни, бир — бирлари билан келиштирилган, мослаштирилган ҳолда бир бутун асар ҳолатига келтиришни айтилади. Шундай қилиб композиция деганда, агар уни бир кенг маънода тушинмоқчи бўлсак, у бадиий тизим, санъат асарининг қурилмаси ва охир оқибат инсон ақл идроки, истеъдоди, иқтидори, меҳнати, илмининг ҳосиласидир.

Шунинг учун ҳам бу жараён меъморларнинг, лойиҳасозларнинг касбий тажрибаларига, илмий ёндошувларига асосланган ҳолда меъморий мактаб ва олий ўқув муассасаларида 4 асосий босқичларда бажарилади.

Булар: 1. Ғоя ўйлаб топиш (бўлажак иншоат учун).

2. Эскиз. Ғояни қотозда қоралама акс этдириш.

3. Клаузура бажариш. Ана шу эскизни бироз ривож — лантириб асосий ўлчамларига қўйиб эркин ҳолда (ўқитувчининг аралашувисиз), текширув (контрол) иши сифатида бир лист ватманга эркин графикада чизилади.

4. Эскиз ва клаузурага асосланган ва улардаги ҳато ва камчиликларни ҳисобига олган ҳолда оққа қаламда чизилади ва ўқитувчининг кўригидан ўтгандан сўнг у билан маслаҳатлашиб ё чизиқлик графикада ёки тонал (тусли) ёки рангли графикада тугатилади.

Лойиҳалаш масканларида, лойиҳалаш устахоналдрида бу жараён бошқачарок тарзда қуйида келтирилган босқичларда кечади.

а) Ғоя — эскиз бажариш; буюртмачи берган жойга, унинг атрофини ҳисобга олган ҳолда, ундан ташқари унинг молиявий аҳволи ва унда бор қурилиш молларини ҳисобига олган ҳолда роя — эскиз қилвяди ва албатта буюртмачининг хоҳиш — истагини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

б) Техник лойиҳа билан буюртмачи, лойиҳага рухсат берувчи маъсул ташкилотлар ва оҳслар куриб танишишлари керак. Кейинги босқч онсон кечиш учун аввалги босқич, яъни, техник лойиҳа яхши меъморий графика танланиб чизиб тугалланиши керак.

в) Ишчи чизма техник лойиҳага асосланган ҳолда, инженер — конструкторлар билан яқин ҳамкорлик ҳамда оралиқ мухандислар билан биргаликда (геолог, электрик, водопровод, канализация мутахассислари, технолог ва бошқалар) чизмалар мажмуаси (альбом) қилиб экспертизадан ўтказиб буюртмачига топширилади.

Уччала босқич ҳам лойиҳанинг тушунтириш хати билан бирга топширилади.

Энди буюртмачи ва пудратчи ўзаро муносабати хусусида. Буюртмачи — маълум бир иншоатнинг лойиҳасини меъморга буюртма берувчи ва унинг ҳаққини тўла — тўкис тўловчи жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Пудратчи — ўз навбатида буюртмачи томонидан берилган буюртма асосида иншоатнинг тўла тўкис лойиҳасини экспертизадан ўтказиб буюртмачига топширувчи (жисмоний ёки юридик шахсдир) меъмордир,

Буюртмачи— пудратчи, орасидаги жараён (мурмала) қандай кечиши ҳақида қисқача изоҳ. Бўюртмачи ҳоҳ у, ҳоҳ бу иншоатнинг лойиҳасига буюртма беришдан олдин ўзининг шартлари билан пудратчини таништиради. Бу шартлар қуйидагича бўлиши мумкин.

1) Бўлжак иншоатнинг аниқ — конкрет, жойи кўрсатилади. Унинг атрофидаги иморат ва иншоатларининг ҳисобга олинишини айтади. Яъни иншоат қуриладиган жойдаги атроф муҳитни ҳисобга олган ҳолда ва атрофдаги бино ва шоятларнинг ахитектуктурасини, композициясини ҳисобга олиб лойиҳалаш керак бўлади.

2) Ўзининг имконияти даражасидаги қурилиш ашёларини ҳисобига олинишини айтади.

3) Ўзининг молиявий аҳволини ҳам айтиб ўтади.

4) Иншоатнинг лойиҳаси яратилаётганда, буюртмачи иишоатда яратиладиган қулайликларни албатта унинг истак хоҳишини ҳисобга олган ҳолда қилиш кераклигини айтади,

Пудратчи ҳам ўз навбатида талаб қилинган лойиҳани буюртмачи талаб қилган шартларга биноан қилиб топширади ва шартномада келишилганидек иш ҳаққини ўз вақтида олишини талаб қилиб олади.

III.4. Кичик меъморий шакллар

Кичик меъморий шакллар деганда биз одатда мўъжаз маънода, яъни бошқа иншоотларга нисбатан ҳажман ва функциявий имкониятлари кичик бўлган турли хил декоратив ва утилитар функцияларга мўлжалланган, ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган кичик меъморий объектларни тушунамиз. Бундай объектлар қаторига, одатда, ташқи муҳитни ободонлаштириш элементлари ва иншоотлари, шунингдек декоратив иншоотлар ва шакллар ҳам киради. Уларга ҳайкаллар, декоратив ҳовузлар, деворлар, фаввора ва шалолалар, турли хил кўшк-киоскалар, павильонлар, транспорт бекатлари, боғ-парк ёки муассасалар учун дарвозалар, тўсиқлар, болаларнинг ўйин майдонлари, савдо расталари, дўконлар, кичик кўргазма заллар, музқаймоқ ва шарбат қаҳвахоналари, овчилар уйи, дала шийпонлари каби кичик меъморий объектлар мисол бўла олади. Бироқ, бундай мўъжаз объектларга қўйиладиган меъморий композициявий ва функциявий талаблар ҳеч қачон бошқа иншоотлардан кам бўлмаслиги керак. Яъни ҳар қандай меъморий объект, хоҳ у кичик бўлсин, хоҳ катта, унинг ғоявий ечими архитекторнинг ижодий маҳсули бўлишлиги ва композиция қонуниятлари асосида топилиши шарт. Бу иш осон эмас албатта. Амалий ишлар шуни кўрсатадики, кичик меъморий шаклларни лойиҳалашга камроқ вақт кетади ва меъморий лойиҳалашнинг бошланғич босқичини услубий жиҳатдан айнан ана шундай мўъжаз шакллардан бошлаш тўғри бўлади.

Албатта, кичик меъморий шаклларнинг шаҳарсозликда ўз ўрни бор. Лекин оддий, яъни мутахассис бўлмаган киши бунини сезмайди ёки сезса ҳам ўз-ўзидан шунақа бўлиши керак деб ўйлайди. Ҳар қандай иншоот ва шу жумладан кичик меъморий шаклни ҳам берилган жойнинг шарт-шароитига, атроф-муҳитга композицион жиҳатдан узвий боғлаш, албатта меъморнинг маҳоратига, билимига ва иқтидорига боғлиқдир.

Кичик меъморий шакллар ўзларининг функцияси, жойлашиши ва қурилмавий тузилишига қараб турли-туман бўлади. Улар муайян бир функцияга мўлжалланмаган, бироқ, бадиий ва тарбиявий - эстетик, яъни декоратив аҳамиятга эга бўлиши, ички муҳитсиз ёки ички муҳитли, функцияси содда ёки мураккаброқ бўлиши мумкин.

Кичик меъморий шаклларни лойиҳасиш асосий вазифаси талабани энг содда меъморлик иншоотларини лойиҳалашни урганишдир. Талабалар эскизлар зялиш, композициядан куплан — куп мапшлар цилиш орқасида, ижодий йул 'билан булажак иншоатнинг лайиҳавий моделшш (шаклини) яратишни узлаштиради. Ижодий индивидуалликни (узига қосликни) ривожлантириш, эстетик ва бадиий жиҳатларни пайдо Вуилиш, фазовий тарзда фикр юритишни шакллантириш, график жгоқатдан уста булиш, ижодий дунёқарашнинг шаклланишини таъминлаб бериш, ва доказо—шуларнинг қаммаси меъморий лойиҳдлаш фанининг асосий макрадй ва'вазифасидир.

Қурилиш ашёлари ва конструкциялари тқгрисида. Юқорида келтирилган "кичик меъморий шакллар" қзларининг функционал жгоқатлари, конструкпш жиқтлари, техйологик жиқатлари, меъморий ечимлари, тарзий ва тарзрий ечимлари, композицион жиэқатлари ва ҳоказо турли— туман булгани каби уларга ишлатиладиган нурилиш ашёлари ҳам турли —тумандир. Ёш меъмор

(талаба)нинг асосий вазифаси ана шу қурилиш ашёларини, иншоотнинг узига қараб таълай билиши ва уни жой жойига ишлата билишдир.

Қуйида биз кичик меъморий шаклларда ишлатиш мумкин бўлган қурилиш ашёларидан санаб утамиз: бетон, темир —бетон, темир, ёғоч, гишт, тош, шлакоблок, тупроқ, алюминий, дюралюминий, ойна, жумладан декоратив ойна, пластик ашёлар, сопол, турли сувоқ мақсулотлари (чет элда ва Ўзбекистонда чиқадиган), тунуқ жумладан оқ тунуқа, шифер, сопол черешша, черепица шаклидаги тунуқа ва бопшалар.

"Кичик меъморий шакллар" ҳалқида қисқача тушунча. Албатта "кичик" деган суз жузъий, маънода яъни, унинг бошқа иншоотларга нисбатан кичикроқ бўлганлиги уяун айтилган суз бўлиб, маъно жиқатидан у қеч қачон бопша иншоотлардан қолишмайди. Яъни, қар қандай иншоотни қоз; у "кичик" бўлсин, қозқ "катта" унинг қоясини уйлаб топиш керак бўлади. Бу эса онсон жараён эмас. Лекин тажриба шуни қурсатадики, "кичик меъморий шакллар" бошқа иншоотларга нисбатан анча кичик бўлганлиги учун, унинг лойқоқасига йисбатаы қамроқ вақут кетади ва биринчи қадамни ана шу топширивдан бошлаш тугри экан.


Албатта "кичик меъморий шаклларнинг" шаҳарсозликда ўз ўрни бор. Лекин оддий, яъни, мутоқассис бўлмаган исом буни сезмайди ёки сезса ҳам ўз —ўзидан шунақа бўлиши керак деб уйлайди. Қар қандай иншоотни ва шу жумладан "кичик меъморий шаклни" қам берилган жойнинг шарт — шароитига, атроф муҳитта композицион жиқатдан узнй боғлаш албатта меъморнинг маҳоратига, билимига ва иқтидорига боғлиқдир.

"Кичик меъморий шакллар" узининг функцияси ва конструкциясига қараб қар турли бўлиши мумкин.

Архитектуравий лойиҳалашнинг бошланғич босқич топшириқларининг кетма-кетлик шартини сақлаб қолган ҳолда кичик меъморий шаклларни лойиҳалашни бир неча қоғоналарга бўлиб, аниқроғи уч қоғонада амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Архитектуравий лойиҳалашнинг бошланғич босқич топшириқларининг кетма-кетлиги. Архитектуравий лойиҳалашнинг бошланғич босқичи "Меъморий лойиҳалаш асослари" фанидан 1-курс талабалари бажарадиган ўқув лойиҳалари ва топшириқлари мажмуасини ўз ичига олади. Топшириқларнинг кетма-кетлиги деганда бажариладиган ўқув лойиҳаларининг мазмуни, меъморий ва шаҳарсозлик моҳияти, ҳажми, уларда қўлланиладиган техник-қурилмавий воситаларнинг аста-секинлик билан мураккаблашиб, топшириқ чизмаларининг бири-бирини узвий тўлдириб бориши назарда тутилади.

Талабалар биринчи курсда чизмаларни қаламда, туш ва сувбўёқда ишлаш графикасини, композиция асослари дарсларида эса архитектурада метр, ритм моҳиятини, ҳажмий, фронтал ва ичкари муҳитли фазовий композицияларни яратиш услубларини, "Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи" фанидан эса турли хил бино ва иншоотларнинг композицияси, функцияси, қурилмалари ва бадий жиҳатларини, шаҳарсозликдаги роли ва ўрнини ва бошқа муҳим меъморий тушунчаларни ўрганади. Ана шулардан сўнг талабалар навбатдаги машғулотга – меъморий лойиҳалашнинг бошланғич ижодий поғонасига қадам қўядилар. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, архитектурада талабалар бошланғич ижодий жараёни энг "кичик меъморий шакллар"ни лойиҳалашдан бошлашлари мақсадга мувофиқдир.



-расм. Кичик меъморий шаклларга мисоллар

Биринчи поғонада меъморий ўқув лойиҳаси топшириқларини "декоратив шакллар ва ички муҳитсиз, энг содда кичик меъморий шаклларни" лойиҳалашдан бошлаш мақсадга мувофиқдир. **Топшириқларнинг мавзуларига** дам олиш жойи (фаввора, булоқ ёки ҳовуз атрофида), кичик кўприк, чархпалак, боғ ва парк тўсиқлари, тасвирий ойна, болаларнинг ўйин майдончалари ва улардаги айрим аттракционлар кириши мумкин.

Иккинчи поғона топшириқлари эса утилитар функцияли ва ички муҳитли соддароқ кичик меъморий шаклларни лойиҳалашга қаратилиши лозим. Топшириқ мавзулари тарзида кичик савдо расталари, дўконлар, кўшк (киосклар), шийпонлар, автобус ва троллейбус бекатлари, боғ ва парк кўшклари ва дарвозалари танланиши мумкин. Шундан сўнг талабалар бошланғич меъморий лойиҳалашнинг юқори поғонаси, яъни "ичкари муҳитли, функцияли нисбатан, мураккаброқ бўлган кичик меъморий шакллар"ни лойиҳалашга ўтишлари мақсадга мувофиқдир.

Учинчи поғона топшириқларининг мавзуларига кичик жамоат бинолари – музқаймоқ ва шарбат ичимликлари қаҳвахонаси, кичик чойхона, истироҳат боғининг кичик кўргазма павильони, гул дўкони, овчилар уйи ва шу каби ички муҳитли, нисбатан мураккаброқ функцияли ва техник-қурилмавий воситаларга эга бўлган кичик меъморий объектлар танланади.

Талабалар объектнинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички фазовий муҳитини ҳам ечишлари, уни меъморий ташкил этишлари зарур бўлади. Зарур ҳолларда ички ва ташқи муҳитни ўзаро уйғун боғлаш воситаларини ҳам қўллаш керак бўлади.

Ўқув меъморий лойиҳаларининг бу босқичидаги мавзулари олдинги босқич топшириқларига нисбатан ҳажми ва функциявий, қурилмавий жиҳатлардан мураккаброқ масалаларни ечишни талаб этади. Ёзги ва қишки хоналар, савдо залларини ташкил қилиш, ёпик, ярим ёпик ва очик муҳитларни бир-бирига боғлаш, ташкил қилиш, мураккаброқ қурилмаларни қўллаш зарур бўлади.

IV қисм. График топшириқлар

IV.1. Ордерларнинг умумий (массалардаги) кўринишини чизиш

Топшириқ мақсади: ордерларни тектоник тизим сифатида ўрганиш.

Топшириқ вазифаси: назарий билимлар асосида рим ордерларини умумлаштирилган ҳажмларда қаламда 3А форматли қоғозда чизиш.

Топшириқ қуйидаги 4 босқичларда бажарилади.

1— босқич. Қоғоз сатҳида унинг ўлчамларига мос равишда тўртгала: тоскан, дор, ион, коринф ордерларнинг ўқларини ва умумий баландлик аниқлаб олинади.

2 — босқич. Қўлланма чизмаларвдан ҳамда келтирилган жадвалдан фойдаланиб аввал тоскан, кейин қолган уч ордерни ингичка чизиқлар билан чизиб чиқилади.

Белгиланган баландлик барча ордерлар учун ҳам 19 қисм ажратилади. Ундан 4 қисми курсига, 12 қисми устунга, 3 — қисми антаблицментта ажратилади. Устунлар учун ажратилган қисмлар тоскан ордериди 14 бўлакка, дор ордериди 16 бўлакка, ион ордериди 18 бўлакка, коринф ордериди 20 бўлакка бўлиниб модулар (йирик ўлчов бирлиги, устуннинг пастки диаметрига тенг), сўнгра парталар (майда ўлчов бирлиги, модулниг 18 ёки 20 қисмига тенг) аниқланади.

Ҳар бир ордернинг модули (парталари ҳам) бир - биридан фарқланади. Модулар тоскан ордеридан коринф ордерига қараб кичрайиб боради. Ўлчовлар асосан модулар ва парталар асосида олинади.

3 — босқич. Асосий чизиқларни устидан қалам билан аниқ чизилади.


4 — босқич. Асосий ўлчамлар ва ёзувлар бажарилади.

Бажарилган ишни баҳолашда ордернинг қурилиши тўғрилигига, ўлчамларнинг аниқ, жадвалда ва қўлланмада келтирилган чизмалардагадек бажарилганлигига, ишнинг саришталига, озодалига эътибор берилади.


Карнизларнинг умумлаштирилган /массадаги/
тасвирлари




Капителиларнинг /капалакларнинг/ умумлаштирилган
тасвирлари



Ион Капителининг умумлашган тасвири



РИМ ОРДЕРЛАРИ




А-Тоскан ордери. Б-Дор ордери. В-Ион ордери Г-Коринф ордери.

Рим ордерларининг модулларидаги улчамлари жадвали

№	Ордер қисмлари	Тоскан ордери	Дор ордери	Ион ордери	Коринф ордери
1	Карниз баландлиги	1.1/3	1.1/2	1.3/4	2
2	Фриз баландлиги	1.1/6	1.1/2	1.1/2	1.1/2
3	Архитрав баландлиги	1	1	1.1/4	1.1/2
4	Антаблмент баландлиги	3.1/2	4	4.1/2	5
5	Капител баландлиги	1	1	2/3	2.1/3
6	База баландлиги	1	1	1	1
7	Устун баландлиги	14	16	18	20
8	Карниз баландлиги	1/2	1/2	1/2	5/6
9	Курси базасининг баландлиги	1/2	5/6	1/2	5/6

Тоскан Ордениниг Чизилиши




IV.2. Кичик меъморий шаклларни ўлчаш ва ортогонал чизмаларини бажариш

Архитектуравий лойиҳалаш асослари фанидан талабалар бажарадиган ўқув ишлари (топшириқлари)нинг дастлабкиларидан бири кичик меъморий шаклларни ўлчаш ҳисобланиб, у архитектуравий таълим жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Топшириқнинг мақсади талабаларни архитектуравий чизмаларнинг турлари: тарз, қирқим, тарҳ, бош режа ҳамда лавҳаларни чизишга ўргатишдир. Топшириқни бажариш жараёнида талаба ўлчаш учун танлаб олинган иншоотнинг ёки бинонинг қай тартибда жойлашганлигини ифода этиш усуллари, қандай қурилиш ашёларидан фойдаланилгани, бино қурилмалари, унинг функцияси нимадан иборат эканлиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўлади.

Шу билан бирга бажарилаётган чизмаларни тартиб билан қоғозга тушириш, масштаб ва график жиҳатларини ҳар томонлама кўрсата билиш вазифага ижодий ёндошиш, унинг меъморий қирраларини очиб бериш талаба учун муҳим ҳисобланади.

Топшириқ вазифаси ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бино: бекат, фаввора, дам олиш жойи, дўкон каби меъморий иншоотни ортогонал чизмалар воситасида ифода этишдир. Академик гуруҳдаги талабалар 3 ёки 4 кишилик ўлчов гуруҳларига бўлиниб, раҳбар ўқитувчи ёрдамида топшириқни бажарадилар. Вазифа 55x75 см ўлчамдаги ватман қоғоз тортилган тахтада бажарилади. Топшириқ масштабда, аввал қаламда, сўнгра устидан туш юргизилиб чизилган бўлиши лозим. Барча ўлчамлар сантиметрларда кўрсатилади, керакли ёзувлар бажарилади. Меъморий шаклларни ўлчашда асосий эътибор ўлчамларни тўғри олиб, тўғри кўрсата билишга қаратилади.

Топшириқни бажаришда қуйидаги асбоблардан фойдаланилади (160-расм): тахлама метр, ўлчаш тасмаси (рулетка), шовун (отвес), чизгич, каноп ип (шнур), рейка, резина шланга, қоғоз (ватман), қалам, туш, 55x75 см ўлчамдаги планшет (тахтача), рейсфедер, рапидограф ва бошқа чизма асбоблари.




-расм. Ўлчов асбоблари: 1 – рулетка; 2 – шовун; 3 – чизгич; 4 – каноп ип (шнур); 5 – резина шланга; 6 – баландликларни ўлчагич.

Топшириқни бажаришдан мақсад талабаларни архитектуравий чизма (тарз, тарх, қирқим, бош режа, лавҳа)ларни чизишга ўргатишдир. Бунинг учун талабалар дастлаб бирон бир мавжуд бўлган кичик меъморий шаклни, масалан, дўконни, автобус бекатини ва шунга ўхшаш кичик меъморий объектни танлаб, уни ўлчашга киритади.

Кичик меъморий шаклларни ўлчаш топшириғи қуйидагича босқичларда бажарилади:

1-босқич. Чизмаси бажариладиган бино ёки иншоот билан обдон танишилади, уни ҳар томонлама ўрганилади.

2-босқич. Крок (мусавадда) чизишдан иборат. Талаба қоғозга бинонинг ортогонал чизмаларини: тарх, асосий тарз, ён тарз, қирқим ва бош режаларни





крок кўринишида ўлчамларни кўрсатишга қулай ҳолда қўлда чизади. Крокни чизишда масштабга риоя қилиш шарт эмас. Крок чизилиб бўлингач, барча чизмаларнинг тўғрилиги бино билан таққосланиб текшириб чиқилади.

3-босқич. Крокка ўлчамлар қўйишдан иборат. Крокда ҳамма ўлчамлар узунлик бирлигида - сантиметрда аниқ кўрсатилади.

Ётиқ (горизонтал) ўлчамлар тархга ва бош тархга қўйилади. Тик (вертикал) йўналишдаги ўлчамлар қирқимда ва тарзда кўрсатилади. Бинонинг мураккаб қисмлари учун алоҳида крок чизилиб, алоҳида ўлчанади. Энг аввал $\pm$ (ноллик) сатҳ танланади. У одатда бинонинг ташқи ва ички деворларига одам бўйига мос тарзда +1,3 м ёки 1,5 м баландликда қалам ёки бўр билан белгилаб қўйилади. Барча ўлчамлар шу ноллик сатҳга нисбатан олинади.

$\pm$ (ноллик) сатҳ икки учига шиша най ўрнатилиб ичига сув тўлдирилган 4-5 м узунликдаги



-расм. Кичик меъморий шакл

резина шланга ёрдамида белгилаб олинади. Белгиланган ноллик сатҳ баландлигида бино тарҳининг ўлчамлари ўлчаниб чиқилади. Кичик меъморий шаклларни натурадан ўлчаб чиқишда ноллик сатҳини белгилаб олиш талаб этилмайди, балки тўғридан –тўғри пол ёки ер сатҳи 0.00 (ноль) деб белгиланиб бино тарҳининг ўлчамлари ўлчаб чиқилади.

Ўлчамлар қуйидаги тартибда олиб борилади. Ўлчанадиган бино



қисмининг, масалан, деворининг бир бурчагига метрнинг (рулетканинг) учини (0 нол белгисини) қўзғалмас қилиб қўйилади. Девор охиригача эшик, дераза, токча кабиларнинг ўринлари алоҳида-алоҳида эмас, балки кетма-кет ўлчаб олинади. Бинонинг 2-бурчагидан яна худди шу тартибда (нол)дан бошлаб учта бурчагигача мазкур тартибда барча ички ва ташқи томон ўлчамлари олинади, бу **занжир усули** дейилади. Бу усул билан ўлчамлар тезроқ ва аниқроқ олинади. Бино тарҳини янада аниқроқ ўлчаш учун унинг ички ва ташқи бурчакларидан диагонал чизиқлар ўтказилиб, ҳосил бўлган учбурчаклар асосида **триангуляция усули**да ўлчамлар олинади. Агар ўлчанаётган иншоотда хона бўлса унинг ўртасидан ташқари томонга қараб бир хил баландликда таранг тортилган каноп ип ёрдамида таянч чизиқлар ("причалкалар") олинади. Уларнинг ўзаро кесишган нуқталарида тугунчалар белгиланиб, кейин барча аниқланаётган ўлчов чизиқлар триангуляция усулида ўлчанади. Шифтнинг проекцияси, бино тарзидан туртиб чиққан карниз ва том ёпилмалари, устуннинг каллак ва қош қисмлари, ички гумбаз проекциялари шовун ёрдамида ўлчаб олинади.

Иншоотнинг устунли – тўсинли қурилмалари декоратив безаклар ёки бирон бир диққатни ўзига тортадиган меъморий – бадиий элементлардан алоҳида нусха олиниб унинг ўлчамлари аниқ кўрсатиб чизилади.

Иншоот тўлиқ ўлчангач кроклардан фойдаланиб чизма


А – устун кўзаги. Самарқанд гузари масжидидан.

Б- устун кўзаги.Самарқанддаги Дахбед масжидидан.





В – Меъморий безак.
Самарқанддаги Шоҳи
Зинда
ансамбли
ёдгорликларидан.



-расм. Устунли-тўсинли қурилмаларни ўлчаш


лар керакли масштабларга ўтказилади. Ҳар бир талаба ўзининг бажарган кроклари асосида раҳбарининг ёрдамида масштабдаги ортогонал проекциялар (тарҳ, бош тарҳ, асосий тарз, ён тарз, қирқим, бўлак-лавҳани) планшетга жойлаштириб чиқади, яъни масштабга тушурилган чизмаларни планшетга тортилган қоғозга компановка қилади.

Шундан сўнг талаба раҳбарининг рухсати билан барча чизмаларни ватман қоғоз тортилган 55x75 см ўлчамли тахтага умумийдан - хусусийга ўтиш қоидаси бўйича қаламда чизиб чиқади. Чизмалар чизилиб, уларга ўлчамлар ва ёзувлар ёзилиб бўлгандан сўнг, улар устидан қора туш билан юргизилади. Ёзувлар архитектуравий, классик шрифтлардан фойдаланган ҳолда ёзилиш лозим. Ўлчам чизиқлари ва ўлчамлар маълум қоидага риоя этган ҳолда кўрсатилади. Тарҳ ва бош тарҳ чизмасининг ўнг томонидан ва пастки томонидан 1-1,5 см масофа қолдирилиб, ўлчов чизиқлари нозик қилиб тортиб чизилади ва чизиқнинг устига ўлчамлар ёзилади. Тарз ва қирқимнинг ўнг томонига асосий шаклларнинг ўлчовлари кўрсаткич стрелкаси билан

биргаликда ёзилади. Лавҳа чизмасидаги соялар ўрни белгиланиб туш ёрдамида майда капилляр нукталар билан ишланиб унинг хажми ва материали ҳам ифода этилади.

Чизмаларнинг оралиқ масофалари ва ёзувлар планшетда мувозанатни сақлаган ҳолда аниқ ифодаланиши, қирқим чизиқлари билан архитектуравий шаклларнинг бир-биридан кескин ажралиб туриши мақсадга мувофиқдир. Топшириқни бажаришда: тарҳ, тарз, ён тарз, қирқим чизмаларини 1:50 ёки 1:25 нисбатларда, бош тарҳни 1:100 ёки 1:200 нисбатда, бўлак-лавҳа чизмасини 1:10 ёки 1:20 нисбатда бажариш; барча ўлчамларни сантиметрларда кўрсатиш; топшириқ мавзусини - тасвирланаётган меъморий шакл номини 2-2,5 см баландликдаги ҳарфлар билан, бошқа ёзувларни эса 5 см баландликдаги ҳарфлар билан ёзиш тавсия этилади.

Бажарилган иш албом шаклига келтирилган кроклар билан бирга топширилади. Ўлчашни тўлиқ эмас, пала-партиш бажариш, кроклардаги ўлчамларнинг чизмалардаги ўлчамларга мос келмаслиги, чизиқларнинг раво бўлмаслиги, ишнинг юзаси қирланиб кетиши каби камчиликлар иш сифати ва баҳосини пасайтиради.



ҚИРҚИМ



ЛАВҲА

IV.3. Сувбўёқ машқини бажариш

Архитектуравий лойиҳалаш чизмаларида кўпинча ҳажмий шаклларни, фазовий тарзларни аниқ ажратиб кўрсатиш зарурати пайдо бўлади. Бунга эса бўёқлаш графикасининг энг анъанавий усуллари билан суви билан туш арлашмасидан тайёрланган бўёқда ювиш (отмивка) сувбўёқ графикаси орқали эришилади.

Сувбўёқда ювиш графикаси чизмаларда архитектуравий шаклларнинг ҳажмий композицияси ва улардаги ҳаво чуқурлиги (перспективаси) ва сояларни кўрсатиш ёрдамида ҳажмларни бўрттириб, шаклларнинг пластикаси ва гармониясини акс эттиради. Ҳажмий шакллар ва ҳаво перспективасини аниқ кўрсатиш шарт бўлган ҳолларда кенг қўлланилади.

Ундан ташқари қийин шаклли ҳар хил (юмалоқ, эллис ёки кўп қиррали) иншоотларни ҳажмини чиқаришда аввал сувбўёқ усули техникаси орқали ҳажмни етдириб чиқариб, кейин эса устидан ранг билан бўяладиган услублардан фойдаланилади.

Сувбўёқда бўяш техникасини ўргатиш мақсадида ўқув жараёнининг дастлабки босқичида “Архитектуравий лойиҳалаш асослари” амалий дарсларида “академик ювиш” суви билан ювиш машқини бажарилади. “Академик ювиш” - деб, суви ва туш аралашмаси билан сувдан бошлаб оч рангдан тўққа ўтишни бўёқнинг керакли тўқлигига қараб, 3-4 марта такрорлаб бўяш орқали етдириш услубига айтилади.

Машқни бажаришдан мақсад, талабалар илк бор бўяш қуроллари билан ишлашни, бўяш усуллари, бўяш техникасини ўрганиш, соялар назарияси, бўяшнинг қонун қоидаларини, сувбўёқда бўяш графикасининг дастлабки кўникмаларини ҳосил қилишдир. Машқнинг вазифаси кейинги бажариладиган “Архитектуравий лавҳа”, “Иншоотнинг перспектив тасвири” вазифаларини сувбўёқда бўяшга талабаларнинг бўяш техникасини оширишдир.

Машқни бажариш учун аввало сифатли, қалин-”Таршон” ёки “Гознак” маркали қоғозлардан фойдаланилади. Бўёвни бажариш учун қоғоздан ташқари: N1дан N10гача олмахон мўйнасидан ясалган майин мўйқаламлар (кисточка) жуда қўл келади. Яхши мўйқаламни сувга ботириб, кейин енгилгина силкитиб ташланганда учи ўткир бўлиб қолиши кераклиги билан аниқланади. Қора туш ва бир нечта суви учун стаканлар, рангларни синаб кўришга қоғоз (политра) керак бўлади. Қора туш билан суви аралашмасини 3-4 хил очдан тўққа қараб тайёрланади.

Сувбўёқ машқини 37,5х55 см ўлчамли (ёғоч рамка устидан қоқилган фанера) планшетга бажариш талаб этилади. Қоғозни планшет устидан яхшилаб силлиқ қилиб тортиш лозим. Бунинг учун қоғозни планшет устига қўйиб, атрофидан 3-4 см ортиқчароқ қилиб ўлчаб, кесиб олинади. Планшетнинг ён қирраларига елим суртилади ва қоғозни иккала томонидан намланиб, планшет устига текис қилиб қўйилади ва тоза пахтани сувлаб аввал горизонтал томонга секин-аста қоғозни силлиқланиб, таранглаштирилади ва планшет четига ёпиштирилади. Кейин вертикаль йўналишга пахта билан силлиқланиб таранглаштирилади планшет четига ёпиштирилади, бурчакларини учбурчак шаклга келтириб, кнопкалар билан маҳкамланади ва яна ён қирраларига кнопкалар билан устидан маҳкамланиб чиқилади. Ёпиштириш пайтида

қоғозни жуда эҳтиёткорлик билан тўрт томонга секин тортиб таранглаштириш лозим. Планшетни горизонтал ҳолатда куритилади.

Қоғоз яхши куригандан кейин сувбўёқ машқини бажариш учун планшетга 6 та тенг катаклар чизилади. Чизмаларни қаттиқ “Т” қалам билан қоғозга ботирмасидан, иложи борица камроқ ўчирғич ишлатиб чизилади. Чизмаларни жойлаштиришда катаклар оралиқларидан 1,0-1,5 см, атрофидан 1,5-2 см, пастки қисмидан. 3,5-4 см жой қолдириб, чизилади. Тўғри тўртбурчакларнинг ичига амалиётда кўп учрайдиган архитектуравий бўлақлардан “ғоз бўйни (гусёк)” ва валнинг $\frac{1}{4}$ қисми, “пошна” (каблучек) чизилади. Яна бир тўғри тўртбурчакнинг ичига айланма шакл таглик билан “шар” чизилади яна бир катакнинг баландлиги бўйлаб 11 ёки 13 қисмга бир хил бўлинади. Кейинги икки тўртбурчак ичига Рим ордеридан карниз қисмини бўлагини икки хил кўриниши чизилади. (“прямой ва обратной вал”). Катакларнинг ичига унсурларни чизишда полкалар баландликлари бир хил ўлчамда олинади ва чизмаларнинг комбинациялари циркуль орқали “гусёк”, “каблучок”, “прямой”, “обратный вал” ва “шар” жойлаштириб чизилади.

Сув бўёқда ишлаш техникасини икки хил вазифадан иборат: силлик очдан тўққа ўтиш тукда ишлаш айнан текис юзаларни ифода этса, нотекис тукда ишлаш унсурларни ҳажмини ёки уларнинг фазовий жойлашувини ифодалайди.

Тасвирланаётган жисм қанчалик кузатувчига яқин турса, нур ва соя қисмлари, тузилиши шунчалик аниқ ва тиниқ кўринади, жисм қанчалик узоқ турса нур ва соя кўзга хира, унсур ва тузилиши эса умумлашган ҳолда кўринади. Яна ҳам узоқроқдан эса унинг умумий кўринишинигина илғаш мумкин бўлади. Жисмга тушаётган ёруғлик манбани 2 турга ажратиш мумкин. Биринчиси – қуёш (тушувчи) нурлари, иккинчиси акс нур, осмон, девордан, қисмдан қайтаётган ёруғликдир, буни ялтироқ нур (блик) дейилади.

Бўёв бошқа турдаги бўяшлардан бирмунча фарқ қилади. Бўёв воситасида жисмнинг ҳажми кўрсатилади. Жисмларни ёритилганлигига, ўзаро жойлашувига ва ўз рангига қараб у ёки бу сатҳлар оч ёки тўқ рангларда бажарилади. Жисмнинг хусусий сояси ҳамиша тушувчи соядан кўра очроқ бўлади. Юмалоқ жисмлар оч рангдан тўққа қараб билинар-билинемас ҳолда бўялиши керак. Бу қуйидагига бажарилади. Абзал Рангли аралашмалар оч қилиб тайёрлаб олинади ва у билан бўяладиган юзаларнинг энг ёруғ жойлари қолдирилган ҳолда қоплаб чиқилади. Бўялган юзалар курилгандан кейин, чизма ўша ранг билан иккинчи бор қопланади, аммо энди ҳамма жойи эмас, фақат юзанинг кучайтириш талаб этиладиган жойлари аввал сув кейин оч рангдан. Кейин ўтилади юзани кучайтири талаб этиладиган қисмлари.

Архитектура чизмалари кўпинча жисмларнинг ҳажмини, фазовий тарзларини аниқ ажратиш кўрсатиш зарурати пайдо бўлади. Бунга эса тасвирларининг анъанавий усуллари билан ифодалаш амалга оширилади. Сув бўёқ усули, тасвирланаётган жисмларни иншоотнинг лойихавий мақсади ва хусусияти билан аниқланилади. Сув бўёқ билан ишлаш икки хил вазифалардан иборат:

Шаклларнинг ҳажмлари ёруқликнинг ифодалаш орқали чиқарилади. Ёруғлик нурларини гап тарафдан ўнг тарафга 45° бурчак остида йўналтирилган

деб қабул қилинган. Тушувчи соялар қурилиб, ингичка чизиклар орқали чизиб кўйилади.

IV.4. Архитектуравий лавҳани тасвирлаш

Топшириқ мақсади: меъморий бўлак мисолида академик бўйаш орқали ҳажмини ифода этишга ўргатиш.

Топшириқ вазифаси: бино қисмининг—устуи каллаги, бошқа меъморий унсурнинг чизиқли ортогонал чизмасидан фойдаланиб 55x75 см ўлчамлардаги тахтага тортилган қоғозга увражни (бино бўлаги чизмаси) керакли маротаба катталаштириб чизиш, сояларини аниқлаш ва бўйашдан иборат.

Бу топшириқда талабаларнинг мумкин қадар хоҳишига қараб, ҳар бирига алоҳиди иш танлаб берилади. Бу жараёнда талаба жаҳон меъморчилик шох асарлари билан танишадилар. Фазоий тасаввур қилиш қобилиятини ўстирадилар. Топшириқни бажариш учун жаҳон ва Ўрта Осиё тарихий меъморлик обидалари чизмаларидан фойдаланадилар.

Рим — юнон ордерлари Лавҳа асосан классик архитектура ёдгорликлардан ортогонал чизма кўринишида берилади. Мисол тариқасида талабага шу мавзу бўйича бажарилган ишлар курсатилиши мумкин. Талаба шу ишга таалуқли бўлган материалларни тўплашда активлик кўрсатиши лозим.

Топшириқ бир неча босқичлар ёрдамида амалга оширилади. Босқичларнинг мазмуни қуйидагилар.

1. Бино бўлаги чизмаси — увражни ўрганиш.
2. Мусавва қилиш (эскизлаш).
3. Оққа катталаштириб чизиш.
4. Сояларини қуриш.
5. Бўйаш (академик бўйаш техникасида), керакли ёзувларни бажариш.

1—босқич. Мавзу танлангандан кейин меъморий ёдгорлик ҳар томонлама; қурилган даври, тарихий жойланиши, архитектуравий, конструктив, эстетик ва бошқа томонлари ўрганилади.

2—босқич. Масавва тайёрлаш муҳим жараёндир. Уни алоҳида форматиинг 1/4 бўлагида бажарилади (қоғоз сифатсиз бўлиши ҳам мумкин). Мазкур босқичда асосан тахта сатҳида бино бўлагининг тарзи, тарҳи ва ёзув ўринлари белгиланади, увраж неча маротаба катталаштириш лозимлиги аниқланади.

Бир неча изланишдан сўнг талаба бир ечим вариантини танлайди. Мусавва қилганда фақат жойлаштириш билан чекланмайди. Бу иш ижодий жараёндир. Танланган вариантида талаба бу лавҳани композицион - бадиий жиҳатларини кўрсата билиши керак.

Қоғозда чизмалар симметрик ва асимметрик ҳолатларда жойлашган бўлиши мумкин. Асосий ўқлар аниқланади.

Мусаввада жойлашган қоғозда ёнларидан жой қолдиришимиз мумкин. Яъни, мусаввадани хошияга (рамкага) олишимиз мумкин. Лавҳа чизмасининг тагида ёзувлар учун бўш жойлар қолдирилади.

Мусаввада қилингандан сўнг (ўқитувчи тасдиқланган кейин) оққа кўчириш иши бошланади.

3 —босқич. Оққа кўчириш. Қаламда чизмани бажариш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

а) Аввал асосий ўқлар чизилади. Кейин асосий — йирик қисмлар чизилади.

б) Сўнгра майдароқ қисмлар чизилади, яъни, шу йирик қисмларда тегишли деталлар акс этдирилади.

в) Нихоятда барча майда қисмлар: профиллар, барельефлар, чизиллиши лозим.

Ҳамма, майда бўлақларгача қаламда чизилгандан сўнг, соялар қурилади. Бўяшдан олдин ёруғлик қайси томонда ва қай тарзда тушиитига, меъморий шакл тузилишига қараб лавҳани аёнроқ ифода этиш мумкинлиги тўғрисида фикр юритамиз. Истеъмолдаги архитектуравий графикада ёруғлик манбаидан нурлар параллел ҳамда диагональ йўналишда, яъни 45° бурчак остида деб қабул қилинган. Бу сояларни онсон қуришга имконият беради. Ёруғлик нурларини бундай олинганда шакл тузилишида ҳамма жиҳатларини яққолроқ ифода этишга қўл келади.

4 - босқич. Сояларни қуришда чизма геометрия қоидаларидан фойдаланилади.

Сояларнинг 2 хили мавжуд: тушувчи соялар ва ўз соялари. Тушувчи соя бир шаклдан бошқа шаклга тушувчи соядир. Ўз сояси шаклнинг ёритилган сиртининг орқасидаги соядир. Тушувчи соя ўз соясига қараганда тўқроқ бўялади. Тушувчи соя олддан узоқлашган сари майинлашиб боради. Олд пландаги ҳажмларда бўёқ контрастлироқ, орқа пландаги эса бўёқ юмшоқроқ бажарилади. Шундай ҳолатда меъморий бўлақ ҳажми, унинг атрофидаги муҳит таъсирчанроқ чиқади.

Соялар қурилгандан сўнг туш ранг билан академик бўяшга ўтилади.

Академик бўяш деб, бўёвнинг керакли тўқлигига оч ранглари 3 — 4 марта такрорлаб бўяш орқалик етдириш услубига айтилади. Рус тилидаги «отмывка» ибораси ҳам шу жиҳатни ифодалайди.

Талабалар академик бўяшни бошлашдан олдин бўяш машини бажаришган бўлишади.

Қаламда чизмани чизгандан кейин, иш жараёнида қоғозда пайдо бўлган кирлар ювиб ташланади. Бунинг учун тоза сув билан пахта керак бўлади. Пахтани сувга ботириб тахтага тортилган ва сиртига қаламда чизилган қоғозни тепадан пастга йўналишда пахта ёки катта муйқаламда ювиб чиқилади.

Қоғоз қурилганда сўнг чизмадаги ҳамма чизиклар устидан суюлтирилган туш билаи юргизиб чиқилади. Суюлтириш туш бўяш жараёнида чизиклар ажралиб турмаслиги учун ишлатилади.

Тўқ тушга сув қўшиб керакли ранг тон олинади.

5 —босқич. Бўяш учун асосан қуруқ тушдан фойдаланилади. Чунки қуруқ туш ўзининг жиҳатлари билан оддий тушдан катта фарқ қилади. У бир текис очдан тўққа ўтишга, берилган ашёсини аниқ кўрсатишга ёрдам беради.

Туш тоза сув билан аралаштириб, филтрдан (пахта ёки докадан) ўтказилади. Лозим топилса бир неча маротаба ўтказилади.

Бўяш олдин оч аралашма билан бошланиб бажарилади. Кейин аста — секин тўқ аралашма ҳам ишлатилади.

Бўяшни саришталик ва бутун вужуд билан, чизмадаги контурларидан чиқазмай ишлаш керак.

Бўяш йирик қисмлардан бошланади, кейин майда қисмларга ўтилади.

Лавҳада олд ва орқа планлар бўлиб, улар бўяш орқали фаркланиб курсатилиши керак,

Сиртларни кетма—кет бўяш жараёнида шуни ҳисобга олиш керакки, қанчалик юза узоқроқ жойлашган бўлса контрастлиги шунчалик суст бўлади.

Ёруғликда, яқинда жойлашган қирралар айниқса, биринчи план оч рангда қолдирилиши зарурдир. Тушувчи соя томонида жойлашган қирралар сал қорароқ бўялиб кўрсатилади. Бу чизманинг ҳажмини бўртдириб кўрсатилишига ёрдам беради.

Лавҳа тасвирида ёритилган жойлардаги ҳар хил (олдинги — ортдаги) планларга бўлганимиздан кейин, сояда бўлган жойларга ўтамиз. Биринчи планда жойлашган соялар, интенсивроқ кўрсатилади. Ўзоқроқ жойлашган соялар очроқ бўялади, чегарага яқинлашган сайин соялар очроқ бўялади (рефлекс).

Архитектуравий лавҳа қисмларининг ёруғлигини ва соядалигини умума ажратиб курсатганимиздан сўнг, лавҳанинг майда дегалларини, безакларини бўяшга ўтилади.

Архитектура ёдгорлигида ишлатилган қурилшп ашёларининг фактурасини кўрсатиш катта аҳамиятга моликдир. У силлиқ ғадир - будур, ялтироқ бўлиши мумкин. Фактура ифодаси орқали ишлатилган ашёларни: ёғоч, бетон, тош, гипс ва бошқаларни ажрата оламиз.




Лавҳада ишлатилган ашёларнинг рангини туш билан бўяшда оч ёки тўқ ранг орқали фактурасини чиқариш зарурияти пайдо бўлади. Мисол учун ёғочнинг фактурасини кўрсатиш учун ҳажмнинг шакли чиқарилгандан сўнг, сиртга ёғоч текстураси мўйкалам билан текстура чизиклари кўрсатилади. Эски тошнинг ҳарактерини чиқариш учун бўяш жараёнида оқ «доғ»лар (жойлар) қолдирилади. Бўяш охирида соя томонидан тўқ рангда синиқ чизиклар кўрсатилади.

Бўяшни тугатгандан кейин, чизмани чотларини ўчирғич орқали ўчирамиз ва керакли ёзувлар бажарамиз.

Архитектуравий лавҳанинг номини унга мос, катта шрифтда ёзувлар бажарилади. Бу топшириқда асосан классик шрифт ишлатилади. Пастдаги бурчакда майда шрифтда институт, таҳлилгоҳ, гуруҳ, талабанинг насаби, исми, раҳбарнинг насаби ва исми ёзилади.

Дор орденини чизишнинг кетма-кетлиги

Расм



IV.5. Шрифтли композиция тузиш

Топшириқ мақсади — турли хил шрифтлар билан таниши ва уларни ёзишни ўрганиш.

Топшириқ вазифаси — танланган шрифт (ёки шрифтлар) асосида композиция ташкил қилиш.

Топшириқ 55х75 см тахтага тортилган қоғозда бажарилади. Вазифада рангдан ҳам фойдаланиш мумкин. Топшириқни бажариш тартиби қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Шрифтлар билан танишиш ва вазифани аниқлаш.
2. Эскизлаш (изланиш, бир ечим вариантыни танлаш).
3. Ҳарфларни ва расмларни жойлаштириш (компановка).
4. Умумий чегараларда, йирик қисмларни чизиш.
5. Деталлаштириш (майда қисмларни чизиш).
6. Бўяш, тушлаш (тугатиш).
7. Баҳолаш.

1 — босқич. Шрифтнинг пайдо бўлиш тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Секин — аста унинг бир қатор кўринишлари: лотинча, грекча, арабча, русча ва бошқалар пайдо бўлди. Улар ўз навбатида бир қанча турларга бўлинади; масалан: русчада – кириллица, арабчада – насталиқ, райҳоний, кўфий, сулс ва бошқалар. Бу босқичда талаба бир (ёки бир нечта шрифтни) танлаши лозим.

2 — босқич. Танланган шрифтни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш асосида эскизлаш бишланади. Ҳар бир ҳарфнинг қурилиши уларнинг ёзилиш тартиби ўрганилади. Ана шу ҳарфлардан фойдаланиб бирор композиция ташкил қилиниши керак. Композициялар турлича бўлиши мумкин: Масалан:

- ҳарфларни алфавит тартибида ёзиш (оддий композиция);
- ҳарфлардан бирини (ёки бир нечасини) доминант қилиб, сўнг ҳарфларнинг кетма — кет ёки аралаш ёзиш (ўрта композиция);
- бирор матн ёзиш;
- бирор мавзу танлаб, уни суратлар билан тасвирлаб, яъни фон (рангли ҳам бўлиши мумкин) унга мувофиқ сўзлар ёзилиши ва х.к.

3 — босқич. Ҳоя тасдиқлангандан сўнг, у компоновка қилинади (жойлаштирилади), яъни 55х75см ўлчамли тахтага мослаштирилади.

4 — босқич. Эскиз оққа кўчирилади. Дастлаб чизманинг умумий кўринишлари чизилади. Ҳоя умумий массаларда бажарилади, яъни фон ва ҳарфларнинг (сўзларнинг) ташқи кўриниши (контури) чизилади.

5 — босқич, Чизмаларнинг (фон) ва ҳарфларнинг (сўзларнинг) майда деталлари чизилади. Шу босқичда қаламда ҳамма ишлар тугатилиши шарт.

6 - босқич. Чизма бўялиб ёки график усулда (туш билан) тугатилади. Албатта, техниканинг танланиши талабанинг хоҳишига ва унинг махоратига боғлиқдир. Бу босқичда топшириқ тугатилади.



Бу шрифт – Мой компьютер/Install (D:)/Абдураззоқ ака/SAL PhotoS – файлидан
олинган

IV.6. Иншоатнинг ортогонал тасвирини бажариш

Топшириқнинг мақсади — талабаларни меъморий иншоатнинг ортогонал проекцияларида тасвирлашга ўргатиш.

Талабалар олдида муайян иншоатни уларга бериладиган увражлардан фойдаланиб тасвирлаш вазифаси қўйилади.

Аввало умуман ортогонал проекциялар ҳақида тушунча берилиши ўринлидир. Ортогонал сўзи грекча бўлиб «ортос» — «тўғри бурчак» маъносини англатади. Яъни, буюмни ёки иншоатни текисликка нисбатан тўғри (90°) бурчак остида туширилган проекциясига — аксига айтилади. Ортогонал чизма меъморий графикада энг кўп тарқалган услуб бўлиб, у иншоат ҳақида керакли ва етарли маълумот берувчи чизмадир.

Ортогонал чизма қўйидаги ҳилларга бўлинади: тарз, тарҳ, қирқим, бош тарҳ..

Тарз чизмаси— фронтал (тўғри - 90° бурчак остида) текисликка (қоғозга) туширилган аксидир. Одатда биз бу сўз орқали бош тарзни тушунамиз. Бошқа тарзлар — ён тарз, ва орқа деб номланади. Тарзлар осон — қийинлигига қараб ва талабанинг имкониятларига қараб ҳар - хил услуб, техника ва графикаларда бажариш тавсия этилади. Тарзлар асосан: 200, 100, 50, 20 миқёсларда (масштабларда) чизилади.

Тарҳ чизмаси — шартли равишда иморат қирқимининг тўғри (90°) бурчак остида қоғозга туширилган аксидир. Яъни, иморатни горизонтал ҳолатда шартли равишда кесиб тепасидан қарагандаги кўринган ҳолатидир. Тепасига қаралганда шифт (плафон) тарҳи вужудга келади. Тарҳ чизмасини ҳосил қилишда шартли шаффоф текислик иморатни шундай кесиши керакки, унда нафақат иморатнинг деворлари, устунлари кесими, балки деразаларининг, эшикларининг, бошқа муҳаидислик жиҳознинг излари кесимлари тушиши ҳам шартдир.

Тарҳ асосан чизма графикада ижро этилади. Тарҳда деворлар, устунлар ва бошқа иморат унсурларнинг қаеридан қирқим ўтаётган бўлса, ўша ер қалин чизик билан чизилади. Қолган, яъни қирқимдан ўтмайдиган ерлари ингичка чизиклар билан чизилади. Иморатнинг ҳамма горизонтал ўлчамлари тарзда курсатилади. Ўлчамлар м, см ва мм.ларда кўрсатилиши мумкин. Тарҳлар ҳам тарзлар каби асосан: 200, 100, 50, 25, 20 миқёсларда чизилади.

Қирқим — фронтал тўғри бурчак остида текисликка (қоғозга) туширилган аксининг кўринишидир. Қирқим деганда биз буюм ёки иморатни, шаффоф текислик билан керакли жойида текисликка нисбатан вертикал ҳолатда кесиб у ёки бу тарафга қараганда кўринадиган ҳолатга айтамыз.

Иморатнинг қирқимини олганда одатда унинг тавсифга энг лойиқ жойларидан олинади. Мисол тариқасида турар жой биносини келтирамыз.

- Унда: 1) умумий хона (мехмонхона),
2) ухлаш хонаси,
3) айвон,
4) зина жойлашган хоналарини қирқиш мумкин.

Қирқим одатда бир иморатнинг ўзида икки, уч ва хатто тўрт — беш жойдан олинishi мумкин. Бундан ташқари қирқимни шундай олиш керакки, у албатта деворда жойлашган дераза ва эшиклар турган жойидан ўтсин.

Қирқимлар ҳам худди тарҳлар каби асосан чизикли графикада ижро этилади. Қирқимда иморатнинг қайери тушса шу ери албатта қалин чизик билан чизилади ва тушмаган ерлари ҳаммаси ингичка чизик билан ажратилади.

Ўлчамлар қирқимларда тарҳлардан фарқли ўлароқ вертикал ҳолатда қўйилади ва унинг номи ўлчам эмас балки “белги” деб аталади.

Бош тарҳ чизмаси (генплан) деганда биз асосан бинонинг ёки бинолар мажмуасининг текисликка нисбатан тўғри (90°) бурчак остида тепадан—устдан қараганда кўринадиган тасвирига (проекциясига) айтамыз. Демак, бош тарҳда иморат ва иморатлар мажмуасидан ташқари унга олиб келувчи йўлқалар, атрофдаги гулзорлар, дарахтлар ва шу иморатларга ёндош бўлиб турган бошқа объектлар чизилади. Бош тарҳ аралаш графикада ижро этилади.

Энди бевосита топшириқни бажариш тартибига ўтамыз. Топшириқни бажаришда қуйидагиларга эътибор бериш зарур.

1) Ўқитувчи билан биргаликда меъморий ёдгорликнинг тайёр чизмаларидан (увражлардан) танлаб олиш ва уни ўрганиб чиқиш.

2) Чизмаларни кераклик миқёсга солиб планшет билан тенг (55x75 см) қоғозга жойлаштириш.

3) Тайёр бўлган чизмани бўлган планшетга қаламда кўчириш.

4) Сояларни қуриш.

5) Суюлтирилган тушда (суюқ қоришмада) академик бўяш техникасида тасвирлаш.

1—босқич. Мавжуд чизмалар орасидан муайян меъморий ёдгорлик талабанинг қобилияти ва кучига қараб танлаб олинади. Танлаб олинган чизмани талаба обдон ўрганиб чиқади. Яъни, унинг тарихи, келиб чиқиши билан бир қаторда чизманинг ўзини ҳам таҳлил қилади.

2—босқичда талаба чизмани катталаштириб планшетга чизиши керак бўлади. Бунинг учун чизманинг ҳолатига қараб сонли ёки чизикли миқёс (масштаб) қўлланилади. Бунда икки ҳолат вужудга бўлиши мумкин.

а) Талаба чизманинг миқёсидан келиб чиқиб ва ўлчамларидан фойдаланиб бир неча вариантда эскиз — композиция яратилади ва улардан бирини ўқитувчи билан маслаҳатлашган ҳолда катталаштириб планшет билан тенг бўлган қоғозга жойлаштиради.

б) Талаба чизманинг миқёси ва ўлчамлари йўқ бўлган ҳолда чизикли масштабда катталаштиради ва юқорида келтирилган тартибда қоғозга жойлаштиради.

3—босқич. Композицион жиҳатдан тайёр бўлган, миқёслари ҳам планшетга мос тушадиган тайёр чизмани талаба ҳеч қандай (қийинчиликсиз) 55x75 см ўлчамли планшетга қаламда чизишни бошлайди. Чизма тайёр бўлгандан сўнг у ўқитувчилар кўригидан ўтади. Агар чизмада хато — камчиликлар бўлса уни талаба тузатиб академик бўяшга тайёрлай бошлайди. .

4—босқич. Тайёр чизмани бўяшдан олдин сояларни қуриш керак бўлади. Бунинг учун талаба чизма геометрия фанидан олган билимларини ишга солиб планшетда тасвирланган муайян иморат чизмасининг сояларини қуради. Шундан сўнг чизма бўяшга тайёр бўлади. .

5 — босқич. Академик бۆйаш учун талаба худди меъморий лавҳа топшириғида бўлгани каби зарур амалларни бажаради.

а) Чизма чизилган, тайёр планшетни бир маротаба ювиб ташлайди. .

б) Куруқ тушни эритиб ёки суюқ тушга сув қўшиб уч хил тўқликдаги, яъни: оч қоришма; ўрта тўқликдаи қоришма ва кучли қоришмалар тайёрлайди.

в) Бўйаш учун юмшоқ, яъни, ҳўлланганда учи учлик бўладиган муйқаламлардан энг камида тўрт ҳилини тайёрлаб қўяди (булар: №2, №4, №6, №8 рақамли мўйқаламлардир).

Талаба ўқитувчининг ёрдамида юқорида келтирилган ва тайёрланган ўқув курулларн билан топширикни бўййди.

Баҳоланган ишлар таҳсилгоҳ архивига топширилади, яхши ишлар кўргаамага қўйилади, улардан услубий альбом тайёрланади.

IV.7. Иншоотнинг перспективадаги кўринишини ишлаш

Меъморий асарнинг ортогонал проекциялари жуда шартли тасвирдир. Иншоат тўғрисида куз билан идрок этилишига яқин бўлган ҳолатни «куш кўриши» («вид с птичьего полета») ёки перспектива (перспектав тасвир) беради. Меъмор учун лойиҳаланаётган иншоотни перспектива ёрдамида кўрсатабилиш катта аҳамиятга эга.

Топширқ мақсади — перспектива қонуниятларини талабалар томонидан пухта ўзлаштириш, чизма геометрия фани берадиган назарий билимларни муайян иншоат мисолида мустаҳкамлашдир.

Топширикда талабалар олдида берилган ортогонал чизмалар (тарх, тарз, қирқим, лавҳа ва бошқалар) ёрдамида иншоотнинг асосий сифатларини очиб берадиган перспектавасини (экстерьерини ёки интерьерини) чизиб бўяш вазифаси қўйилади.

Топширикни - бажариш учун Ўзбекистон, Ўрта Осиё ёки жаҳон меъморлиги асарлари олинади. Замонавий иишоатлар ҳам талабаларга берилиши мумкин. Бериладиган ортогонал чизмалар бир хил масштабда бўлиши лозим.

Топширик аксари мусаввада (форэскиз) тайёрлаш, қараш нуқтасини танлаш, қаламда чизиш ва бўяш босқичларидан иборат бўлади.

1 — босқич. Мусаввада босқичида ватманнинг чораги (1/4) ёки нимчораги (1/8) бўлагида иншоотнинг турди томонларидан ва тарафларидан бир неча (камида 3—5) перспектив тасвирлари қалам билан қўлда бажарилади. Сўнг энг мақбул варианты танланади. Тасвир вариантларини бажариш жараёнида иншоотнинг нисбатларини мумкин бўлганча санлаб қолишга интилиш лозим. Вариантларнинг ичида энг мақбули чизиш учун танланади.

2—босқичда танланган вариантта энг яқин ҳолатни берадиган қараш нуқтаси танланади. Оптимал қараш нуқтаси уч асосий шарт—шароитлар билан борлиқ.

а) Қараш нуқтасидаи иншоатгача бўлган масофа иншоотнинг икки баробар баландлигидан кам бўлмаслиги лозим. Агар иншоат паст бўлса, икки баробар масофа тархнинг томонига нисбатан олинади. Умуман олганда қараш бурчаги 50^0 дан кам бўлиши керак. Қараш нуқтасини ҳаддан ташқари узоқдан олиш ҳам перспектива композициясини «суст» қилиб қўяди.

б) Сурат текислиги шундай олинishi лозимки, бош қараш нури перспектив тасвирнинг таҳминан ўрталаридан ўтиши керак. Ундан ташқари бош қараш нури бино бурчагидан ўтмаслиги лозим. Акс ҳолда бурчакдаги унсурлар бир чизиқа тушиб иншоат ҳажминн идрок этиш қийинлашади

в) Уфқ чизиги одам кўзи баландлигида танлаш табиий кўринишни таъминлайди. Уфқ юқоридан танланса иншоотларинг, айниқса ховлили биноларнинг тузилишини туқисроқ очиб беради.

Пастроқ олинган уфқ баландда жойлашган иморатга кўпрон мос келади. Интерьер перспективасида ҳам пастроқ олинган уфқ ўтирган одамнинг кўришига яқин кўринишни беради.

3 — босқич. Перспектив тасвир чизма геометрия қоидаларига кўра бажарилади. Одатда «архитектор усули» қўлланилади. Тасвирланаётган

иморатдаги параллел чизиклар уфқдаги нукутага (фокусга) йўналган бўлади. Фокуслар битта (сурат текислиги фронтал ҳолатда бўлган интерьерларда кўпроқ ишлатилади), иккита ёки ундан кўп (масалан саккиз кирралик тасвирда тўртта) фокуслар бўлиши мумкин.

Нутқта перспективасини тўғри топишда ҳақиқий катталиқни ўз ўрнига, қуйноб излашга алоҳида эътибор бериш лозим. Тўғри тўртбурчак тарҳли хонанинг фронтал кўринишидаги интерьерини чизишда ҳар қандай нуутанинг баландлиги ён деворларга проекцияланиб топилишини унутмаслик керак.


Айлана перспективаси икки томони сурат текислигига параллел бўлган квадрат ичига олиниб чизилади. Бош қараш нуридан анча четда бўлган айланалар перспективаси «ағанаб» кетаётгандай чиқиб қолади. Бундай ҳолатларда доиранинг перспектив тасвирини қўлда тўғрилаб қўйиш тавсия этилади.

Гумбазларнинг перспектив тасвирини чизиш мураккаброқ: гумбаз энг характерли баландликларда олинган текисликлар билан кесишган изларнинг (айланаларнинг) юқорида айтилган усул воситасида перспективалари аниқланади. Хосил бўлган овалларнинг чекка нуқталари бирлаштирилиб гумбазнинг ўзи чиқарилади.

Перспектив тасвирни чизаш ҳам ортогонал чизмаларни бажарилгани каби «умумийдан хусусийга» усулига кўра олиб борилади. Чизишда ингичқа чизиклардан фойдаланилади. Бевисита иншоатга тегишли чизиклар кейинроқ ажратиб қўйилади. Ўз ва. тушувчи соялар ҳам кўрилади.

Перспектива композициясида антураж (одамлар, автомобиллар; дов— дарахтлар кабилар) катта аҳамиятга эга. Соялар аниқланиб, антураж чизилгандан кейин бўяшга ўтилади.

Бўёв остида ёрдамчи чизиклар билинар—билинемас кўриниб тўриши топшириқ боҳосини пасайтирмайди, аксинча вазифа тўғри бажарилганлигини тасдиқлаш имкониятини беради.



Бу перспектива – Мой компьютер/Install (D:)/Абдураззоқ ака/SAL PhotoS – файлидан олинган.

V.1. ТАЛАБАНИНГ ИЛК ИЖОДИЙ ЛОЙИҲАСИ

Лойиҳалаш мураккаб жараён бўлиб бу жараён осонлик билан кечмайди. Ҳар қандай иншоотни хоҳ у кичик бир дам оладиган жой бўлсин, хоҳ у бир кичик дўкон бўлсин, хоҳ у турар жой биноси, кинотеатр, театр, завод, фабрика ва ҳоказо бўлсин, қўполроқ қилиб айтганда уни ўйлаб, ижод қилиш орқали яратиш керак бўлади.

Меъморий иншоотга қўйиладиган ҳамма талабаларга функциявий конструктив, бадиий эстетик жавоб бериш ва уларни бир жойга тўплаб кўз олдига келтириши учун талаба (меъмор) меъморий композиция фанини яхши ўзлаштирган бўлиши керак.

Меъморий композиция - латинчада “compositio” – бирлаштириш, тузиш, боғланишдир. Меъморий композиция деб маълум бир қонунга ва инсон маънавий туйғусига асосланган ҳолда иншоотнинг ички ва ташқи элементларини бирлаштириш бино қисмларини ўзаро уйғунлаштирилган, мослаштирилган ҳолда бир бутун яхлит меъморий асар ҳолатига келтириш тушунилади. Меъморий композиция меъморий асарнинг қурилмаси ва охир оқибат инсон ақл идроки, истейдоди, иқтидори, меҳнати, илмининг ҳосиласидир.

Шунинг учун ҳам бу жараён меъморлар ва лойиҳасозларнинг касбий тажрибаларига, илмий ижодий ёндошувларига асосланган ҳолда меъморий мактаб ва олий ўқув муассасаларида 4 босқичда бажарилади. Булар:

1. Ғоя ўйлаб топиш (бўлажак иншоот учун)
2. Эскиз, ғояни қоғозда қораламада акс эттириш
3. Клаузура бажариш. Ана шу эскизни бироз ривожлантириб унинг асосий ўлчамларини қўйиб эркин ҳолда (ўқитувчининг аралашувисиз), текширув иши сифатида бир лист ватманга эркин графикада чизиш.
4. Эскиз ва клаузурага асосланган ва улардаги ҳато ва камчиликларни ҳисобига олган ҳолда оққа қаламда чизиш ва ўқитувчининг кўригидан ўтгандан сўнг у билан маслаҳатлашиб ё чизиқли графикада ёки тонал (тусли) ёки рангли графикада тугатиш.

Лойиҳалаш масканлар ва лойиҳалаш устахоналарида бу жараён бошқачароқ тарзда қуйида келтирилган босқичларда кечади:

а) ўоя-эскиз бажариш; буюртмачи берган жойга, унинг атрофини ҳисобга олган ҳолда, ундан ташқари унинг молиявий аҳволи ва унда бор қурилиш молларини ҳисобига олган ҳолда ғоя-эскиз қилинади ва бу жараён албатта буюртмачининг хоҳиш-истагини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

б) Техник лойиҳа билан буюртмачи, лойиҳага рухсат берувчи масъул ташкилотлар ва шахслар кўриб танишишлари керак. Кейинги босқич осон кечиши учун аввалги босқич, яъни, техник лойиҳа яхши меъморий графика танланиб чизиб тугалланиши керак.

в) Ишчи чизма техник лойиҳага асосланган ҳолда, инженер-конструкторлар билан яқин ҳамкорлик ҳамда оралиқ муҳандислар билан

биргаликда (геолог, электрик, водопровод, канализация мутахассислари, технолог ва бошқалар) чизмалар мажмуаси (альбом) қилиб экспертизадан ўтказиб буюртмачига топширилади.

Учала босқич ҳам лойиҳанинг тушунтириш хати билан бирга топширилади.

Энди буюртмачи ва пудратчининг ўзаро муносабати хусусида. Буюртмачи - маълум бир иншоотнинг лойиҳасини меъморга буюртма берувчи ва унинг ҳаққини тўла-тўқис тўловчи жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин. Пудратчи - ўз навбатида буюртмачи томонидан берилган буюртма асосида иншоотнинг тўла-тўқис лойиҳасини экспертизадан ўтказиб буюртмачига топширувчи (жисмоний ёки юридик шахсдир) меъмордир.

Буюртмачи-пудратчи орасидаги жараён (муомала) қандай кечиши ҳақида қисқача изоҳ. Буюртмачи хоҳ у, хоҳ бу иншоотнинг лойиҳасига буюртма беришдан олдин ўзининг шартлари билан пудратчини таништиради. Бу шартлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1) Бўлажак иншоотнинг аниқ-конкрет жойи кўрсатилади. Унинг атрофидаги иморат ва иншоотларини ҳисобга олинишини айтади. Яъни иншоот қуриладиган жойдаги атроф муҳитни ҳисобга олган ҳолда ва атрофдаги бино ва иншоотларнинг архитектурасини, композициясини ҳисобга олиб лойиҳалаш керак бўлади.

2) Ўзининг имконияти даражасидаги қурилиш ашёларини ҳисобга олинишини айтади.

3) Ўзининг молиявий аҳволини ҳам айтиб ўтади.

4) Иншоотнинг лойиҳаси яратилаётганда, буюртмачи иншоотда яратиладиган қулайликларни албатта унинг истак-хоҳишини ҳисобга олган ҳолда қилиш кераклигини айтади.

Пудратчи ҳам ўз навбатида талаб қилинган лойиҳани буюртмачи талаб қилган шартларга биноан қилиб топширади ва шартномада келишилганидек иш ҳаққини ўз вақтида олишини талаб қилиб олади.

«Кичик меъморий шакллар» ўзларининг функционал жиҳатлари, конструктив жиҳатлари, технологик жиҳатлари, меъморий ечимлари, тарзий ва тархий ечимлари, композицион жиҳатлари ва ҳоказо турли-туман бўлгани каби уларга ишлатиладиган қурилиш ашёлари ҳам турли-тумандир. Ёш меъмор (талаба)нинг асосий вазифаси ана шу қурилиш ашёларини, иншоотнинг ўзига қараб танлай билиши ва уни жой жойига ишлата билишдир.

Қуйида биз кичик меъморий шаклларда ишлатиш мумкин бўлган қурилиш ашёларидан санаб ўтамиз: бетон, темир-бетон, темир, ёғоч, гишт, тош, шлакоблок, тупроқ, алюминий, дюралюминий, ойна, жумладан декоратив ойна, пластик ашёлар, сопол, турли хил сувоқ маҳсулотлари (чет элда ва Ўзбекистонда чиқадиган), тунука, жумладан оқ тунука, шифер, сопол черепица, черепица шаклидаги тунука ва бошқалар.

«Кичик меъморий шакллар» ўзининг функцияси ва конструкциясига қараб ҳар турли бўлиши мумкин. Лекин китоб айнан талабалар аудиториясига мўлжалланганлиги учун, кўзга кўпроқ ташланадиган, кўпроқ ишимиз тушиб турадиган шакллар (иншоотлар) тўғрисида сўз юритамиз. Масалан:

1. Дам олиш жойлари;
2. Болалар ўйин майдончаларидаги айрим шакллар;

3. Кичик сув иншоотлари;
4. Кичик савдо шаҳобчалари;
5. Соябонли дам олиш жойлари;
6. Ҳар турли бекат ва шоҳ бекатлари;
7. Ҳар хил музқаймоқ ва қахва хоналар;
8. Кичик чойхоналар;
9. Шаҳардан ташқарида, рмонларда, дарё бўйларида вақтинча яшашга мўлжалланган уйлар;
10. Гул дўконлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Кичик меъморий шакллари лойиҳалаш поғоналарга (этапларга) бўлинади. Биринчи курсни энди битирган талаба учун бирдан мустақил равишда лойиҳалаш, янги бир иншоот устида ғоя ўйлаб топиш ва уни лойиҳасини амалга ошириш қийин. Ана шунинг учун биз «кичик меъморий шакллари» шартли равишда икки: қуйи ва юқори поғоналарда лойиҳалашни таклиф қиламиз.

Ана шу икки поғонани муваффақият билан босиб ўтиган талаба учун кейинги босқичлардаги лойиҳа ишларини қийналмасдан давом эттиришларига замин яратилади.

I-қуйи поғона топириги: «Функцияси жуда ҳам содда ички муҳитсиз кичик меъморий шакллари»дир.

II-юқори поғона топириги: «Ички муҳитга эга аниқ конструкцияли ва мураккаб функцияга эга кичик меъморий шакллари»дир.

I-қуйи поғона топириги қуйидаги мавзулардан ташкил топган бўлиши мумкин: дам олиш жойи (фаввора атрофида дам олиш жойи ҳамда булоқ ва ҳовуз атрофида дам олиш жойи), кичик кўприклар, чархпалаклар, болалар ўйин майдончалари ва улардаги айрим аттракционлар.

II-юқори поғона топириги қуйидаги мавзулардан ташкил топган бўлиши мумкин: музқаймоқва салқин ичимликлар қахвахонаси; кичик чойхона; шоҳ бекатлар (туманлар аро); овчилар уйи; балиқчилар уйи; гул дўкони.

Лойиҳаларда бажарилиши шарт бўлган чизмалар таркиби ва уларнинг миқёслари қуйидагича.

1. Бош тарх М 1:200, М 1:100
2. Тарх М 1:100, М 1:50
3. Тарз М 1:100, М 1:50
4. Қирқим М 1:100, М 1:50
5. Умумий кўриниш ёки макет

Лойиҳаларни график бажариш услублари турлича бўлиши мумкин.

1. Академик бўяш (отмывка) услуби;
2. Акварел билан бўяш услуби;
3. Туш графикаси услуби;
4. Аэрографика услуби;
5. Тўртала услубдан аралаш фойдаланиш ҳам мумкин.

Лойиҳа битта 55x75 см ўлчамли тахтада бажарилади. Лойиҳаларнинг асосий ўлчовлари, қирқимда асосий баландликларнинг белгилари қўйилиши шарт. Булардан ташқари лойиҳани керакли ёзувлар, яъни, таҳсилгоҳнинг номи,

талабанинг исми-шарифи, гуруҳи ва раҳбарнинг исми-шарифини ёзиш билан тугалланади.

Қуйида биз юқорида қайд этилган топшириқ ва мавзулар билан яқиндан таништирамиз.

Талабалар биринчи курсда жуда кўп фанларни ўзлаштирадилар. Масалан: меъморий лойиҳалаш асослари дарсида-академик ювишни (отмывка), туш графикасини; меъморий композиция дарсида эса меъморчиликдаги метр-ритм, ҳажм-фазовий узвийлик, фронтал композиция, чуқур фазовийлик ва бошқа кўп тушунчалар; меъмория тарихи дарсидан эса, иморат ўзи нимадан иборатлиги, бинонинг конструкцияси ва нимага хизмат қилиши (функцияси), бадий жихатлари, шаҳарсозликдаги роли, унинг тарихи ва бошқа тушунчалари шулар жумласидандир. Ана шулардан сўнг талабалар лойиҳалаш дарсига, яъни «кичик меъморий шакллар» фанига илк қадам қўядилар. Бу лойиҳа биринчи курсдагидан фарқли ўлароқ талабани биринчи бор мустақил ишлашга ундайди.

«Кичик меъморий шакллар» бўйича курс лойиҳаси асосан учта топшириқдан иборат бўлиб, иккинчи курснинг биринчи ярмида тилади. Ҳар бир топшириқ навбатида бир неча хил мавзулардан иборат бўлиши мумкин.

V.2. СОДДА, ИЧКИ МУҲИТСИЗ КИЧИК МЕЪМОРИЙ ШАКЛЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ

1 - топшириқ мавзулари:

1. Дам олиш жойи, фаввора;
2. Шипон булоқ ва ховуз атрофида дам олиш жойи;
3. Кичик кўприклар ва чархпалак;
4. Болалар ўйин майдончаси.

Албатта ҳар қайси профессор, ўқитувчи ёки талабалар бўлсин уларда киши табиатига хос бўлган оддий савол туғилади. Яъни нега айнан шу топшириқдан талаба мустақил лойиҳалашга биринчи қадамни босиш керак. Бу саволга биз баҳоли қудрат жавоб беришига ҳаракат қиламиз.

Айтайлик жаррохликка ўтитилаётган талабага ёки шу мутахассисликни энди битирган табибнинг қўлига юрак хасталиги билан касалланган кишини топшириш мумкин бўлмаганидек ёки ғишт теришни билмаган ёки энди ўрганаётган ғишт терувчига бутун бошлик иморатнинг ғишларни чокқчокига тўғрилаб теришни, яъни иморат деворининг ғулаб кетиш-кетмаслигини шу одамга ишониб топшириб бўлмаганидек, мустақил лойиҳалашга илк бор қадам бўяётган талабага ўта жиддий ҳисобланган яшаш уйларида бошлаб ҳаттоки тўртта устун ва томдан иборат бўлган кичик иншоотларни ҳам бериб бўлмаслиги аниқ.

Демак, аввал уларни аста секин юқоридаги сарлавҳада айтилган жуда ҳам содда функцияли ва ички муҳитсиз кичик меъморий шакллардан бошлаб мустақил лойиҳалашга олиб киришимиз керак. Функцияси жуда ҳам содда деган жумлани биз фақат солиштириш йўли билан тушунтиришимиз мумкин. Яъни мисол учун яшаш уйининг ичидаги вазифаларни олсак бу ерда инсон учун керак бўлган мураккаб меъморий тархий ечимлар ҳар хил инсон учун керакли бўлган қулайликлар ётибдики, бу вазифаларни ҳал қилиш учун меъмор сифатида анча тажриба керак бўлади. Энди кичик бир ховузни олайлик, ана шунинг атрофида кишилар учун яхши дам олишга шароит яратиш керак.

Бизнингча талаба бу ва шунга ўхшаш вазифаларни бажаришда тажрибали ўқитувчининг ёрдами билан қийналмасдан мақсадга эришиш мумкин.

Биз қуйида ўз-тажрибаларимиз бўйича 2-курс талабаларининг ишларидан намуна келтириб, уларнинг салбий ва ижобий томонларини таърифлашга ҳаракат қилдик, лекин бу деган сўз ушбу дарсликни ўқиган талабалар ана шу ишлар ва фикрлардан кўчирма олиши керак деган сўз эмас, аксинча улардан фойдаланишлари ва тўғри хулоса чиқаришлари керак бўлади.

Дам олиш жойи Дам олиш жойини лойиҳалаш учун шаҳар истироҳат боғлари, микорайонлар орлиғидаги бўш бўлган

кўкаламлашган ерлар тавсия этилади. Дам олиш жойини ташкил этиш учун танлаб олиган ер талаба томонидан яхшилаб ўрганилади. Танланган ер қаерда бўлишидан қатъий назар дам олиш жойи ташкил этишда фойдаланилган меъморий шакллар ўша ернинг атроф-муҳити билан композицион жиҳатдан узвий боғланган бўлиши билан бир қаторда конструктив жиҳатдан тўғри ҳал қилинган бўлиши, қурилиш ашёларини танлай билиши ва ғоясини қоғозда тўла акс эттириш лозимдир. Ёш меъморларга юқоридаги талабларга, профессионал меъмор нуқтаи назардан қараб, лойиҳалашни ўрганишдек вазифа қўйилади. Бундан ташқари юқорида мисол келтирилган жойларда фаввора ташкил қилиш, унинг атрофида ҳам дам олиш жойи ташкил қилиш мумкин.

Дам олиш жойи ва фаввораларнинг ўлчовлари қуйидагича бўлиши мумкин:

Дам олиш учун қулайлик яратувчи бирон бир девор сифатидаги ихтиёрий бир шакл бўлиши мумкин. Ашёси ғишт, табиий тош ва бошқа нарсалар бўлиши мумкин. Бу девор мозаика, темир панжара билан безатилиши, ишлов берилиши мумкин. Девор баландлиги 2-3 метргача, узунлиги эса 2-6 метргача бўлиши мумкин.

Дам олиш жойини фаввора билан биргаликда ҳам ташкил этилади. Фавворанинг шакллари турлича бўлиши мумкин. Шунинг учун уларнинг ўлчовлари ҳам мўлжалланган ерга қараб турлича бўлади. Фаввора доира шаклида бўлса, унинг диаметри 1,5 метрдан 8,5 метргача бўлиши мумкин. Дам олиш жойини ташкил этишда ерга тош, бетон плитка, мрамор плиткалар ётғизиш мумкин.

Агар тўртбурчак шаклда бўлса, унинг эни 1 метрдан 4 метргача, узунлиги эса 4 метрдан 8 ёки 10 метргача бўлиши мумкин. Бундан ташқари албатта фаввора бутунлай бошқача шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин (эркин шакллар).

Шийпон (дам олиш жойи) Ўбекистонда жуда кўплаб соя-салқин, сўлим боғлар, истирохат боғлари, хиёбонлар мавжудлиги туфайли юқоридаги вазифани талабаларга бериш ўринлидир.

Шийпон лойиҳасини ҳар турдаги, боғларга ҳамда соя-салқин анхор бўйларига қуриш тавсия этилади. Шийпон лойиҳаси учун берилган жой, атроф муҳити билан композицион жиҳатдан узвий боғланиши билан бирга, конструктив жиҳатдан тўғри ҳал қилиниши, қурилиш ашёлари тўғри ҳал қилиниши, қурилиш ашёлари тўғри танланиши ва ғояни қоғозда тўла акс эттирилиши лозимдир.

Шийпон унча катта бўлмаган, конструкцияси бироз мураккаблашган иншоотдир. У асосан соябон бўлиб, унинг ичидаги ўриндиқларни ўтириб дам олиб, сухбатлашиб ўтиришга мўлжаллангандир. Қурилманинг баландлиги 2.5–3 м бўлиши мумкин.

Ёш меъморларни юқоридаги талабаларга профессионал меъмор нуқтаи назардан қараб, лойиҳалашни ўрганишдек вазифа қўйилади.

Бу мавзуда атрофи очик айвонча-шийпон тасвирланади. Унинг баландлиги 2.5-3м, майдони 4м² дан 30м² гача бўлиши мумкин. Булоғ ва ҳовуз

атрофида дам олиш жойи (сўри билан шийпон). Дам олиш учун яратилган кичик меъморий шакллар шаҳар меъморчилигининг кенг тарқалган ҳамда ажралмас қисми бўлиши керак. Бу шакллар дам олувчиларнинг ёшларига қараб турлича бўлиши мумкин.

- болалар учун дам олиш жойи, катталар учун дам олиш жойи ва ҳоказо. Жойлашган ерига қараб улар қуйидагича бўлиши мумкин:

- табиий булоқлар атрофида: сунъий ҳовузлар атрофида ва ҳоказо.

Бундай иншоотлар асосан истирохат боғларида ҳамда булоқ мавжуд бўлган ерларда мавжуд бўлиши мумкин. Шунинг учун талаба бу вазифани атроф-муҳитга боғлаган ҳолда бажариши зарур. Дам олиш жойининг асосий ўлчамлари қуйидагича:

- Кичик шакл учун ажратилган ер сатхи 1х1 дан то 15х25 гача;
- Ўриндикнинг ўлчамлари: баландлиги 40-50 см: эни 50-60 см узунлиги
- 1.5-3 метр ва ундан ҳам катта бўлиши мумкин;
- Ҳовузнинг ўлчамлари: эни 2.0-5.0 м; узунлиги 3.0-8.0м; чуқурлиги 0.8- 1.5 м бўлиши мумкин.

Кичик кўприклар ва чархпалаклар. Ўзбекистон ҳар хил анҳор ва дарёларга бой бўлганлиги туфайли юқоридаги вазифаларни талабаларга бериш ўринлидир. Кўприк ва чархпалак, унча катта бўлмаган кичик меъморий шакл бўлиб, уларни асосан маҳаллалардан, истирохат боғларидан, одамлар ҳовлисидан ва бошқа жойлардан ўтган, эни тахминан 3-12 метр атрофидаги ариқ ёки анҳорларда ташкил қилиш мумкин. Ёш меъморлар (талабалар) олдида қўйилган вазифа асосан ҳалқ меъморлигига профессионал меъмор нуқтаи-назаридан қараб лойиҳалашдан иборатдир. Яъни иншоотни атроф-муҳит билан композицион жиҳатдан узвий боғлаш билан бирга конструктив, функционал ва бадиий жиҳатдан тўғри ҳал қилиш, қурилиш ашёларини танлай билиш ва ғояни қоғозда яхши акс эттириш лозимдир. Қуйидаги чархпалак ва кўприкнинг асосий ўлчамлари қуйидагича.

1. Чархпалак

а) ариқнинг 3 ёки 6 метр, чуқурлиги 2 ёки 5 метр бўлганда чархпалакнинг диаметри 1.5 ёки 4.5 метр бўлади.

б) сувнинг эни 10 ёки 12 метр, чуқурлиги 4 ёки 6 метр бўлса, чархпалакнинг диаметри 3.5 ёки 5 метр бўлади.

2. Кўприк

а) ариқнинг 3 ёки 6 метр бўлса, кўприкнинг узунлиги 7 ёки 10 метр 1-3 метр бўлади.

б) ариқнинг эни 10 ёки 12 метр бўлса, кўприкнинг узунлиги 14 ёки 16 метр эни 1-6 метр бўлиши мумкин.

Болалар ўйин майдончалари. Болалар ўйин майдончалари мактабгача бўлган болалар муассасалари, микро-ноҳиялар ҳудудида, боғларда, ҳиёбонларда ва бошқа жойларда жойлашиши мумкин.

Болалар ўйин майдончалари – катта бирор-бир болалар ўйингохларининг бир қисминигина ташкил этувчи элемент сифатида

ҳам бўлиши мумкин. Болалар ўйин майдончаларини лойиҳалаш учун берилган жойга қараб (танлаган жойга қараб) майдончага ўйин элементларини белгилаб олиш керак. Ундан ташқари шу ўйин майдончасига мўлжалланган кичик меморий шаклларни уларни вазифасига қараб ҳудудларга ажратиб чиққан маъқулдир, ҳамда шу билан бир қаторда уларни композиция жиҳатидан бирлаштиришга эришиш, фазовий ҳажм узвий боғлиқлигини топишни ва асосийлик, иккиламчилик услубларига тўғри амал қилишни билиш керак.

Болалар ўйин майдончасига кирувчи асосий шакллар мажмуаси ва майдони.


Булар қаторига ҳаракатли ўйинлар учун жихозлар, сирпанчиқли жихозлар, аргимчоғлар: «бекинмачоқ» учун мўлжалланган деворлар ва лабиринтлар: кум билан ўйнаш учун мўлжалланган жахозлар, ҳар хил ховузлар, ўриндиқлар, сўрилар ва бошқалар киради. Болалар ўйин майдончаларидаги шаклларнинг катта-кичиклиги кўп-камлиги, уни ўраб турган атроф-муҳитга қараб ҳар-хил бўлиши мумкин. Масалан: энг кичик майдон 50м^2 дан то $1000\text{-}2000\text{м}^2$ гача етиши мумкин.

Биринчи топшириқ бўйича саволлар:

1. Кичик меъморий шакллар деб қандай шаклларга айтилади?
2. Биринчи топшириққа қандай вазифалар киради?
3. Вазифани бажариш тартиби қандай ?
4. Лойиҳа таркибига нималар киради ?
5. Лойиҳа қандай нисбатларда бажарилади ?

V.3. БАЖАРИЛГАН ИЧКИ МУҲИТСИЗ ШАКЛ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Болалар ўйин майдончаси: Раҳбар: Асқарова Д.А. Талаба: Розиков О.



Лойиҳа ғояси асосига қадимги қасрларга кириш жойини эслатувчи дарвоза асос қилиб олинган. Қадимги қаср дарвозасини эслатувчи болалар майдончаси хиёбонларга, болалар паркларига, турар жой, микрорайонлардаги болалар майдончаларига ўрнатишга мўлжалланган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштириб,

досканинг тепа қисмида тарз (фасад) атроф-муҳити билан кўрсатилган. Унинг пастки қисмида эса тарх, (план) бош план ҳамда перспектив кўриниш ва қирқим атроф-муҳити билан кўрсатилган.


Лойиҳа график усулда тўғри ҳал қилинган. Танланган ранглар тўғри танланган. Лойиҳа доскага тўғри компоновка қилинган. Лойиҳада талаба олдиға қўйилган барча талабларға тўлиқ жавоб берилган.

Талабалар 1-курсданок дастлабки лойиҳа ишларини бажаришға ёрдам берадиган, бир-бири билан узвий боғлиқ фанларни ўрганишади. Меъморий композициядан, графикадан олган билимларини ушбу курс лойиҳасида қўллайдилар.

Талаба Розиков О. графикадан олган билимларини ушбу лойиҳада мохирона қўллаган. Доскага яхшилаб компоновка қилиб чизилган лойиҳага антураж чизил. Антураж чизмадан ажралиб, биринчи планға чиқиб кетиши керак эмас, яъни иншоот архитектурасини кўрсатишға ҳалақит бермаслиги керак.

Фасаднинг атрофини ифодаловчи дарахтлар, иншоот нисбатларига, шакллариға мос келмоғи керак. Дарахт иншоот нисбатларидан катта ёки кичик бўлмаслиги лозим. Танлаб чизиб бўлинган дарахтлар график усулда туш, перо билан чизилади. Лойиҳаға тугаллик беришда антуражнинг аҳамияти катта. Ушбу лойиҳада антураждан унумли фойдаланилган.

Паркка кириш дарвозаси: Раҳбар: Мирюсупова М.Х. Талаба: Садиков И.



Паркка кириш дарвозаси классик усулда бажарилган. Паркка кириш жойининг дарвозаси “роман” услубида бажарилган ёдгорликларни эслатади. Лойиҳа горизонтал ҳолатда жойлашиб дарвоза фасади досканинг тепа қисмида атроф муҳити билан ифода этилган.


Досканинг паст қисмида эса план, бош план, қирқим ҳамда иншоотнинг перспектив кўриниши атроф муҳити билан кўрсатилган. Дарвоза устунлари ғиштдан терилган, панжаралари эса металдан ясалган.

Лойиҳанинг график усулда бажарилиши жуда ҳам тўғри ҳал этилган. Вазифани ифода этишдаги ранглар тўғри танланган. Талаба олдига қўйилган вазифа аъло даражада ҳал этилган. Лойиҳа қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради.

Лойиҳа кўриниши оғир, мустаҳкамлик касб этади. Устунлар пишиқ ғиштдан терилган бўлиб, бу устунлар юзасида бир оз ўйилиб ичкари кирган рельефли арка мавжуд.

Устуннинг тепа қисми устундан сал каттароқ, тепа қисмидан тушиб турган соя ёруғ, ўзига хос кўриниш касб этади. Металлдан ясалган панжаралар ҳам лойиҳага жуда мос танланган.

Лойиҳа антуражи рангли, бўёқда бажарилган. Рангли антураж лойиҳанинг кўринишига халақит бермайди. Аксинча лойиҳа ҳақидаги таассуротни бойитади. Лойиҳа графикаси нозик дид билан бажарилган.



Болалар ўйин майдончаси болалар паркларига, болалар боғчасига, турар жой микрорайонларига қурилиши учун мўлжалланган. Мазкур болалар ўйин майдончаси ёғочдан ишланган шийпончага товуқ оёғига ўрнатилган.

Атроф деворлари баланд-паст ёғоч деворлардан ишланган ўйин майдончаси доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа

қисмида фасад ва қирқим атроф муҳити билан ифода этилган, унинг пастки қисмида эга план, бош план ҳамда перспектив кўриниш атроф муҳити билан ифода этилган.


Лойиҳа график усулда тўғри ҳал этилган. Лойиҳа талаба олдига қўйилган барча талабларга тўлиқ жавоб беради.

Талаба Худойберганов Ш. «Композиция асослари», «Графика» фанларидан олган билимларини мохирона қўллаган. Лойиҳа доскага тўғри компоновка қилинган, бироқ перспектив кўринишни жойлаштиришда бир оз мўлжалдан янглишган.

Иншоот атрофидаги деворнинг пастки қисми жойлашмай қолган. Атрофидаги девор тўлиқлигича тасвирланиши керак эди. Лойиҳага танланган антураж, график усулда яхши ифода этилган. Танланган дарахтлар лойиҳа кўринишига мос келади. Нисбатлари тўғри топилган.

План графикаси ҳам яхши бажарилган. Пандаги дарахтларнинг график ифодаланиши ҳам тўғри. Бош план ва атроф муҳитнинг графикаси яхши ифодаланган.

Кўприк: Раҳбар: Асқарова Д.А. Талаба: Казаков Б.



Кўприкча унча катта бўлмаган ариқларга, анхорларга ёки бўлмаса паркларда сунъий ташкил қилинган ховузларга ўрнатишга мўлжалланган. Болалар паркларидаги унча катта бўлмаган сув

хавзаларида ўтиш жойи ҳамда шийпон вазифасини ўтайди. Шийпон ўтиш жойи Хитой услубида бажарилган.


Лойиҳа доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмига фасад атроф муҳити билан жойлаштирилган. Досканинг паст қисмида эса план ва бош план қирқим перспектив кўриниш билан уйғунликда кўрсатилган. Лойиҳа график усулда тўғри ифода этилган. Фасадни ҳамда перспектив кўринишни ифода этиш учун танланган ранглар бир-бири билан уйғунлаштирилган.

Талаба Казаков Б. Графика фанидан олган билимларини тўлиқ қўллаган ҳолда, лойиҳани жуда нозик дид билан ифода этган. Лойиҳа яхлит бир бутун кўриниш касб этади, у ўтиш жойининг расмини ифодалайдиган чизма кўринишда тасвирланган. Лойиҳада план, қирқим, бош план, перспектив кўринишлар антуражлар билан уйғунликда ифодаланган.

Танланган дарахт, ўсимликлар лойиҳа характериға, масштабига мос келиши керак, акс ҳолда у бегона кўриниш ҳосил қилади. Тўғри танланган антураж иншоот билан яхлитликни ташкил этади. Казаков Б. танлаган дарахтлар лойиҳаға жуда мос келади. Сув, сохил, атроф муҳити жуда мохирона ифодаланган.

Кўприк фасадида Хитой меъморчилиги санъатига хос бўлган аждаҳо тасвири ҳам ўринли қўлланилган. Ушбу кўприкнинг болалар хиёбонларига, паркларға, хайвонот боғларига қурилиши мўлжалланган.


Шийпон: Раҳбар: Асқарова Д.А. Талаба: Кон В.



Шийпон ғояси тўғри ҳал қилинган. Шийпоннинг умумий кўриниши очик турган соябонни эслатади. Шийпон конструкцияси енгил ҳал этилган. Шийпон паркларга, хиёбонларга, болалар майдончаларига ўрнатишга мўлжалланган. Лойиҳа доскага қуйидагича жойлаштирилган: горизонтал ҳолатда досканинг тепа қисмида фасад ҳамда бош тарх жойлаштирилган. Досканинг пастки қисмида план, умумий кўриниш, ундан пастроқда эса қирқим жойлаштирилган. Кампановка тўғри ҳал қилинган дейишимиз мумкин. Аммо лойиҳада бош тархни досканинг пастки қисмида жойлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Лойиҳа график жиҳатдан яхши бажарилган. Танланган ранглар муттаносиблигига эришилган. Умуман олганда лойиҳа талаба олдида қўйилган барча талабларга жавоб беради.

Кузатув майдончаси: Раҳбар: Носирова Д.Р. Талаба: Носиров Ш.



Лойиҳа ғояси жуда ҳам ажойиб ҳал этилган. Ушбу лойиҳа болалар парклариға, болалар ўйин майдончалариға, кўп қаватли турар жой массивларидаги болалар майдончалариға қуришға мўлжалланган.

Лойиҳа ғоясига кўра майдончадан айланасимон зина орқали тепаға кузатув майдончасига кўтарилади. Тепадан эса атроф-муҳитни томоша қилиш мумкин. Лойиҳа ғояси болалар ўйинлариға хос ҳал этилган.


Лойиҳа доскаға горизонтал ҳолатда компоновка қилинган, тепа қисмида перспектив кўриниш ҳамда фасад, бош план уйғунлашган ҳолда жуда ҳам ажойиб ҳал этилган. Пастки қисмида эса қирқим, план жойлаштирилган. Лойиҳани график ҳолда ҳал қилиниши тўғри бажарилган.

Лойиҳа график асида танланган ранглар болаларға хос ҳрғин ранглардан тузилган. Лойиҳа ғояси, унинг доскадаги компоновкаси, график бажарилиши талаба олдиға қўйилган барча талабларға тўлиқ жавоб беради.

Талаба Носиров Ш. графикадан олган билимларини лойиҳани бажаришда мохирона фойдаланган. Лойиҳа компоновкаси ноанъанавий ўзига хос тарзда ҳал этилган. Перспектив кўриниш асосий диққатға сазовор чизма ҳисобланади, фасад, план, қирқим, бош план чизмаларининг ўзаро нисбатлари тўғри танланган.

Лойиҳани ифодалаш учун танланган дарахтлар, ўсимликлар, мохирона ифодаланган. Фасад, ўсимликлар, дарахтлар нисбатлари, уларнинг шакли лойиҳаға мос келади. Лойиҳани доскаға чизиб, бўяб, туш билан ифода этиб бўлгач, унинг ёзувлари, ўлчамлари қўйилади. Лойиҳанинг шаклиға, композициясига қараб шрифт танланади. Танланган шрифт лойиҳа характериға мос келиши керак.

Шийпон: Раҳбар: Мирюсупова М.Х. Талаба: Ковшова Н.




Шийпон лойиҳаси жуда ҳам нозик дид билан ҳал қилинган. Лойиҳа ғоясига боғга мўлжалланган шийпон асос қилиб олинган. Ушбу

шийпон паркларга, боғларага, болалар паркига, ҳайвонот боғларига ва ҳиёбонларда қуришга мўлжалланган. Ушбу шийпонни табиий сув бўйларига ёки шаршаралар олдига ҳам қурса бўлади. Шийпон нисбатлари ҳамда қўлланилган шакллари жуда ҳам яхши ҳал этилган. Шийпонда қўлланилган панжаралар ҳам жуда нозик дид билан танланган. Шийпонга олиб борувчи йўллар сунъий ёритгичлар билан безатилган. Лойиҳа доскага тўғри компоновка қилиниб, вертикал ҳолда жойлаштирилган, тепа қисмига эса фасад атроф-мухити билан тасварлан . Досканинг пастки қисмида фасад, қирқим, бош план ва энг пастки қисмида перспектива кўриниши акс эттирилган. Лойиҳа график усулда жуда ҳам яхши бажарилган. Доска фони бир хил ранг билан бўяб олинган. Фонда фасад ҳамда перспектива шу фонга яқин қилиб бўялиб ажратилган. Лойиҳа ғояси, доскадаги компоновкаси, график бажарилиши жиҳатларидан талаба олдига қўйилган барча талабларга тўлиқ жавоб беради.

Талаба Ковшова Н. «Графика» фанидан олган билимларини мазкур лойиҳада тўла тадбиқ этган. Графика фани талабаларга чизма, лойиҳа, ёзув, сон, дарахт, тош, ғишт ва хоказоларни график усулда қандай ифода этилишини ўргатади. Талаба лойиҳани доскага компоновка қилиб, қаламда чизиб бўлганидан кейин, досканинг ҳаммаси бир хил ранг билан бўяб олинган. Шундан сўнг фасадни аниқлаштириб, яъни бўрттириб кўрсатишга эришилган. Перспектива кўриниши ҳам худди фасаддагидек кўрсатилган. План, қирқим, бош план чизмалари эса бир оз очроқ рангларда ифода этилган. Доскани бир хил ранг билан бўяб олиш ҳам график ифодани бир имкони, ифодаси ҳисобланади. Лойиҳа бажарилиши ўзига хос тарзда ифодаланган. Лойиҳалашга танланган дарахтлар иншоот нисбатларига, шаклларига мос равишда танланган. Антураждан ўринли фойдаланилган.

Шийпон: Рахбар: Асқарова Д.А. Талаба: Сейфитдинов Ф.




Лойиҳа мавзуси учун хиёбонларга қуришга мўлжалланган шийпон танланган. Шийпон шаклан айлана шаклидаги ротондани эслатади. Айлана бўйлаб ўрнатилган устунлар классик усулда бажарилган. Хиёбонга ўрнатилган шийпон сув бўйида қурилишга мўлжалланган. Шийпонга кўприк орқали ўтилади. Вазифа жуда ҳам тўғри ҳал этилган. Лойиҳа доскага вертикал ҳолатда жойлашиб унинг тепа қисмида перспектив кўриниш атроф муҳити билан тасвирланган. Пастки қисмида эса фасад, қирқим, план ҳамда бош план жойлаштирилган. Лойиҳа бажарилиши жиҳатидан бироз ранг тасвир (вазифаси) ишига ўхшаб кетади. Шийпонга кўприк орқали ўтилиши, атрофининг эса боғ эканлиги кўрсатилган. Танланган ранглар табиатдаги рангларга ўхшаш график жиҳатдан жуда ҳам тўғри ва оригинал бажарилган.

Талаба Сейфиддинов Ф. «Графика» фанидан олган билимларидан тўлиқ фойдалана олган. Лойиҳа компановкаси ҳам ўзига хос равишда ҳал этилган. Асосий эътибор перспектив кўринишга қаратилган. Досканинг кўп қисмини перспектив кўриниш атроф муҳити билан эгаллаган. Юқорида айтиб ўтганимиздек лойиҳа кўпроқ рангтасвир ишига ўхшаб кетган. Лойиҳаланаётган шийпон табиат қўйнида, рангли дарахтлар ва боғ қўйнида оқ рангли шийпон ажралиб туриб, ўзига хос кўриниш касб этган.

Лойиҳани ушбу тарзда ифодалаш талабадан тажриба, билим талаб қилади. Ҳар бир талаба ҳам ранглардан эркин фойдалана олмайди. Шийпонга кўприк орқали ўтилади. Сув, сув чегаралари панжара билан безатилган. Сув рангларда ифодаланган. Тарз, план, бош план, қирқим чизмалари кичик нисбатларда, иккинчи планда кўрсатилган. Лойиҳага мос келадиган шрифт билан ёзувлари ёзилган. Танланган шрифт ҳам лойиҳани ифодалашга ёрдам бериши керак.

Сувенирлар сотиш учун мўлжалланган дўконча: Раҳбар: Носирова Д.Р.
Талаба: Морозов С.




Лойиҳа ғоясига асос қилиб кичкинагина сувинирлар сотишга мўлжалланган очиқ дўконча олинган. Дўконча лойиҳаси енгил композицион жиҳатдан ихчам ёғочдан ишланган. Ушбу дўконча савдо марказлари олдиға ёки меъморий ёдгорликлар олдиға брадвейларда қуришга мўлжалланган.

Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойланиб тепа қисмида фасад атроф муҳити билан кўрсатилган. Пастки қисмида қирқим ва бош план, досканинг паст қисмида эса перспектив кўриниш акс эттирилган. Лойиҳа доскага тўғри кампановка қилинган. Лойиҳанинг график ифода этилиши аъло даражада бажарилган. Фасад билан перспектив кўринишни ифода этиш учун, ёғочни ифода этувчи ранглардан фойдаланилган. Талаба ўз олдига қўйилган вазифани тўлиқ бажарган. Вазифа камчиликлардан ҳоли.


Талаба Морозов С. «Графика» фанидан олган билимларини тўлиқ қўллай олган. Лойиҳани ифода этишда асосан тарз билан перспектив кўринишга алоҳида эътибор бериб улар биринчи планда кўзга ташланади. План, қирқим, тарх, бош тарх чизмалари иккинчи планда ифодаланган. Лойиҳада танланган қурилиш материали ёғочдан иборат. Ёғочнинг ранги, фактураси ўта маҳорат билан ифодаланган. Лойиҳа қадимги рус меъморчилигидаги ёғочли турар уйлар, черковларга тақдид қилинган ҳолда бажарилган, айлана шаклидаги ёғочлар михсиз, бир-бирига бириктирилади.

Лойиҳани ифодалашда антуражидан ўринли фойдаланилган. Танланган антураж лойиҳа кўринишига ҳалақит бермайди, аксинча уни тўлдиради. Танланган дарахтлар осуда табиий кўриниш касб этади. Перспектив кўринишда эса дўконча жойлашган майдон текислигига зина орқали тушилади. Текисликдан тушиб, плиткалар ётказилган кўчага ўтилади.




Болалар ўйин майдончаси жуда қизиқарли қилиб ҳал этилган. Лойиҳа ғояси тўғри ҳал қилинган. Лойиҳа ғояси асосида эски оёқ кийими асос қилиб олинган. Эски оёқ кийим асосида болалар ўйин майдончаси ташкил этилган. Лойиҳа доскада тўғри жойлаштирилган. Доска вериткал қўйилган ҳолда тепа қисмига перспектива кўриниши атроф муҳити билан тасвирланган. Досканинг паст қисмида лойиҳа фасади, қиркими, плани ҳамда бош плани тасвирланган. Лойиҳа ранглари яхши танланган. Юмшоқ ранглардан фойдаланилган. График

қисми туш билан ишлаб чиқил. Ёзувлари ҳам лойиҳага мос қилиб ёзилган, умуман олганда лойиҳа ғояси доскага жойлашуви жиҳатидан техник бажарилиши барча талабларга тўлиқ жавоб беради.



Болалар ўйин майдончаси ғояси асосида болаларга хос теремок лойиҳаланган.

Болалар ўйин майдончаси болалар паркларида, болалар боғчаларида, турар жой микрорайонлари болалар майдончаларига қурилишга мўлжалланган. Лойиҳа битта ёпиқ уйча шаклида, унинг тўрт тарафида зиналар бўлиб, улар орқали чиқиб сирпаниб тушишга мўлжалланган. Тўртта зина олдида эса тўлиқ хайкали ўрнатилган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад ва перспектива кўриниши атроф муҳити билан, Пастки қисмида эса план, бош план ва қирқим кўрсатилган. Лойиҳа доскага яхши кампановка қилинган. Лойиҳа графикаси яхши ифода этилган. Танланган ранглар мутаносиблигига эришилган. Ёзувлари ҳам лойиҳага мос танланган. Талабага қўйилган барча талаблар бажарилган. Лойиҳа ҳам барча талабларга жавоб беради.



Дам олиш жойи ўзига хос ҳал этилиб ёғоч ва тошдан қурилган. Дам олиш жойини болалар паркларига қуриш мўлжалланган. Ёғочга ишлов бериб ховузча ва тахта деворга ташкил этилган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилиб тепа қисмига фасад ва қирқим ишланган. Пастга план, бош план, перспектив кўриниш жойлаштирилган. Лойиҳанинг график ифода этилиши бироз конструктив чизмага ўхшаб қолган. Майин, нафис ифода этилмаган. Лойиҳадаги дарахтлар биринчи планга чиқиб қолган.

Ёзувлари ҳам биров қўпол ёзилган. Умуман олганда лойиҳа қўйилган талабларга жавоб беради.




Дам олиш жойи парк, хиёбон болалар парки ёки хайвонот боғларида қуришга мўлжалланган. Декоратив девор ғиштдан терилган, унинг олдида унча катта бўлмаган айлана шаклидаги фавора, унинг ўртасида эса табиий тошлар терилиб керамик кўзалар ўрнатилган биттаси тикка ҳолда икkitаси эса ётқизилган ҳолда ўрнатилган. Кўзанинг ичидан сув чиқиб туради, у эса сунъий шаршарани ташкил этади. ғиштли девор давомида ёғочли панжара ташкил этилган. Фонтан олдида ўриндиқ ташкил этилган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган.

Талаба графикадан олган билимларини, тажрибасини лойиҳа ифодасига тадбиқ эта олган. Лойиҳада бироз мураккаб, яъни бир неча элементларни бир бирига боғлаб, бир бутун композиция тузишга эришилган. Декоратив девор, фаввора, тошлар, керакли кўзалар, ёғоч панжара шуларнинг ҳаммаси бир-бирига боғланиб бир бутун композицион кўринишни ташкил қилган. Буларнинг барчасини график ифодалаш талабадан маҳорат, билим талаб қилади. Талаба лойиҳани график ифодалашда ранглардан унумли фойдаланган. Лекин баъзи бир жойларда бироз бўрттириб, меъёридан сағал ўтказиб юборган.

Фаввора атрофига ўриндиқлар ҳам ташкил этилган. Лойиҳани ифодалаш учун антураждан унумли фойдаланилган. Фаввора ва унинг атрофидаги ўриндиқлар графикада тўғри ифода этилган.

Досканинг тепа қисмида фасад, қирқим, пастки қисмида эса план, бош план ҳамда перспектив кўриниш ифода этилган. Лойиҳа доскага тўғри кампановка қилинган. Лойиҳани график ифодалаш учун танланган ранглар мутаносиблигига эришилган. Лекин фасадда кўзани кўрсатиш учун танланган ранглар бироз тўқлашиб қирқимда эса тошлар билан кўза ранглари тўқлашиб кетган. Умуман лойиҳа тўлиқ бажарилган, у қўйилган талабларга жавоб беради.

Соябон: Рахбар: Носирова Д.Р. Талаба: Ҳамрокулов А.



Соябон лойиҳаси жуда енгил конструкцияли қилиб бажарилган. У очик зонтикни эслатувчи шаклдан иборат. Соябон тагида ўриндиқ. Соябон марказида эса фонтан ташкил этилган. Ушбу соябоннинг хиёбонларга, паркларга, ўрнатилиши мўлжалланган. Соябонни график ифода этиш учун танланган ранглар бир-бири билан боғланган.


Лойиҳа доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад ва қирқим, пастки қисмида эса перспектив кўриниш, қирқим, ундан пастда бош план ва план жойлаштирилган. Ёзувлари ҳам жуда нозик ҳал этилган. Лойиҳа доскага яхши кампановка қилинган. Талаба олдида қўйилган барча талаблар бажарилган.

Талаба Ҳамрокулов А. лойиҳалаш учун керакли бўлган композиция асослари, графика фанларини ўзлаштира олганини намойиш этган. Ҳамрокулов А. эркин фикрлай олади. Лойиҳа ғояси, замонавий қурилиш материалларидан унумли фойдаланган ҳолда, эркин, нозик, замонавий ҳал этилган.

Лойиҳани график тақдим этилиши, танланган ранглар, чизма нисбатлари, кишини ўзига жалб этади. Лойиҳани ифодалашда тарз кўринишига. Перспектив кўринишга кўп эътибор берилган.

Тарзни ифодалаш учун ранглардан унумли фойдаланилган. Лойиҳани атроф муҳитини ифодалаш учун антураждан тўғри фойдаланилган. Танланган дарахтлар лойиҳа нисбатлари, шаклларига ҳалақит бермайди. Аксинча уларни тўлдиради.

Паркка кириш жойи: Раҳбар: Мирюсупова М.Х. Талаба: Алимджанов Р.




Паркка кириш жойи. Парк турли хилда бўлиши мумкин. Ботаника боғи бўлиши мумкин, болалар парки бўлиши мумкин ва ҳаказо.

Ушбу паркка кириш жойи тўртта устун арка билан бирлаштирилган, устун таги платоформага эга. Устунлар атрофи металл панжаралар билан давом эттирилган. Лойиҳа жуда енгил ва нозик бажарилган.

Лойиҳа тушда график усулда бажарилган. Лойиҳа доскада вертикал ҳолатда жойлаш. Досканинг тепа қисмида фасад атроф муҳити билан бирга кўрсатилган. Пастки қисмида план, бош план бирга қирқим, перспектив кўриниш атроф муҳити билан ифода этилган. Лойиҳа ёзувлари ҳам лойиҳага хос мосланган. Ёзувлар ҳам лойиҳани тўлдириб туради. Лойиҳа доскага тўғри кампановка қилинган. Талаба олдига қўйилган барча талаблар бажарилган.

Дам олиш жойи: Раҳбар: Мирюсупова М.Х. Талаба: Торасенко Г.




Дам олиш жойи паркнинг ичида жойлашган. Декоратив девор олдида фонтан ишланган. Дам олиш жойи рельефда жойлашганлиги учун тепага чиқиш жойига зина ташкил этилган. Декоратив девор рангли керамик деталлар билан безатилган. Фонтан ҳам метал пластиналарга ўрнатилган.

Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад атроф муҳити билан кўрсатилган. Досканинг пастки қисмида план, бош план ҳамда перспектив кўриниш атроф муҳити билан кўрсатилган.

Лойиҳа доскага жуда яхши кампановка қилинган.

Лойиҳа графикаси жуда яхши туш билан жуда нозик бажарилган, фасадни ифода этиш учун ранглار мутаносиблигига эришилган. Умуман олганда лойиҳа талабга тўлиқ жавоб беради.

Дам олиш жойи: Раҳбар: Асқарова Д.А. Талаба: Убайдуллаев И.



Дам олиш жойини ташкил қилиш учун «ракушкани» эслатувчи шакл танлаб олинган. Ракушка девори рангли мозаика билан безатилган.

Лойиҳа жуда нозик дид билан тасвирланган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг юқори қисмига фасад, қирқим, пастки қисмига эса план, бош план ҳамда перспектив кўриниш тасвирланган.

Лойиҳа графикаси тўғри ҳал этилган. График ифода этиш учун танланган ранглар мутаносиблигига эришилган. Лойиҳа доскага яхши кампановка қилинган, ортиқча чизиқлар, ортиқча антуражлардан ҳоли. Лойиҳа ёзувлари ҳам бутун бир композицион яхлитликни ташкил этган.

Умуман лойиҳа талабга тўлиқ жавоб беради. Талаба олдида қўйилган вазифа «аёло» даражада бажарилган.


Талаба Убайдуллаев И. графика, композиция, рангтасвир, расм фанларини яхши ўзлаштираётганлигини намоиш этган. Чунки лойиҳа графикаси ўзига ишонч билан, эркин ифодалаган. Ракушкани эслатувчи мозаика билан безатилган.

Мозаикани ифодалаш учун танланган ранглар бир-бири билан мутаносиб танланган. Танланган ранглар тарқоқ эмас, балки бир бутунликни

ташкил этади. Лойиҳада бирор бир ортиқча, ранг, чизик йўқ. Лойиҳа ҳақиқий “мўжаз” кичик меъморий шаклни ташкил этади.


Лойиҳани ифода этишда тарз, перспектив кўриниш биринчи планда кўрсатилган. План, бош план, қирқим чизмалари эса иккинчи планда кўрсатилган.

Болалар ўйин майдончаси: Раҳбар: Пўлатов Х.Ш. Талаба: Тўймурадов Д.



Болалар ўйин майдончаси учун балиқ шаклидаги шакл танлаб олинган
икки шакл ўртаси ярим айлана шакли билан бирлаштирилган. Балиқ оғзига


зина орқали чиқиб, сирпаниб тушишга мўлжалланган. Икки айлана бирлашган жойда эшик ўрнатилган. Эшикдан чиқиб зина орқали иккинчи шаклга чиқилади. Лойиха доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад тасвирланган. Пастки қисмида план, бош план пастки қисмида эса қирқим, перспектив кўриниши билан тасвирланган. Лойихани график усулда ифодалаш учун турли ранглардан фойдаланилган. Турли ранглар эса бир-бири билан уйқунлигига эришилган. Умуман олганда доскага лойиха яхши кампановка қилинган. Талаба олдига қўйилган барча талаблар бажарилган.



Болалар майдончасига ғишт билан металдан қурилган зина орқали чиқиб, сирпаниб қумга тушилади. Болалар майдончаси болалар боғчаларига, болалар паркларига, турар жой микрорайонларига қуришга мўлжалланган.

Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмига фасад, ён фасад, пастида эса план бош план биргаликда перспектив кўриниш атроф муҳити билан бирга кўрсатилган. Лойиҳа график усулда яхши кўрсатилган. Лойиҳани график усулда ифода этиш учун бир-бири билан боғланган ранглар танланган. Туш билан ҳам ишланган. Ёзувлар ҳам яхши танланган. Лойиҳа доскага яхши кампановка қилинган. Лойиҳада талаба олдида қўйилган барча талаблар бажарилган.

Фаввора Раҳбар: Мирюсупова М.Х.Талаба: Мельникова Н.



Фаввора паркларга, хиёбонларга, майдонларга қурилишга мўлжалланган. Фаввора лойиҳаси классик кўринишда ҳал этилган. Фаввора лойиҳасини график усулда ҳал қилиш учун бир хил ранг танлаб олинган. Фасад билан перспектив кўриниш бир хил рангда қирқим ва бош план эса бошқа хил тушда ифода этилган.

Талаба Мельникова Н. графика, композиция, рангтасвир, расм дарсларини яхши ўзлаштира олаётганини намоиш эта олган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Графика» фанида жуда кўп ифодалаш усуллари мавжуд. Талабалар ўзларига ёққан, ўзлари бажара оладиган усуллардан фойдаланадилар.

Ушбу лойиҳа ҳам ўзига хос тарзда ифодаланган. Лойиҳани ифодалашда антураждан унумли фойдаланилган. Танланган дарахтлар фасаднинг


кўринишига ҳалақит бермайди. Фаввора атрофи, майдони графикаси таббий кўриниш касб этади.

Лойиҳани ифодалашда тарз ва перспектив кўриниш биринчи планда ифода этилган. қолган чизмалар эса иккинчи планда ишланган. Талаба Мельникова Н. дастлабки мустақил лойиҳасини аниқ тўғри бажара олган.

Лойиҳа доскада горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад, қирқим, пастки қисмида эса план, бош план биргаликда перспектив кўриниш атроф муҳити билан биргаликда кўрсатилган. Лойиҳа доскага яхши кампановка қилинган.

Лойиҳа ёзувлари ҳам мос танланган. Талаба олдига қўйилган барча талаблар бажарилган.

Фавора Раҳбар: Мирюсупова М.Х. Талаба: Мухторходжаев С.



Фаввора лойиҳаси паркларга, хиёбонларга қуришга мўлжалланган. Фавворалар қурилиши енгил табиий қурилиш материалларидан иборат бўлган.

Мазкур фаввора лойиҳаси паркка қуришга мўлжалланган. Парк худудидаги очик майдонга саккиз қиррали майдон танлаб олинади. Тўрт томонида ўриндиқ ташкил этилган. Саккиз, ярим айлана шакл, унинг ўртасида

эса иккита айлана шакл ташкил этилиб, унинг ҳам ўртасида балиқ, унинг атрофида балиқчалар ўрнатилган.

Талаба Мухторходжаев С. графика, композиция, рангтасвир, расм фанларини яхши ўзлаштира олганини кўрсатади. Фаввора лойиҳаси ўзига хос оригинал ҳал этилган. Унинг асоси саккиз қиррали майдонга ўрнатилган. Унинг ўртасида балиқ ва майда балиқчалар ўрнатилган график усулда яхши ифодаланган.

Талаба антураждан ўрнида фойдаланган. Лойиҳада ортиқча бирор-бир чизик ёки ноўрин тасвирланишни учратмайсиз. Лойиҳа шаклига мос дарахт, ўсимликлар ўринли чизилган. Лойиҳада фасад билан перспектива кўринишига урғу берилган. Биринчи планда фасад ва перспектива кўриниши, иккинчи планда эса план, бош план, қирқим ифодаланган.

Лойиҳани ифодалаш учун ранглар, композицион ечими, антуражи тўғри ҳал этилган. Фавворага ўрнатилган балиқ ва балиқчаларнинг нисбатлари мутаносиблигига эришилган.

Лойиҳа вертикал ҳолатда жойлашган. Досканинг тепа қисмида фасад, пастки қисмида план, қирқим пасткида перспектив кўриниш атроф муҳити билан бирга ифода этилган.

Лойиҳани график усулда ифода этиш учун танланган ранглар мутаносиблигига эришилган. Талаба олдида қўйилган барча талабларга жавоб беради.

V.4. Функция қисман мураккаб ички муҳитли кичик меъморий шаклларни лойиҳалаш

II-топшириқ мавзулари:

1. Дўкончалар.
2. Музқаймоқ ва салқин ичимликлар қахвахонаси.
3. Дала ҳовлили уй.
4. Чойхона, маҳалла чойхонаси.
5. Шох бекат.
6. Овчилар уйи ёки балиқчилар уйи.
6. Гул дўкони ва бошқалар.

Бу топшириқларни бажаришда талаба 1-курсдаги фанлардан ўрганган билимлари, яъни: «меъморий лойиҳа», “меъморий композиция” ва “меъморий графика”дан унумли фойдаланган ҳолда ва улардан фарқли ўлароқ мустақил лойиҳалашга қадам босади. Ана шунинг учун бу топшириқларда иложи борича онсонроқ, тўғрироғи талаба фикрлаши учун қулайроқ мавзулар танланган. Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир соҳа ва ҳунар бўйича ўқишдан ва ўрганишдан асосий мақсад, ана шу олган билимни ёки ўрганган ҳунарини ҳаётга тадбиқ қила олишдир.

Демак, талабалар ҳам биринчи курсдан бошлаб ҳаётда, ишда учрайдиган тўсиқ ва муаммоларга ўрганиб боришлари керак. Ана шундан келиб чиққан ҳолда бу вазифаларни қуйидаги тартибда ўзлаштириш мақсадга мувофиқ деб топдик.

Одатда ҳар қандай иш юритиш қуйидаги оддий тизим орқали олиб борилади.

Буюртмачи ҳар қанақанги иморатнинг лойиҳасини буюрганда, у хоҳ катта хоҳ кичик бўлсин, бундан катъий назар биринчи ўринда қурилманинг аниқ жойини беради. Иккинчидан ана шу қурилмага қурилиш ашёлари бўйича қандай имконияти борлигини айтади. Учинчидан буюртмачи хаттоки қурилманинг тахминан қандай катталиikka ва қандай кўринишга эга бўлишини ҳам айтиб ўтади. Меъмор юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ўз истеъдодини ишлатиб, ажойиб иншоот яратиш керак бўлади. Шунинг учун бу топшириқлардан биринчи қилинадиган иш, талаба ўқитувчи билан бирга у ёки бу учун бирон бир аниқ жой танлайди. Танланган жойга ва берилган мавзуга қараб талаба ғоя ўйлашдан бошлайди. Кейин бўлажак қурилманинг ҳажм-фазовий муштараклигини топишга киришади. Булардан ташқари қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади: бош тарх, тарх ва тарзларни параллел равишда ёки бир вақтнинг ўзида қоғозда эскиз сифатида акс эттириш керак. Бир вақтнинг ўзида у лойиҳанинг композицион ва конструктив жиҳатларини ҳам ҳисобга олиб чизиши керак. Албатта худди ана шу вазифалар билан бир қаторда иншоотнинг қурилиш ашёларини ҳам унутмаслиги керак. Ва охириги ҳамда энг устивор вазифа бу иншоот – инсон учун, унга хизмат қилиши учун яратилиши кераклиги боис у энг аввало ана шу инсонга қулайлик яратишдан иборатдир.

Юқорида келтирилган топшириқларни қайси бири бўлишидан катъий назар лойиҳалаш жараёни уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичдан танланган жойга қараб ғоя ўйлаш, иккинчи босқичда ана шу ғояни эскизлаш,

яъни ғояни қоғозга қоралама услубда тушириш ва клаузура қилиб топшириш, учинчи босқич – у ёки бу ўлчамдаги тахтада бажарилади. Қаламда бажарилган вазифа қуйидаги шартларга боғлиқ, яъни унинг ғоясига, шакл-шамойилига ва нихоят ўлчамларига боғлиқдир.

Лойиҳани тахтада кўнгилдагидек жойлаштирилгандан сўнг унинг қандай вазифалигига қараб ва қанақа чиққанлигига қараб унга меъморий графика услубини танлаш керак бўлади.

Бу услубларни эслатиб ўтамиз: Академик ювиш, Тушъ графикаси, Акварелда бўйш ва Аэрографика услуби.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, лойиҳани тахтага жойлаштиришни ҳам, меъморий графика услубини танлашни ҳам талабанинг ўзи бажаради. Бу ерда ўқитувчининг вазифаси талабага фақат тўғри йўл кўрсата билишдир.

Ички муҳити ва конструкцияси мавжуд функцияси бироз мураккаб кичик меъморий шаклни лойиҳалашга ўтамиз.

Биринчи топшириқни муваффақиятли топширган талабаларда энди сал мураккаброқ топшириқ бажаришга эҳтиёж сезилади. Шунинг учун ушбу топшириқда сарлавхада келтирилган мавзулар талаб қилинади. Кўриб турганимиздек, талаба мустақил лойиҳалаш, яъни ҳақиқий меъмор чўққисига поғонама-поғона, босқичма-босқич унча қийналмасдан эришмоқда. Ушбу топшириққа ҳам талаба биринчи топшириқдагичалик қийналмасдан қадам босадилар. Биринчи топшириқдан фарқли ўлароқ иккинчи топшириқда бинонинг функцияси, яъни вазифаси бироз мураккаблашади. Лекин талаба буни унча сезмайди. Бундан ташқари бу топшириқда бироз бўлсада ички макон пайдо бўлади (интерьер) ва енгил бўлсада конструкция ҳам пайдо бўлади. Бу топшириқда юқоридаги вазифаларни муваффақиятли бажарган талаба лойиҳани юқори баллга топширади деб айта оламиз, уларнинг конструкциясига ҳам таъсир қилади. Буларнинг ҳаммаси эса бинонинг композициясига ташқи кўринишига ва шакли-шамойилига албатта ўз таъсирини кўрсатади.

Дўкончалар (расталар) Ҳаммамизга маълумки Ўзбекистон ўзининг кўли гул ҳунармандлари, косиблари, чеварлари билан бутун дунёга маълум ва машхурдир.

Талабалар олдига мана шу юқорида эсга олинган ҳунармандлар учун ҳақиқий меъмор сифатида кичик-кичик дўкончалар (расталар) лойиҳасини яратиш бериш вазифаси қўйилади. У дўкончалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: Пичоқчи дўкони; Бешикчи дўкони; Сандиқчи дўкони; Тароқчи дўкони; Чархчи дўкони; Телпакчи дўкони; Чегачи дўкони; Тўнчи дўкони; Дўппичи дўкони.

Ўзбекистон ўзининг бозорлари ва бозорларидаги расталари, дўкончалари билан машхурдир. Шунинг учун ёш меъморлар (талабаларнинг) олдига қўйилган вазифа ҳам, асосан ана шу юқорида мисол келтирилган дўконларга профиссионал меъмор нуқтаи-назаридан қараб лойиҳалаш ва иложи борида қулай шароит яратиш

беришдир. Талабанинг ушбу кичик иншоотни атроф-муҳит билан композицион жиҳатдан узвий боғлаши керак бўлади.

Ундан ташқари талаба лойиҳани конструктив жиҳатдан тўғри ҳал қилиб, қурилиш ашёларини билиб ишлатишга ўрганиши керак бўлади. Қуйида дўконларнинг хоналарнинг таркиби ва майдонлари берилган.

1. Бешикчи, сандиқчи, тароқчи дўкончаларида:
 - а) устахона ва махсулот сотиладиган хона $16-20\text{м}^2$
 - б) ёрдамчи хона $6-8\text{м}^2$
2. Темирчи, мисгар, пичоқчи дўконларига:
 - а) устахона ва махсулот сотиладиган хона $20-24\text{м}^2$
 - б) ёрдамчи хона $8-12\text{м}^2$
3. Чегачи чархчи дўкончалар: кўғирчоқ тузатувчи:
 - а) устахона ва махсулот сотиладиган хона $16-20\text{м}^2$
 - б) ёрдамчи хона $6-8\text{м}^2$
4. Косиб дўкони:
 - а) устахона ва махсулот сотиладиган хона $16-20\text{м}^2$
 - б) ёрдамчи хона $6-8\text{м}^2$
5. Тўн, телпакчи, дўппи, қийиқчалар кўшма дўкони: 24м^2
6. Жарида, рўзномалар дўкони $8-10\text{м}^2$
7. Хар-хил патталар дўкони $6-8\text{м}^2$

Булардан ташқари талабалар яна бошқа дўкончалар турларини таклиф қилишлари мумкин.

Музқаймоқ ва салқин ичимликлар дўкони. Ўзбекистонда иссиқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, талабаларга юқоридаги вазифани бериш жоиз деб топилди. Музқаймоқ қахвахонасини лойиҳалаш учун асосан шаҳар ва туман марказлари ёки болалар боғлари, ҳиёбонларга яқин жойларни тавсия этилади. Музқаймоқ қахвахонаси лойиҳаланадиган ер, талаба томонидан яхшилаб ўрганилади. Танланган ер ҳиёбонми, истирохат боғими, ўша ернинг атроф-муҳити билан, ҳажм-фазовий композицион тузилишини узвий боғлай олиш билан бир қаторда конструктив жиҳатдан тўғри ҳал қилиниши ҳамда қурилиш ашёларини тўғри танлай билиш ва ғояни қоғозда тўла акс эттириш лозимдир.

Музқаймоқ дўкони, унча катта бўлмаган ҳамда функцияси содда бўлган иншоот бўлиб, конструктив жиҳатдан унча қийин бўлмаслиги керак. Музқаймоқ қахвахонасини жихозлашда мозайка витраж, керамика, чеканка ёки ёғоч, металл панжаралардан фойдаланилади

Қурилиш ашёлари ва конструкциялари: Табиий тош, ғишт, батон, металл ва бошқа кўп биз тилга олмаган ашёлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Хоналар таркиби ва майдонлари:

1. Савдо хонаси $30-40\text{ м}^2$.
2. Идишлар сақлаш учун хона $9-10\text{ м}^2$.
3. Идиш ювиш хонаси $9-10\text{ м}^2$.

4. Ёзда фойдаланиладиган соябон 30-40 м².

Музқаймоқ қахвахонаси жойлашган боғ ёки хиёбон атрофи кўкаламзорлаштирилишини ва ҳар хил услубларда яъни: табиий тош, ғишт, бетон плиткалар, яна бошқа нарсалар билан йўлаклар жихозланиши керак.

Лойиҳада бажарилиши шарт бўлган чизмалар ва уларнинг миқёсилари:

1. Бош тарх М 1:200, М 1:100
2. Тарх М 1:100, М 1:50
3. Тарз М 1:100, М 1:50
4. Ёирқим М 1:100, М 1:50
5. Умумий кўриниш ёки макет

Лойиҳа битта тахтада бажарилиб, унинг ўлчови 55x75 см. Лойиҳанинг графикаси эркин услубда яъни:

1. Академик ювиш (отмивка) услуби.
2. Акварель услуби.
3. Тушъ графикаси услуби.
4. Аэро-граф услуби.
5. Ва ҳатто тўртта услубдан аралаш фойдаланиш ҳам мумкин.

Тарҳда асосий ўлчамлар ва қирқимда асосий баландликларнинг белгилари (отметка) қўйилиши керак.

Булардан ташқари лойиҳани керакли ёзувлар, тахсилгоҳнинг номи, талабанинг исми-шарифи, гуруҳи ва раҳбарнинг исми-шарифини ёзиш билан тугалланади

Дала ҳовли. Дала ҳовли бу вақтинча яшаб, дам олиб кетишга мўлжалланган уй ҳисобланади. Уни «боғ ҳовли» деб атаса ҳам бўлади. Чунки бу ерга кишилар асосан ёзги таътил вақтларида келиб яшашади ва дам олишади. Бу ерда улар нафақат дам олишади, бу ерда улар ўзларининг «чорбоғлари» билан шуғулланадилар, яъни ҳовлига ҳар-хил мевали дарахтлар ўтказилади, ҳар-хил зиравор ва ош кўкатлари экадилар ва ҳатто сабзаётлар етиштириб қишга консерва ҳам ёпиб оладилар.

Юқоридаги тавсияномани ҳисобга олган ҳолда хоналар мажмуаси ва майдони қуйидагича бўлиши мумкин:

- Меҳмон ёки умумий хона 15-30м²
- Ухлаш хонаси 12-16м²
- Ошхона 8-10м²
- Айвон 12-16м²
- Гараж ва хужра (ер тўлада)

Қурилиш ашёлари ва конструкциялари. Илгариги кичик меъморий шакллар лойиҳасидан бу ўзининг конструкцияси билан фарқ қилади, яъни: бу ерда энди анча етилган конструкциялар ишга тушади. Масалан, бу ерда деворлар пахса, ғишт ва синчли ҳам бўлиши мумкин ёки шифтларга замонавий бетон плиткалар билан бир қаторда ўзимизнинг тўсин-тоқиларни ҳам ишлатса бўлади. Демак, биз замонавий қурилиш ашёлари билан бир қаторда маҳаллий ашёлар ва конструкциялардан ҳам унимли фойдаланишимиз керак.

Лойиҳада бажарилиши шарт бўлган чизмалар ва уларнинг миқёсилари:

1. Бош тарх М 1:200, М 1:100
2. Тарх М 1:100, М 1:50
3. Тарз М 1:50, М 1:25
4. Ёирқим М 1:100, М 1:25
5. Табиий кўриниш ёки макет

Лойиҳа битта тахтада бажарилади, унинг ўлчови 55x75 см. лойиҳанинг графикаси эркин услубда, яъни:

1. Академик ювиш (отмивка услуби).
2. Акварел услуби.
3. Тушъ графикаси услуби.
4. Аэро-график услуби.
5. Ва ҳатто тўртта услубдан аралаш фойдаланиш ҳам мумкин.

Тарҳда асосий ўлчовлари ва қирқимда асосий баландликларнинг белгилари (отметка) қўйилиши шарт. Бундан ташқари лойиҳани керакли ёзувлар яъни таҳсилгоҳнинг номи, талабанинг исми шарифи, гуруҳ ва раҳбарнинг исми шарифини ёзиш билан тугалланади.

Озчиликка мўлжалланган кичик чойхона. Бундай чойхоналар берилишига қараб маҳалла марказларида, ярмаркаларда, гузар масжидларининг ёнида, кичкина бозорчаларда, истироҳат боғларида ва бошқа кўп ерларда бўлиши мумкин. Бу ерда талаба ўқиш давомида «меъморий композиция» асослари фанидан олган билимларини ишлата билишлари керак бўлади. Чунки лойиҳанинг ғоясини топишда ва уни атроф муҳит билан композицион жиҳатдан боғлаш учун ана шу билимлар шубҳасиз керак бўлади. Бу лойиҳа, талабалар композицион ва бадиий жиҳатдан, миллийлик ва замонавийлик жиҳатдан жуда катта имкониятларга эгадирлар. Чунки чойхона иморат сифатида табиатан ўзининг функционал ҳамда ички имкониятларига бойдир.

Қурилиш ашёлари ва конструкцияси: Бу ерда бетон, темир, ғишт ёғоч конструкциялар билан бир қаторда маҳаллий ашёлар ва конструкциялар ишлатилиши мумкин. Масалан: пахса, синч ва бошқалар. Безак ва сувоқ ишларида ганч, тупроқ, глазуранган сопол плиткалар ва бошқалардир.

- Хоналар таркиби ва майдонлари
- қишки хона 30-40 м²
 - Айван 30-40м²
 - Самавархона 10-12м² (мойка билан)
 - Хужра 12м²

Лойиҳада бажарилиши шарт бўлган чизмалар ва уларнинг миқёслари:

1. Бош тарҳ М 1:200, М 1:100
2. Тарҳ М 1:100, М 1:50
3. Тарз М 1:100, М 1:50
4. Қирқим М 1:100, М 1:50
2. Табиий кўриниш ёки макет

Лойиҳа битта тахтада бажарилади, унинг ўлчови 55x75 см. лойиҳанинг графикаси эркин услубда, яъни:

1. Академик ювиш (отмивка услуги).
2. Акварел услуги.
3. Тушь графикаси услуги.
4. Аэро-график услуги.
5. Ва хатто тўрттала услубдан аралаш фойдаланиш ҳам мумкин.

Тархда асосий ўлчовлари ва қирқимда асосий баландликларнинг белгилари (отметка) қўйилиши шарт. Бундан ташқари лойиҳани керакли ёзувлар яъни таҳсилгоҳнинг номи, талабанинг исми шарифи, гуруҳ ва раҳбарнинг исми шарифини ёзиш билан тугалланади.

Овчилар ва балиқчилар уйи. Ўзбекистон шаройида овчилар уйи асосан тоғларда уларнинг ёнбағрларидаги ўрмонларда бўлиши мумкин. Бундай уйларни лойиҳалашда албатта жойнинг шаройитига катта эътибор беришга тўғри келади ва ҳеч қандай қулайликлар, яъни коммуникациялар йўқ бўлса ҳам иложи борица, уйнинг ичида яхши қулайликлар яратиб бериш керак бўлади. Чунки бундай ерларда шаройит оғир бўлади ва яқин атрофда аҳоли яшайдиган жойлар бўлмайди.

Балиқчилар уйи эса асосан катта кўл, денгиз ва дарё бўйларига жойлашади ва бу ерда ҳам юқорида айтилган шароитларни ҳисобга олиб лойиҳалаш лозим бўлади.

Илгариги иккита топшириқдан фаркли ўлароқ бу топшириқда ва айнан шу лойиҳада унинг функцияси анча мураккаброкдир. Атроф муҳит ҳам анча бошқача, яъни иморат асосан табиат қўйнига лойиҳаланади. Демак бу кичик меъморий шаклларда талаба иморатнинг функционал-технологик томонидан биров қийналиб лойиҳаласа, унинг ўраб турган атроф муҳит бепаёнлиги, талабанинг ижод қилишга, ниҳоятда қизиқ лойиҳалар яратишга, катта имкониятлар яратиб беради. Албатта бу ерда ҳам талаба иморатни атроф муҳит билан композицион жиҳатдан фазовий-ҳажм боғлиқлигини топиши керак.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда бу кичик меъморий шакллар қуйидаги хоналардан иборат бўлиши мумкин:

1. Умумий ва ухлаш хонаси бирга 20-30 м²
2. Ошхона ёки ўчоқхона 10-12м²
3. Айвон 16-20м²
4. Хужра 10-12м²
5. Гараж ёки жувозхона (от арава)

Юқорида келтирилган хоналарнинг бир қисмини ертўлага жойлаштириш ҳам мумкин.

Қурилиш ашёлари ва конструкциялари: Бу ерда албатта маҳаллий қурилиш ашёларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, яъни ёғоч ва табиий тош, тупроқдан.


Иккинчи топшириқ бўйича саволлар:

1. Кичик функцияли, ички маконга эга, конструкцияли кичик шакллар нималардан иборат ?
2. Иккинчи топшириққа қандай вазифалар киради ?

3. Лойиҳанинг бажарилиши тартибини қандай вазифа ва талаблар ташкил этади ?
4. Лойиҳа таркиби қандай чизмалардан иборат ?
5. Лойиҳа қандай нисбатларда бажарилади ?.

V.5. БАЖАРИЛГАН ИЧКИ МУҲИТЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҲЛИЛИ

Балиқчи уйи. Раҳбар: Асқарова Д.А. Талаба: Валиева З.




Балиқчи уйи рельефли тоғли сув бўйида жойлашган.

Балиқчилар уйи сув бўйида вақтинча келиб балиқ тутиб, уни куриптиб, яъни дудлаб олиш учун мўлжалланган мўъжаз уйча ҳисобланади. Лойиҳа доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмига узокда фасад ва ён фасад атроф муҳити билан ифода этилган. Пастки қисмида эса қирқим, план ундан пастда эса перспектив кўриниш ва бош план жойлаштирилган. Лойиҳа график усулда жуда яхши бажарилган. Фасад ва перспектив кўринишни ифода этиш учун танланган ранглар жуда уйғун, қолган чизмалар тушда ифода этилган. Ёзувлар ҳам яхши танланган. Лойиҳа

доскага яхши кампановка қилинган. Талаба олдига қўйилган барча талаблар бажарилган. Лойиҳа барча талабларга жавоб беради.

Музқаймоқ қаҳвахонаси Раҳбар: Асқарова Д.А. Талаба: Абдулғани



Музқаймоқ қаҳвахонаси планда олти қиррали қилиб лойиҳаланган. Олти қирра марказидан бўртиб чиққан фонар мавжуд. Музқаймоқ қаҳвахонаси фақат ёпиқ хоналардан иборат. Агар очик хона, яъни ёзги зал мавжуд бўлганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнинг ёзги иқлим шароитимизда паркларда, хиёбонларда жойлашган музқаймоқ қаҳвахонасининг очик хонаси ёки майдон бўлгани яхши. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган.


Досканинг тепа қисмида фасад ва перспектива атроф муҳити билан кўрсатилган. Пастки қисмида план, қирқим, бош план жойлаштирилган. Лойиҳани график усулда ифодалаш учун бир хил ранг, яъни гул ранги танланган. Қолган чизмалар эса туш графикасида бажарилган.

Талаба музқаймоқ қаҳвахонасини бироз Ўзбекистон иқлимига мос равишда лойиҳаламаган. Музқаймоқ қаҳвахонасига асосан ёзги фаслда кўпроқ кишиларни, истеъмолчиларни ўзига жалб қилади. Музқаймоқ ва салқин ичимликлар тановул қилишга келувчилар ёз фаслида ёпиқ хонада ўзларини бироз ноқулай хис қиладилар.

Музқаймоқ қаҳвахонаси тарҳига 6 қиррали шакл танлаб олинган. Музқаймоқ қаҳвахонаси лойиҳасини ифодалашда талаба асосан перспектива кўриниш билан фасад кўринишини биринчи планда тасвирлаган. Иккинчи планда эса план, қирқим, бош план чизмалари акс эттирилган.

Лойиҳани ифодалаш учун фақат бир хил рангдан фойдаланган, қаҳвахона нисбатлари мутаносиблигига эришилган. Танланган антураж меъморий иншоотни кўринишига ҳалақит бермайди.

Умуман талаба олдида қўйилган шартлар бажарилган.




Дала ҳовли лойиҳаси шаҳар ташқарисида оз вақтда келиб дам олиб кетиш учун мўлжалланган уй ҳисобланади.

Ушбу дала ҳовлисини рельефли тоғли жойда қуришга мўлжалланган. Лойиҳа доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад ва перспектива атроф муҳити билан ифодаланган.

Пастки қисмида эса план, бош план, қирқим ва лойиҳа ёзувлари тасвирланган. Лойиҳа умуман доскага яхши кампановка қилинган. Лойиҳа оқ-қора график усулда ифода этилган. Ранглардан холи. Лойиҳани ифода этишда бир оз хатоликка йўл қўйилган, у ҳам бўлса перспектив кўринишни каттароқ қилиб пастда кўрсатиш мумкин эди.

Планни эса кичикроқ қилиб кўрсатиш зарур эди. Ушбу камчиликлар бартараф этилганда лойиҳа аъло даражада бажарилган дейишимиз мумкин эди. Талаба олдида қўйилган талаблар умуман бажарилган.



Дала ҳовлисини тоғли туманларга қурилиш мўлжалланган. Тоғли, рельефли жойга лойиҳаланган дала ҳовлиси ўзига хос замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда лойиҳаланган.

Дала ҳовли ёзда қисқа муддатда келиб дам олиш учун мўлжалланган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад, қирқим, перспектив кўриниш жойлаштирилган.


Талаба Е. Цой графика, композиция, рангтасвир, расм фанларини яхши ўзлаштира олишини кўрсата олган. Лойиҳа тоғли туманда рельефда жойлашган. Лойиҳа графикаси кескин, ёрқин рангларда ифодаланган. Одатда перспектив кўриниш, ёки макет ясаш талаб қилинади.

Ушбу лойиҳада аксонометрик кўриниш акс этирилган. Лойиҳа ортиқча антуражлардан ҳоли. Иншоот нисбатларида мутаносибликка эришилган.

Лойиҳа ёзувлари ҳам иншоотга мос танланган. Одатда фасад билан перспективага эътибор бериш керак бўлади. Уларни биринчи планда ифода этилади, қолган чизмалар, яъни план, қирқим, бош план иккинчи планда ифодаланган.

Досканинг пастки қисмида аксонометрия, план ва бош план жойлаштирилган. Лойиҳа бироз кескин рангларда бўялган, доскага яхши кампановка қилинган. План чизилганда девор қалинликлари туш билан бўялиши керак эмас эди.

Умуман олганда лойиҳа талабга жавоб беради. Талаба олдида қўйилган талаблар асосан бажарилган.




Лойиҳа ғояси асосига кўра кичик маҳалла ёки паркларга мўлжалланган чойхона лойиҳаси ётади. Ушбу чойхона сув бўйида, парк худудида жойлашган бўлиши мумкин. Конструкцияси асосан ёғочдан

ишланган. Лойиҳа режасига кўра битта қишги зал ва бир неча ёзги очик, сувга тушиб турувчи айвончалардан иборат. Лойиҳа доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмига фасад жойлаштирилган. Доска марказида эса перспектив кўриниш тасвирланган. Досканинг паски қисмида эса план, қирқим ва бош план чизилган. Лойиҳа графикаси тўғри бажарилган. Лойиҳани бажаришда ранглардан тўғри фойдаланилган. ёзувлар ҳам шарқона, эски араб ёзувига ўхшатиб ёзилган. Умуман олганда лойиҳа талабга тўлиқ жавоб беради.

Талаба И. Борунов композиция асослари, графика, рангтасвир, расм фанларидан олган билимларини лойиҳа ифодасида қўллай олган. Лойиҳа доскага ўзига хос тарзда жойлаштирилган, яъни перспектив кўриниш доска марказида жойлашган. Шарқона чойхоналар Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шароитига мослаб лойиҳаланади, қурилади.

И. Борунов томонидан лойиҳаланган ушбу чойхона ҳам сув бўйида, жойлашган яъни чойхона ярими сувга тушиб туради. Устунлар сув устида чойхонани кўтариб туради. Бу эса ўз навбатида чойхонага келиб дам олувчиларга анча қулайликлар яратади. Чойхонанинг қурилиш материали ёғоч. Ёғоч фактураси, ранги яхши топилган. Лойиҳаланаётган чойхона нисбатлари мутаносиблигига эришилган. Лойиҳада асосий урғу перспектив кўринишга қаратилган. Лойиҳани ифодалашда антураждан ўринли фойдаланилган. Танланган антураж иншоотнинг кўринишига ҳалақит бермайди.

Балиқчилар уйи Раҳбар Асқарова Д.А. Талаба Ан Н.



Лойиҳа ғояси асосида сув ҳавзалари, оқар сувлар, анҳорлар, денгизлар бўйларида қурилиши мўлжалланган кичик, мўъжаз балиқчилар уйи лойиҳаси ётади. Лойиҳа жуда нозик, енгил конструкцияли қилиб ҳал этилган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмига фасад атроф-муҳити билан бирга ҳал этилган. Қуйи қисмида план, қирқим, энг пастки қисмида эса макет жойлаштирилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, талаба ихтиёрига қараб перспектив кўриниш ёки макет ишланади.

Лойиҳа графикаси яхши бажарилган. Ранглар тўғри танланган. Ёзувлари лойиҳага мос ҳолда танланган. Вазифа тўлиқ талабга жавоб беради. Талаба ўзининг олдига қўйилган вазифани тўлиқ бажара олган.

Овчилар уйи Раҳбар: Носирова Д.Р. Талаба: Морозов С.



Лойиҳа ғояси асосида ўрмонларга мўлжалланган овчилар уйи лойиҳаси ҳал этилган. Овчилар уйи лойиҳаси талаба томонидан ўзига хос енгил конструкцияли қилиб лойиҳаланган. Лойиҳа доскада жуда яхши компоновка қилинган. Доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган.

Досканинг тепа қисмида фасад, план сал пастрокда қирқим, пастки қисмида план лойиҳа номи жойлаштирилган. Досканинг қуйи қисмида эса бош план ва перспектив кўриниш атроф муҳити билан тасвирланган.

Лойиҳани тўлиқ бажаришда график ва бўёвдан тўғри фойдаланилган. Вазифа тўлиқ талабга жавоб беради. Талаба ўзи олдида қўйилган вазифани тўғри ҳал эта олган.

Толиб Морозов С. композиция, графика, рангтасвир, расм фанидан олган билимларини ўзининг лойиҳасини ифодалашда қўллай олган. Лойиҳа доскага мужассам, ихчам жойлаштирилган. Асосий урғу лойиҳада макетга берилган. Фасад қисми ҳам график жиҳатдан ажратиб кўрсатилган. Лойиҳа фасади ортикча антураждан ҳоли тасвирланган.

Иншоот нисбатлари яхши топилган. Лойиҳани ифодалашда ранглардан ўринли фойдаланилган. Ён кўриниш ҳам рангда кўрсатилган, қолган чизмалар иккинчи планда кўрсатилган. Бош план атроф муҳити билан биргаликда, аниқ кўчалар, йўллар, дарахт, ўсимликлари билан биргаликда кўрсатилган.

Лойиҳа ёзувлари ҳам лойиҳага мослаб ёзилган. Лойиҳа ғояси замонавий бино сифатида, замонавий қурилиш материаллари ёрдамида қурилишига мўлжалланган.

Дала ҳовли Раҳбар: Носирова Д.Р. Талаба: Яковлев Ж.



Дала ҳовли шаҳар ташқарисидаги сўлим баҳаво жойларда қисқа муддат дам олиб қайтиш учун мўлжалланган. Дала ҳовли унча катта бўлмаган асосан битта дам олиш хонаси, ётоқхона ва ошхонадан иборат.


Ушбу дала ҳовли ўзига хос тарзда ҳал этилган. Лойиҳа доскага горизонтал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмига план, бош план, қирқим атроф муҳит билан жойлаштирилган.

Досканинг пастки қисмида эса фасад ва перспектива кўриниши атроф муҳити билан тасвирланган. Лойиҳа графикаси жуда маҳорат билан бажарилган. Танланган ранглар уйғунлиги топилган. Лойиҳа талаба олдига қўйилган барча талабларга жавоб беради.

Талаба Ж. Яковлев композиция, графика, рангтасвир, расм фанларидан олган билимларини ўз лойиҳасида мужассамлаштира олган. Лойиҳа ўзига хос тарзда бажарилган. Лойиҳа графикаси ҳам ажойиб ҳал этилган.

Лойиҳада асосий эътибор макетга берилган. Макетда талаба рельефли жойни яхши кўрсата олган. Лойиҳа фасад ҳам бир-бири билан мутаносиб рангларда ифода этилган. Лойиҳада биринчи планда фасад ва перспектива кўриниши ифодаланган. Лойиҳадаги план, қирқим чизмалари иккинчи планда чизилган. Лойиҳа ғояси жуда ажойиб, ғайри табиий, замонавий ҳал этилган.

Лойиҳа одатда оқ ватманга чизилади. Ж. Яковлев сариқ рангдаги қоғозга чизган. Доскага яхши компоновка қилинган чизмаларни чизиб бўлиб, досканинг ҳаммасини бир хил рангга бўяб олган. Макетда рельефни кўрсатиш учун қоғозни ғижимлаб ифодалаган. Лойиҳа оригинал тарзда ноанъанавий тарзда талқин этилган. Талаба Ж. Яковлев лойиҳа ғоясидаги барча фикрларини графикада яхши ифодалай олган.



Музқаймоқ қахвахонаси битта қишки ёпиқ зал ва очик ёзги хонадан иборат. Лойиҳа конструкцияси енгил ёғоч ва ғиштдан иборат. Лойиҳа содда ва оддий бажарилган. Лойиҳани ифода этиш учун ранглардан фойдаланилган эмас. Лойиҳа тушда график усулда бажарилган.

Лойиҳа доскага вертикал ҳолатда жойлаштирилган. Досканинг тепа қисмида фасад атроф муҳити билан ифода этилган, пастки қисмида эса план, қирқим ундан кейин эса бош пла, перспектив кўриниш атроф муҳити билан ифода этилган.

Лойиҳа доскага яхши кампановка қилинган. Лойиҳа ёзувлари ҳам нозик лойиҳани тўлдириб турувчи бир бутун композицияни ташкил этади. Лойиҳа талаба олдига қўйилган барча талабларга жавоб беради.

Талаба Юнусов С. композиция, графика, рангтасвир, расм фанларини ўзлаштирганлигини намоиш қилган.

Музқаймоқ қаҳвахонаси Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитига мослаштирилган, яъни қишки ва ёзги хоналаридан иборат. Музқаймоқ қаҳвахонаси лойиҳасига қараб, дарров унинг қаҳвахоналигини аниқлаш қийин.

Лойиҳа жуда примитив, содда, ташқи кўриниши жиддий тасвирланган. Бирор бир безаклардан ҳоли. Уни график ифодалашда ҳам бир-бир бўйёқлардан фойдаланиб, ранглар ҳисобига уни бировз енгил кўринишга келтириш мумкин эди.

Лойиҳа оқ-қора рангда туш билан бажарилган. Лойиҳа ёзувлари ҳам жиддий лойиҳага мос танланган. Лойиҳа нисбатлари, антураж мутаносиблигига эришилган.

V.6. Кичик шаклларни лойиҳалаш аҳамияти

Кичик меъморий шакллар бўйича курс лойиҳаси талабаларга энг содда меъморий иншоотларни лойиҳалашни ўргатади. Талабалар эскизлар чизиш, композициядан кўпдан-кўп машқлар қилиш орқали, ижодий йўл билан бўлажак иншоотнинг лойиҳавий моделини (шаклини) яратишни ўзлаштиради. Ижодий ўзига хосликни ривожлантириш, эстетик ва бадиий кўникма пайдо қилиш, фазовий тарзда фикр юритишни шакллантириш, график жиҳатдан уста бўлиш, ижодий дунёқарашнинг шаклланишини таъминлаб бериш ва ҳоказо. Шуларнинг ҳаммаси меъморий лойиҳалаш асослари фанининг асосий мақсади ва вазифасидир. Бунда қурилиш ашёлари ва конструкциялари тўғрисидаги тушунча ҳам пайдо бўлади. Юқорида келтирилган «Кичик меъморий шакллар» ўзларининг функционал, конструктив ва технологик жиҳатлари, меъморий тарзий ва тархий ечимлари, композицси ва ҳоказо жиҳатлардан турли-туман бўлгани учун уларга ишлатиладиган қурилиш ашёлари ҳам турли-тумандир.

Ёш меъмورнинг асосий вазифаси ана шу қурилиш ашёларини, иншоотнинг ўзига қараб танлай билиши ва уларни жой-жойдга ишлата билишидир. «Кичик меъморий шакллар» ҳақида қисқача тушунча шундан иборатки, бунда «кичик» - деган сўз, унинг бошқа иншоотларга нисбатан кичикроқ бўлганиги учун айтилган сўз бўлиб, маъно жиҳатдан ҳеч бошқа иншоотлардан қолишмайди. Яъни ҳар қандай иншоотни хоҳ у кичик бўлсин, хоҳ у катта бўлсин унинг ғоясини ўйлаб топиш керак бўлади. Бу эса осон жараён эмас. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, «Кичик меъморий шакллар» бошқа иншоотларга нисбатан анча кичик бўлганлиги учун, унинг лойиҳасига нисбатан камроқ вақт кетади ва талаба ўзининг биринчи қадамини ана шу топшириқдан бошлаши тўғри бўлади.

«Кичик меъморий шакллар» нинг шаҳарсозликда ўз ўрни бор. «Кичик меъморий шакллар» ни берилган жойнинг шарт-шароитига, атроф муҳитга композицион жиҳатдан узвий боғлаш меъморнинг маҳоратига, билимига ва иқтидорига боғлиқдир. «Кичик меъморий шакллар» икки босқичда бажарилади. Биринчи курсни энди битирган талаба учун бирдан мустақил равишда лойиҳалаш, янги бир иншоот устида ғоя ўйлаб топиш ва унинг лойиҳасини амалга ошириш қийин. Ана шунинг учун «Кичик меъморий шакллар» шартли равишда икки босқичда лойиҳаланади. Биринчи босқич вазифаси «Функцияси жуда ҳам содда ички маконсиз кичик меъморий шакл» ни лойиҳалаш. Буларга дам олиш жойи, булоқ ва ҳовуз атрофида дам олиш жойи, кичик кўприклар ва чархпалаклар, болалар ўйин майдончалари киради. Иккинчи босқичда «Ички маконга эга аниқ конструкциявий ва мураккаб функцияга эга бўлган кичик меъморий шакллар» ни лойиҳалашни киритиш мумкин. Буларга дўкончалар, музқаймоқ ва салқин ичимликлар қаҳвахонаси, дала ҳовли, озчиликка мўлжалланган кичик чойхона, овчилар ва балиқчилар уйи киради.

Талабаларни меъморий лойиҳалашга ўргатиш жараёни оддий содда шакллардан бошланади, кейинчалик улар ўзларининг функционал тузилиши, ўлчамларининг катталашиши ва конструктив асосининг мураккаблашиши ва

лойиҳаланаётган иншоотнинг такомиллашиб бориши билан характерланади. Шуларни ўрганган талаба тобора қурилиш амалиётига, реал лойиҳалашга кўникма ҳосил қилади. Меъморий лойиҳалаш курсида талаба олдида унча катта бўлмаган иншоотни лойиҳалаш ва функционал унча мураккаб бўлмаган вазифалар қўйилади, яъни конструктив содда, бош тархда эркин жойлаша оладиган иншоот бўлиши керак.

Ушбу дарсликда талабалар учун меъморий лойиҳа ҳақида тушунча, кўникма, лойиҳалашнинг нимадан бошланиши, унинг ўлчамлари, нисбатлари ҳақида тушунчалар бериб, қурилиш материаллари ҳақида тасаввур ҳосил қилади ҳамда талабалар курс ишларидан намуналар келтирилиб, уларнинг таҳлили берилган. Дарсга яхши қатнашма олмаган талаба дарслик билан танишиб, меъморий курс лойиҳасини қандай бажариш кераклиги ҳақидаги барча саволлар юзасидан тўлиқ маълумотга эга бўлиши мумкин.

VI-қисм. Мустақил ишларнинг мазмуни, мавзулари ва шакллари

Талабалар **мустақил ишининг мақсади** талабаларнинг мазкур фандан олган назарий билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдир. Талабалар **мустақил ишининг вазифалари** эса куйидагилардан иборат:

- фанга доир билим ва кўникмаларни кенгроқ мустақил тарзда пухта ўзлаштириш;
- талабаларда ўзининг маҳорати ва билимини мустақил равишда ошириш имкониятини яратиш;
- керакли маълумотларга эга бўлишнинг қулай усуллари ва воситаларини ахтариш;
- ахборот манбалари ва марказлари, интернет тармоғидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув адабиётлари билан яқиндан танишиш ва маълумотлар банки билан ишлаш.

Мустақил ишни бажаришда **ахборот манбаи** сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатма ва қўлланмалар, маълумотлар банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, интернет тармоқларидаги мақсадга тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар ва бошқалар хизмат қилади.

Мазкур фандан бажариладиган мустақил иш ҳар уччала семестрда ҳам икки. 55x75 см ўлчамдаги планшетда бажарилган график иш ёки реферат иш-реферат - албом тарзида бўлиши мумкин. Реферат – албом тарзидаги мустақил ишнинг таркиби матн, расм ва чизмалар, схема ва фотолардан фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан тузилади. Ишнинг ҳажми қўлёзма ҳолида расм ва чизмалари билан бирга 10-12 бетдан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқдир.

- 1- График тарзидаги мустақил иш бўйича талабалар ҳар уччала семестр давомида биттадан уч семестрда (варақларда ёки планшетларда) машқ топширадилар. семестрда мустақил иш сифатида Хива устун чизмаси ёки “Менинг иш хонам ” (ўз хонасидаги ёки институтдаги) ўлчов чизмаси қўлда бажарилади.
- 2- семестрда мустақил иш сифатида муқарнасли устун каллаги чизмаси қўлда бажарилади.
- 3- семестрда мустақил иш сифатида талаба бажарган кичик меъморий шакллар иккала лойихаларнинг компьютер версияларини албом тариқасида ёки иккала кичик меъморий шакллар лойихаларининг аудиторияда бажарган вариантларидан бошқа вариантларини бажарадилар.

Мустақил иш (машқ) семестрнинг охирида 20 - ҳафтада топширилади.

Умумлашган Хива ордерини чизиш. (1-семестрдаги график шаклидаги мустақил иш). Топшириқ А3 (30x42 см) ўлчамли қоғозда, вертикал ҳолатда, ўнинчи масштабда (М 1:10) бажарилади. Хива ордерининг нисбатлари Коринф ордериға яқинлиги ҳамда у билан қиёслаш учун биргаликда чизилади. Ордерларнинг баландлиги қоғозда 410,4 см қилиб олинади. Бу ўлчам М 1:10 масштабда Хива ордерининг ҳақиқий ўлчамиға – 410,4 см ифода этади.

Коринф ордери қабул қилинган тартибда 19 бўлакли чизиққа нисбат қилинган ҳолда бажарилади. Хар бўлак 21,6 см ни ифода этади.

Хива ордери Рим ордерлари каби курси, устун ўзаги ва ёнма (антаблемент) қисимларидан иборат. Курси учун 3 бўлак ($21,6 \text{ см} \times 3 = 64,8 \text{ см}$), устун ўзаги учун 13 бўлак ($21,6 \text{ см} \times 13 = 280,8 \text{ см}$) ва ёнма учун 2 бўлак ($21,6 \text{ см} \times 2 = 43,2 \text{ см}$) ажратилди.

Курси ва устун ўзаги ўққа нисбатан симметрик тарзда чизилади.

Курси ҳам уч: пастки, ўрта ва тепа қисмларидан иборат. Тарҳда курсининг пастки қисми квадратдан, ўрта қисми саккизёнликдан ва тепа қисми доирадан иборат. Устун ўзагининг асосий қисми кесик конус шаклидир, энг пастки қисми устун бўйни (цилиндр) ва кўзагидан ташкил топган. Кўзагининг радиуси бир модул деб қабул қилинади. Модулни аниқлаш учун устун ўзагининг баландлигини 18 га бўлиш керак ($280,8 \text{ см} : 18 = 15,6 \text{ см}$).

Курси ва ўзакни чизишда вертикал ўлчамлар (баландликлар) ва горизонтал ўлчамлар (квадрат томонлари ва диаметрлар) жадвалларға мувофиқ олинади (ўлчамлар - сантиметрларда)

Т.Р	Ордернинг қисмлари	Баландликлар	Тарҳ шакли ва ўлчами
1.	Курсининг пастки қисми: тағ сатҳи	$^+ - 0,00$	квадрат - 35,0
2.	устки сатҳи	28,8	квадрат - 32,0
3.	Курсининг ўрта қисми: тағ сатҳи	28,8	саккизёнлик - 32,0
4.	устки сатҳи	59,0	саккизёнлик - 20,0
5.	Курсининг юқори қисми (тағ ва устки сатҳлари)	59,0-64,8	доира - 20,0
6.	Устун: бўйни (тағ ва устки сатҳлари)	64,8-75,0	доира - 10,0
7.	Кўзаги (тағ ва устки сатҳлари)	75,0-89,0	доира - 31,2
8.	Ўзаги (тағ ва устки сатҳлари)	345,6	доира - 18,0
9.	Ёнма (антаблемент): боша (устки сатҳи)	367,2	-
10.	тўсин (устки сатҳи)	388,8	-
11.	том (устки сатҳи)	410,0	-

Курсининг ўрта қисми саккизқирралик ёнлари ботик ҳажмдан ташкил топган. Унинг ён чизиқлари (қирралари) туташма тариқасида чизилади. Туташма 52,0 см баландликда радиуслари 16,0 см (юқорида) ва 45 см бўлган ёйлардан иборатдир. Бошқа қирралари қуйидагича чизилади. Курси ўрта қисмининг тепа, энг ингичка ва пастки асослари текисликдаги чизиқлари (мос равишда 28,0 см, 52,0 см ва 64,8 см баландликларда) 14 тенг қисмчаларға

бўлинади. Хар баландликда ён томонларидан 4 қисмчалар ажратилиб равон бирлаштирилади.

Ёпма чизмасида пастдан юқорига қараб боша, тўсин ва том учун ҳар бирига бир бўлакдан (21,6 см дан) жой ажратилади.

Боша Хива устунида ўта мураккаб ва безакли унсурдир. Унинг умумий кўринишини чизиш учун 345,6 см ва 367,2 см баландликларда вертикал томони бир, горизонтал томони уч бўлакдан иборат ётиқ тўртбурчак олиниб квадратчалар чизилади. Квадратчаларнинг томонлари бир бўлакнинг бешдан бир қисмига текислаштириб олинади. Бошанинг олддаги кўриниши радиуслари уч ва уч ярим квадратчалар томонларига тенг бўлган чорак айланали икки ўйиқ чизилади.

Тўсин чизилиши содда. У 367,2 см ва 388,8 см баландликларда жойлашади. Ўртасидан чизик ўтказилади.

Том 388,8 см ва 410,4 см баландликларда жойлашади. Унда бир бўлакка (21,6 см) тенг бўғот (карниз) чиқарилади.

Хива ордери ўзининг нисбатлари жиҳатидан Рим ордерларидан бўлган Коринф ордерига яқиндир. Иккала ордернинг ҳам кўриниши қўлланиладиган ашё билан боғлиқ. Коринф ордерида – тош, унда мустаҳкамлик ифода этилган; Хива ордерида – ёғоч, унда нафислик ифода этилган. Хива ордерини умумий кўринишда чизиш бўлажак меъморлар учун фаннинг дастлабки топшириғиданоқ миллий меъморчиликни ўзлаштириш имкониятини беради. Ундан ташқари Хива ордерини аниқ масштабда (М 1:10 ёки М 1:20) чизиш, талабалар томонидан нафақат мавҳум (бўлак ва модулар) балки улар учун ўзлаштириш одатда оғир кечадиган аниқ метрологик (м, см, мм каби) ўлчовларни масштабга туширилишини ўрганадилар.

Муқарнасли устун каттагини тасвирлаш (2 – семестрдаги графика шаклидаги мустақил иш). Ўрта Осиё қадимги меъморлигида муқарнасли устунлар кенг ишлатилган. Юнон ва Рим ордерларини ўргатишда ҳозирги меъморий таълимда етарли даражада тажриба бор. Улар чизмаларини (ортогонал проекцияларини, сояларини, перспективасини) ишлаш услублари дарсликларда кенг ёритилган. Аммо чизма материалларининг камчилиги, чизиш услубларининг ёритилмаганлиги туфайли "Архитектуравий лойиҳалаш асослари" таҳсилида маҳаллий устун — тўсинли каллақлар (капителлар) деярлик қўлланилмай келинган. Мазкур қўлланма қисми муқарнасли устуи каллақларини чизишга бағишланган.

Муқарнасли устун каллақларнинг асоси — устун ўзагининг тепаси одатда 6, 8, 12, 16га тенг, кўпбурчаклардан иборат бўлади. Муқарнаслининг кирралари ҳам асосидаги кўпбурчакларга мос равишда ишланади. Демак, муқарнасли устун ўзагини конструктив ва баддий жиҳатдан давом этдиради, уни ривожлантиради. Бу билан дор, ион, корииф ва композит ордерларидаги каллақ билан ўзак оралиғидаги бўйин (шейка) йўқлиги билан фарқланади. Бу ерда каллақ ва ўзак орасида узилиш йўқ.

Муқарнасли каллақнинг чизмасини бажариш учун қуйидагилар амалга оширилади.

1. Тик (вертикал) йўналиш бўйича каллақнинг алоҳида — алоҳида ўлчанган баландликлари қўйлади. Агар чизма натурандан бажарилаётган бўлса ўлчамлар шовун, туғри учбурчак чизгич ёрдамида координат усулида олинади; текшириш учун умумий баландлик ўлчанади; айрим баландликларнинг йиғиндиси умумий баландликка тенг бўлиши керак. Агар чизма увраждан бажарилаётган бўлса юқорида кўрсатилган рим —юнон ордерида қилингани каби кўчирилади.

2. Уфқий (горизонтал) йўналиш бўйича устун ўзагидаги кўп томонли муқарнасли асосидаги кўпбурчакликнинг томони ҳамда муқарнасли тарҳида ҳосил бўладиган юлдузларнинг томонлари қўйилди. Муқарнасли равоқларининг шаклдор кирралари (профиллари) хитой қоғозга (калкага) кўчирилади. Кўпбурчакларнинг ва юлдузларнинг томон ва кирралари саналади. Ушбу ўлчамлар ва сонлар муқарнасли устуи каллагини чизиш учун етарли.

Бироқ устунни ушлаб турган тўсин, унинг тагидаги “Қош” (“Боша”) деб аталган конструкция ва устун ўзагининг тепа қисмида ҳам ўлчов умумий қоидаларига биноан қўйилади. Бу ўлчамларсиз чизма тўлиқ бўлмайди. Устун ўзагини ўлчашда у одатда пастга қараб кенгайиб боришининг акс этдирилишининг лозимлигини назарда тутиш керак.

Чизиш "умумийдан хусусийга" услуби бўйича олиб борилади. Чизма жараёнини уч асосий босқичга ажратса бўлади.

1 — босқичда умумий, йирик ишлар бажарилади. Аввал тарзнинг симметрия ўқи ва тарҳнинг маркази белгиланади. Ўқда устун каллагининг баландликларни ёрдамчи уфқий чизиқлар билан кўрсатилади. Каллақ тепасидаги тўсин, қош ва пастдаги устуи ўзгининг тепа бўлаги ҳам кўрсатилади; тарҳни устун ўзагининг устки сатҳилан. олингани мақсадга мувофиқдир. Бу босқичда ҳажмлар ёрдамида умумлаштирилган ҳолда, яъни каллақ яхлит бўғинли кесик конус шаклида ифодаланади. Босқич охирида

каллак тарзда трапеция, тархда эса якка марказли концептрик айланалардан иборат бўлади.

2 — босқичда қирралар олдин тархда, кейин (тарздан фойдаланиб) тарзда қирралар ажратилади. Дастлаб тархда ички кўпбурчак (ўзакнинг устки сатҳи) чизилади. Бунинг учун ички айланадан фойдаланилади. Айланада 360° мавжудлигини назарда тутиб кўпбурчакнинг сонига мувофик, ўзаро тенг, бурчакларни, ифодоловчи ёйлар ажратамиз. Масалан. 16 бурчакликни чизиш учун айлана $22,5^\circ$ дан ($360^\circ: 16=22,5^\circ$) бўлиниши керак. Белгиларидан фойдаланиб дастлабки кўпбурчакларни чизамиз.

Айлана белгиларидан ўтказилган радиуслар бошқа кўпбурчакларни чизишда ёрдам беради. Бу жараёнда шу нарсага эътибор бериш керакки, кўпбурчаклар томонларининг узунликлари ўлчовга туғри келиши керак. Зарур ҳолларда тузатиш киритилади.

Булардан сўнг тадаги нуқталарни тарзда олшп жараёни бошланади. Дастлаб ўзакнинг устки қисми кесик кўпқиррали пирамида сифатида чизилади. Кейин каллакнинг ўзини чизишга ўтамиз. Каллакни пастдан тепага қараб бўғинма — бўғин чиқарилади. Ҳар бўғин (остки вд устки нуқалари) тархдан чиқарилади. Тик чизиклар кўрсатилади.



Бу босқич якунида устун ўзаги битган, унинг тепаси эса чала битган ҳолга келади. Битказиш учун шаклдор қирралар чизилиши керак.


3 — босқичда шаклдор қирралар чизилади. Ишни чизилиши осонроқ бўлган қошдан бошлаш маъқул. Ортогонал кўринишдаги қош қирраси катак чизикларга олинади ва чизмада кўрсатилади. Икки тарафдаги қошлар бир — бирига қараган, яъни симметрия ҳолида бўлгани учун қош чизмасининг ўнг ва тескари (орқа) томонларидаги кўринишлари фойдаланилади.

Муқарнас косаларининг шаклдор қирраларини чизиш мураккаброқ. Қирранинг шакли тенг томонли катакка олиниб ўқиға нисбатан турли қия ҳолатда (ракурсларда) акс этдирилиб чизилади. Бунинг учун тарзда катакларнинг тик чизикдаги баландликлари (масалан 1—6 нуқалар) ва тарзда катакларнинг уфқий чизикдаги нуқталари (масалан "а", "б", "в", "с" нуқталар) белгиланади. Улар ёрдами турли ракурслардаги катаклар чизиб олинади. Катаклар ёрдамида ҳамма шаклдор қирраларнинг чизиклари чиқарилади.

Юқорида айтилгандек, шаклдор қирралар ҳам бўғинма — бўғин чиқарилади. Каллак қирраларининг сиртларида нақшлар қияликда турли (ракурсларда) кўрсатишда катакларга олиш усулли қўл келади.

Муқарнаслик устун каллаги чизикларда чизилгандан сўнг юқорида рим —юнон ордериде айтилган қоида ва услубларига кўра бўяш босқичи. бажарилади. Муқарнасли каллакнинг сояларини чизиш мураккаб, хали ишлаб чиқилмаганлиги учун тушувчи сояларсиз фақат ўз соялари билан бажариш тавсия этилади.





VII-қисм. Талабалар рейтингини аниқлаш

“Архитектуравий лойиҳалаш асослари” бўйича талабаларга қўйиладиган баҳо ҳар уччала семестрда ҳам аудиторияда бажарилган машғулотлар учун қўйиладиган баҳо (60%) ва мустақил бажарилган иш (машқ) учун қўйиладиган баҳо йиғиндисидан ташкил топади.

VII.1. Аудиторияда бажариладиган ишларни баҳолаш мезонлари

Аудиторияда бажариладиган ишлар бўйича умумий баҳо (УБ) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган Муввақат низом бўйича балларда қўйилиб жорий (ЖБ), оралиқ (ОБ) ва якуний (ЯБ) назорат баҳолари йиғиндисидан ташкил топади.

Жорий баҳо ҳар машғулотда талабанинг фаолиги учун (жами 18 баллгача) қўйиш, оралиқ баҳо семестр давомида бажарилган амалий топшириқлар учун (жами 37 баллгача) қўйиш тавсия этилади. Якуний баҳо учун эса 15 баллгача қўйиш мумкин.

$$УБ=ЖБ_{1,2,3,...,18}+ОБ_{1,2,3,...,n}+ЯБ$$

$$Энг юқори УБ=18 + 37 + 15=100 \text{ (балл)}$$

Баҳолар (назорат баҳолари) фоизларда белгиланади. Оралиқ баҳолар ҳар амалий топшириқ учун алоҳида қўйилади. Ҳар топшириқ баҳоси машқни (топшириқни) бажариш учун ажратилган соатнинг семестрдаги умумий соатга бўлган нисбатини ифода этувчи коэффициентга кўпайтирилади. Якуний назоратлар оғзаки шаклда ўтқазилади: 1-2 семестрларда савол-жавоб тариқасида, 3-семестрда эса талаба ўзи ишлаб чиққан ички муҳитли кичик меъморий шакл лойиҳасининг ҳимояси тариқасида амалга оширилади.

I-семестр учун якуний назорат саволлари намуналари

1. "Архитектуравий лойиҳалаш асослари" фани нимани ўргатади?
2. “Архитектура” сўзи нимани англатади? У қандай икки маънода ишлатилади?
3. Архитектурани рассомлик ва ҳайкалтарошликдан қандай хусусиятлари ажратиб туради?
4. Архитектуранинг чамбарчас боғланган қандай жихати мавжуд?
5. Архитектуранинг асосий тармоқлари тўғрисида гапириб беринг.
6. "Архитектуравий лойиҳалаш" деганда нимани тушунасиш?
7. Архитектурадаги композицияни қандай тушунасиш?
8. Архитектуранинг муҳим бадий воситалари тўғрисида гапириб беринг
9. "Архитектуравий лойиҳалаш асослари" фанини ўрганишда I курс I семестр давомида қандай амалий кўникмаларга эга бўлдингиз?
10. Меъморий объектни қоғозга чизиш учун ишни нимадан бошлаш керак?

11. Масштаб деганда нимани тушунасиш, унинг қандай турлари бор?
12. Меъморий объектни муайян форматдаги қоғозга тушуриш ва жойлаштириш учун нима қилиш керак?
13. Архитектурада режа ва тарх сўзининг нима фарқи бор, улар нимани англатади ва нималарга нисбатан ишлатилади?
14. Бош режа деб нимага айтилади ва унда нималар акс эттирилиши керак?
15. Қандай меъморий чизиқлар мавжуд, уларнинг ишлатилиш қоидалари қандай?
16. Бош ўқ чизиқ деб нимага айтилади, унинг қандай аҳамияти бор?
17. Масштаб қандай танланади?
18. Чизиқли масштаб нима?
19. Архитектуравий ордерлар ва уларнинг турлари ҳақида тушунча беринг.
20. Ордернинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифаларини тушунтириб беринг.
21. Ордерларда "модул" ва "парт" тушунчаларини изоҳланг.
22. Тарз нима, унинг қандай турлари бор?
23. Қирқим нима, унинг қандай турлари бор?
24. Сувбўёвқ услубининг моҳиятини тушунтириб беринг?
25. Сувбўёқ услубида машқ қандай бажарилади?
26. Сувбўёвда соя ва ёруғ деталнинг ўз сояси ва тушган сояларини ифодалашлари ҳақида тушунча беринг.
27. Сувбўёвда меъморий деталларнинг ёки қисмнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи режаларда (узоқликда) жойлашишини изоҳланг.

II-семестр учун якуний назорат саволлари намуналари

1. Қандай шрифтларни биласиз?
2. Меъморий шрифт деб қандай шрифтга айтилади, унинг ёзилишини кўрсатинг.
3. Меъморий шрифтни чизиш услубларини кўрсатинг.
4. Шрифт баландлиги ва эни қандай белгиланади?
5. Кичик босма ҳарф ва рақамлар қандай ёзилади?
6. Шрифтли композиция деганда нимани тушунасиш ва қандай тузилади?
7. Шрифтли композиция неча босқичда бажарилади? У босқичлар нималардан иборат?
8. Иншоотларнинг ортогонал проекциялари нималардан иборат?
9. “Иншоотнинг проекциялари” топширигини қандай тартибда бажардингиз? Нималарга эътибор бердингиз?
10. Проекциялари бажарилган иншоотингизни қурилган даври ва жойи тўғрисида гапириб беринг. Яна шунга ўхшаш қандай иншоотларни биласиз?
11. Иншоотнинг қандай умумий кўриниш чизмаларини биласиз?
12. Иншоотнинг аксонометрик чизмаси қандай бажарилади?
13. Иншоотларнинг “қуш кўриши” даги (“вид с птичьего полёта”) чизмаси қандай бажарилади?
14. Перспектива нима ва у қандай бажарилади?

15. Перспектива яшашнинг услублари ҳақида тушунчангзни билдиринг.
16. Горизонт (уфқ) чизиғи ва қараш бурчаги иборалари нимани билдиради?
17. Горизонт чизиғи ва қараш бурчакларининг кенглиги қандай олинади?
18. Перспективани яшашнинг архитекторлар услуби услублари ҳақида тушунча беринг.
19. Сиз бажарган умумий кўриниш чизмасини асослаб беринг. Агар перспектив кўринишни бажарган бўлсангиз Сиз танлаган қараш нуқтаси, уфқ (горизонт) энг яхши эканлигини исботланг. Иш жараёнида бажарган бошқа вариантларингиз тўғрисида гапириб беринг.

III-семестр учун якуний назорат:

Талаба бажарган ички муҳитли кичик меъморий шакл лойиҳасининг
ҳимояси

VII.2. Мустақил ишларни баҳолаш мезонлари

Мустақил ишнинг баҳоси аудиторияда бажарилган коллигиял тартибда (кафедра ҳайъати томонидан) қўйилади. Ҳайъат мустақил ишни талаба шахсан ўзи бажарганлиги суҳбат (савол-жавоб) воситасида аниқланади.

Талабаларнинг мустақил ишини баҳолашда аҳамияти ошиб бориш тартибида қуйида келтирилган 6 та талабдан 3 тасига жавоб берадиган иш “қоникарли” баҳога лойиқ деб ҳисобланади ва унинг сифатига қараб 55-70 баллар орасидаги балл қўйилади:

1. Мустақил ишни олиш ва уни бажариш бўйича режа тузиш;
2. Зарур ахборот манбалари, жумладан, интернет тармоғидан максимал фойдаланиш;
3. Мустақил ишда ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ва ғояни қиёсий ва ижодий таҳлил қилиш;
4. Бажарилган мустақил ишнинг моҳиятини тушуниш ва мушоҳада юритиш;
5. Бажарилган мустақил иш бўйича хулоса қилиш;
6. Мустақил ишни муддатида бажариш ва расмийлаштириб, кафедрага топшириш.

Талаб меъзонларидан 4-5 тасига жавоб берадиган ишга ҳамда мустақил иш тобшириқлари ҳажмининг камида 75-85 фоизи бажарилганда ишга "яхши"баҳо (71-80 баллар оралиғида) ва 5-6 та талабларга жавоб берадиган ва тобшириқлар ҳажмининг 86-100 фоизи сифатли бажарилган мустақил ишларга “Аъло” (86-100 балл оралиғида) баҳо қўйилади.

Энг муҳим меъзон - мустақил ишни-муддатида тўлиқ ҳажмда бажариш ва расмийлаштириб, кафедрага топширишдир. Бу талаб бажарилмаса, талаба мустақил иш бўйича "Қоникарсиз" баҳога лойиқдеб ҳисобланади.

“Архитектуравий лойиҳалаш асослари» фанидан мустақил иш тўғрисидаги

Н И З О М

“Архитектуравий лойиҳалаш асослари” фанидан мустақил иш ҳар биттадан уч семестрда (варақларда ёки планшетларда) машқ топширадиладар. Ҳар семестрдаги машқ учун намунавий ўқув режасида кўрсатилган соатларга мувофиқ 80 баллдан, жамми уччала машқ учун 240 балл ажратилади.

- 4- семестрда мустақил иш сифатида Хива устунни чизмаси ёки “Менинг иш хонам ” (ўз хонасидаги ёки институтдаги) ўлчов чизмаси қўлда бажарилади.
- 5- семестрда мустақил иш сифатида муқарнасли устун каллаги чизмаси қўлда бажарилади.
- 6- семестрда мустақил иш сифатида талаба бажарган кичик меъморий шакллар иккала лойиҳаларнинг компьютер версияларини албом тариқасида ёки иккала кичик меъморий шакллар лойиҳаларининг аудиторияда бажарган вариантларидан бошқа вариантларини бажарадиладар.

Мустақил иш (машқ) семестрнинг охирида 20 - ҳафтада топширилади. Аудиторияда бажарилган машқлар каби каллегиал тартибда қабул қилинади. Ҳайъат мустақил иш (машқ)ни талаба шахсан ўзи бажарганлигини суҳбат (савол- жавоб) воситаси аниқлайди. Аудиторияда бажарилган машқларга қўйиладиган баҳо каби мустақил бажарилган машқларга баҳолар фоизларда қўйилади.

“Архитектуравий лойиҳа асослари” бўйича талабага қўйиладиган баҳо аудиторияда бажарилган машқлар учун қўйиладиган баҳо (60%) ва мустақил бажарилган иш (машқ) учун қўйиладиган баҳо (40%) йиғиндисидан ташкил топади.

Илова: Мустақил иш бўйича талабага маслаҳат (консультация) берган ўқитувчига (аудиториядаги машғулотлар раҳбарига) ҳар талаба учун ўқитув иш тариқасида 2 соат вақт ажратилади. Мустақил ишни қабул қилиш учун ҳар талабага чорак соатдан вақт ажратилади. Қабул учун сарфланган умумий вақт кафедра ҳайъати аъзолари ўртасида тақсимланади. Сарф қилинган қолган соатлар ташкилий -услубий иш тариқасида ҳисобланади.

Мустақил иш учун ўқитув иши тариқасида сарфланган соатларнинг ҳақини қоплаш учун кафедранинг соатбой маблағидан фойдаланиш мумкин.

Н И З О М

Якуний назоратлар уччала семестрларнинг охирида ўтилган барча мавзуларни қамраб олган тартибда ўтказилади. Хар семестрда якуний назоратга 15% дан ажратилади.

Якуний назоратлар оғзаки шаклда: 1- ва 2- семестрларда савол-жавоб тариқасида, 3 - семестрда эса талаба ўзи ишлаб чиққан ички муҳитли кичик меъморий шакл лойиҳасининг ҳимояси тариқасида ўтказилади.

I семестр учун якуний назорат саволлари:

1. “Архитектура” сўзи нимани англатади? У қандай икки маънода ишлатилади?
2. Архитектурани рассомлик ва ҳайкалтарошликдан қандай хусусиятлари ажратиб туради?
3. Архитектуранинг чамбарчас боғланган қандай жихати мавжуд?
4. Архитектуранинг асосий тармоқлари тўғрисида гапириб беринг.
5. Архитектурадаги композицияни қандай тушунасиш?
6. Бино ва иншоотларнинг қисмлари бадий жихатдан ўзаро қандай бирикиши мумкин?
7. Архитектуранинг муҳим бадий воситалари тўғрисида гапириб беринг.
8. Массалалардаги ордерлар қандай чизилади?
9. “Кичик меъморий шакллар ўлчови” вазифаси қандай босқичларда бажарилади?
10. Академик бўёв машқини бажариш тартиби қандай?
11. Архитектуравий лавҳа тасвири қандай бажарилади?
12. Ордернинг бўёвли тасвирини бажаришдаги беш босқичлар тўғрисида гапириб беринг.
13. Муқарнасли устун каллагини чизишда уч асосий босқич тўғрисида гапириб беринг.

II семестр учун якуний назорат саволлари:

1. Қандай шрифтларни биласиз?
2. Шрифтли композиция тўғрисидаги тушунчангизни гапириб беринг.
3. Шрифтли композиция неча босқичда бажарилади? У босқичлар нималардан иборат?
4. Иншоотларнинг ортогонал проекциялари нималардан иборат?
5. “Иншоотнинг проекциялари” топшириғини қандай тартибда бажардингиз? Нималарга эътибор бердингиз?

6. Проекциялари бажарилган иншоотингизни қурилган даври ва жойи тўғрисида гапириб беринг. Яна шунга ўхшаш қандай иншоотларни биласиз?
7. Иншоотнинг қандай умумий кўриниш чизмаларини биласиз?
8. Иншоотнинг аксонометрик чизмаси қандай бажарилади?
9. Иншоотларнинг “куш кўриши” даги (“вид с птичьего полёта”) чизмаси қандай бажарилади.?
10. Перспектив кўриниш чизмаси қандай бажарилади?
11. Сиз бажарган умумий кўриниш чизмасини асослаб беринг.
Агар перспектив кўринишни бажарган бўлсангиз Сиз танлаган қараш нуқтаси, уфқ (горизонт) энг яхши эканлигини исботланг. Иш жараёнида бажарган бошқа вариантларингиз тўғрисида гапириб беринг.

III семестр учун якуний назорат: лойиҳа ҳимояси

Иловалар

АРХИТЕКТУРАВИЙ ЛОЙИҲАЛАШ АСОСЛАРИ ФАНИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

ЖОРИЙ НАЗОРАТ

1. "Архитектуравий лойҳалаш асослари" фани нимани ўргатади? Унинг предмети ва объектлари нималардан иборат?
2. "Архитектуравий лойҳалаш асослари" фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. "Архитектуравий лойҳалаш" деганда нимани тушунасиш?
4. "Архитектуравий лойҳалаш асослари" фанини ўрганишда I курс I семестр давомида қандай амалий кўникмаларга эга бўлдингиз?
5. Меъморий объектни қоғозга чизиш учун ишни нимадан бошлаш керак?
6. Масштаб деганда нимани тушунасиш, унинг қандай турлари бор?
7. Меъморий объектни муайян форматдаги қоғозга тушуриш ва жойлаштириш учун нима қилиш керак?
8. Архитектурада режа ва тарх сўзининг нима фарқи бор, улар нимани англатади ва нималарга нисбатан ишлатилади?
9. Бош режа деб нимага айтилади ва унда нималар акс эттирилиши керак?

10. Қандай меъморий чизиклар мавжуд, уларнинг ишлатилиш қоидалари қандай?
11. Масштаб қандай танланади?
12. Бош ўқ чизик деб нимага айтилади, унинг қандай аҳамияти бор?
13. Қирқим нима, унинг қандай турлари бор?
14. Гумбазнинг қандай турлари мавжуд?
15. Гумбазни чизиш услубларидан бирини кўрсатинг.
16. Меъморий шрифт деб қандай шрифтга айтилади, унинг ёзилишини кўрсатинг.
17. Меъморий шрифтни чизиш услубларини кўрсатинг.
18. Шрифт баландлиги ва эни қандай белгиланади?
19. Кичик босма харф ва рақамлар қандай ёзилади?
20. Шрифтли композиция деганда нимани тушунасиш ва қандай тузилади?

ОРАЛИҚ НАЗОРАТ

1. Архитектуравий ордерлар ва уларнинг турлари ҳақида тушунча беринг.
2. Композит ордери деб қандай ордерга айтилади?
3. Ордернинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари ҳақида тушунтиринг.
4. Ордерларда "модул" ва "парт" тушунчаларини изоҳланг.
5. Сувбўёқ деганда нимани тушунасиш?
6. Сувбўёқ услубининг аҳамиятини тушунтиринг.
7. Сувбўёқ қандай бажарилади?
8. Сувбўёқда соя ва ёруғ деталнинг сояси ва тушган сояларини ифодалашлари ҳақида тушунча беринг.
9. Сувбўёқда меъморий деталларнинг ёки қисмнинг биринчи, иккинчи ёки учинчи режаларда ётишини изоҳланг.
10. Перспектива нима ва у қандай бажарилади?
11. Перспектива яшашнинг услублари ҳақида тушунчангизни билдириш.
12. Горизонт (уфқ) чизиғи ва қараш бурчаги иборалари нимани билдиради?
13. Горизонт чизиғи ва қараш бурчакларининг кенлиги қандай олинади?
14. Перспективани яшашнинг архитекторлар услуби услублари ҳақида тушунча беринг.

ЯКУНИЙ НАЗОРАТ

1. Архитектуравий ордерлар ва уларнинг турлари ҳақида тушунча беринг.
2. Ордернинг таркибий қисмлари ва уларнинг вазифалари ҳақида тушунтиринг.
3. Ордерларда модул ва парт тушунчаларини изоҳланг.
4. Перспектива нима ва у қандай бажарилади?
5. Перспектива яшашнинг услублари ҳақида тушунчангизни билдириш.
6. Перспективани яшашнинг архитекторлар услубини чизиб тушунтиринг.
7. Перспективада соя яшаш услубларини тушунтиринг.
8. Антураж ва стаффаж деб нимага айтилади ва уларнинг аҳамияти нимада?
9. Сувбўёқ услубида тушдан ишланган бўёқ қандай тайёрланади?

10. Сувбўёвда материал тури ва рангини кўрсатиш услублари ҳақида сўзлаб беринг.
11. Сувбуёқнинг рангли услублари қандай таёрланади?
12. Перспективада объектнинг ўзига ва объекtdан ерга тушган соялар қандай ишланади?
13. Мўъжаз меъморий шакллар тушунчасига изох беринг.
14. Мўъжаз меъморий шакллар таснифини келтиринг.
15. Болалар учун ўйин майдончаларига қўйилган меъморий-режавий талаблар.
16. Бассейн (сув ҳавзалари) ва уларнинг турлари ҳақида тушунча беринг.
17. Фаввораларга қўйилган меъморий-режавий талабларни тушунтиринг.
18. Автобус бекатлари ва киоскаларига қўйилган меъморий-режавий талабларни тушунтиринг.
19. Мўъжаз меъморий шакллар лойҳаларини ишлашнинг график услубларини тушунтиринг.
20. Лойҳа ишлашда трафарет услуби қандай услуб ва у қандай ҳолларда қўлланилади?
21. Антураж элементларининг график ишлаш услубларини тушунтиринг ва кўрсатинг.
22. Клаузура деб нимага айтилади ва у қандай бажарилади?
23. Эскиз деб нимага айтилади ва у қандай бажарилади?
24. Лойиҳани қоғозга компановка қилиш ва чизиш тартибини тушунтиринг.
25. Чизма баённомаларини ифодалаш услубларини тушунтиринг.
26. Меъморий лойҳани балсариш босқичларини тушунтиринг.

Луғат

Автопавильон - автобуслар қатнайдиған йўллардаги тўхташ пунктларида йўловчилар қисқа вақт бўлишига мўлжалланган иншоот.

Акведук - узоқ сув манбаларидан (идизиб сув келтиришга мўлжалланган иншоот, осма қувур, равокли сув кўприги. Акведуклар устидан айрим ҳолларда одамлар учун йўл ҳам ишланган. Акведуклардан шаҳарлар, боғ-саройлар ҳудудини суғоришда, шунингдек, йирик ҳаммомларга сув келтиришда ҳам кенг фойдаланилган.

Акводизайн - сув иншоотлари дизайни, уларни чиройли, фойдали ва мустаҳкам, айти пайтда, шинам ва тежамли қилиб ишлаш ва лойиҳалаш.

Акцент - композициянинг бирор қисми ёки элементига урғу бериш, киши эътиборини қаратиш мақсадида қўлланиладиган бадиий меъморий услуб. Қисм ёки элементга алоҳида фарқ қилувчи ҳолат, шакл, ўлчам ёки ранг бериш, уни ёруғлантириш ва бўрттириш орқали эришилади.

Аллегория - воқелик ёки ҳрдисани кўчма маънода акс эттирувчи, уларнинг маъносини аслига ўхшаш ёки уларга яқин муайян образлар, предмет ва ҳолатлар орқали мажозий ифодалаш.

Амфитеатр - Юнонистон ва Қадимги Римда очиқ томошагоҳ, иншоот. Тархда эллипс ёки ярим доира шаклида баландлаб боровчи ўринларга эга. XVII-XVIII асрларга келиб амфитеатрлар истироҳат боғларида томоша тадбирларини ўтказиш мақсадида қурила бошлаган.

Анфилада - бир-бирига кетма-кет туташган заллар қатори. Эшиклари бир уйда ётган ўзаро узвий боғланган ҳоналар, заллар, саройлар, паркларда алоҳида ёпиқ яшил муҳитлар қатори.

Арабеска - хандасавий шакллар, барг, гул, шода ва шу кабиларнинг тасвиридан таркиб топган мураккаб меъморий нақш, гулзор, партер ёки тўшама. Дастлаб араб архитектурасига хос безак бўлганлигидан шундай ном олган.

Архитектура - юксак савиядаги қурилиш санъати. Қурилишда қурилиш қурилмалари, бино ва иншоотлар шакллариининг композицияси, функцияси ҳамда ҳажмлар уйғунлигининг бадиий яхлитлигига эришиш. Жамиятнинг мафкуравий ғоялари, моддий маданияти, бадиий-эстетик қарашлари ва бунёдкорлик санъатини ўзида яхлит тарзда мужассамлаштира олган инсон ижодининг маҳрули - меъморий асар.

Архитектоника - қурилиш формалари тизими ва материаллари билан бино ва иншоотлар композицияси ва функцияси орасидаги муносабатда юксак бадиий-меъморий уйғунликка эришиш санъати.

Архитектуравий ансамбль - муайян ғоявий-бадиий режа, геометрик ва фазовий уйғун яхлит композицияда яратилган меъморий мажмуа. Композицион ва функционал ҳолатларда ўзаро мутаносиб боғланган бино ва иншоотлар, ўсимликлар ва бошқа ландшафт элементларининг яхлит бир уйғунлаштирилган меъморий омуктаси. Самарқанддаги Регистон майдони ансамбли, Бухородаги Пойи Калон ансамбли, Москвадаги Кремль ансамбллари мисол бўла олади.

Архитектуравий графика - меъморий ғоя ва таклифларни эскиз, чизмалар ва лойиҳалар кўринишида ифодалаш услублари ва бу услубларда қўлланиладиган график тасвирлар мажмуаси. Архитектуравий графика бошқа график турларидан фарқ қилиб, тасвирларда масштабlilik ва муҳит ифодалигини кўрсатиш хусусиятига эга. Архитектуравий графиканинг чизиқуш, бўёқли, уйғунлашган аралаш ва компьютер услублари мавжуд.

Архитектуравий динамика - меъморий ҳажм ўлчамлари доирасида масса ва ички фазовий муҳитнинг кескин ўсиб бориши ва ҳажмнинг бирон-бир йўналиш бўйича композицион ривожланишини, визуал жўшқинлик ва ҳаракатчанликни таъминловчи меъморий ечим.

Архитектуравий композиция - бино, иншоот ва меъморий ансамблларнинг вазифасига, ғоявий - бадиий мазмуни ва қурилмавий хусусиятларига кўра яратилиши, улардаги алоҳида меъморий қисм ва элементларнинг мутаносиблиги; бино, иншоотлар ва ансамблларни ижодий яратиш жараёнида қўлланиладиган махсус меъморий усуллар ва бадиий воситаларни антуаш билан шуғулланадиган ва бадиий қонуниятларни (яхлитлик, монандлик, мутаносиблик, тектоника, маром, масштабlilik, ранг ва бошқаларни) баён қилувчи ва ўргатувчи фан.

Архитектуравий масштаб - бино ва иншоотлар ҳажмининг атроф-муҳитга ва инсон параметрларига мутаносиблик даражаси, меъморий композиция ёки ҳажмнинг қисмларга бўлинганлик ёки бўлинмаганлик даражаси, ҳолати.

Архитектуравий ритм - меъморий объектлардаги такрорланувчи қисмлар, элементлар ва шаклларнинг бир-бирига мос келишлиги, такрорланиш тартиби ва такти, уларнинг назокати ва мароми.

Архитектурада статика - бу динамиканинг тескараси, яъни ўлчамлари доирасида масса ва ички фазовий муҳитнинг ўзгармаслик ва ҳажмнинг барча йўналишлари бўйича ривожланмаслик, яъни турғунлик, мувозанат ҳолати.

Архитектуравий образ - биноларнинг функцияси ва мазмунига мос равишда архитектоникасининг бадиий ғоявий ва пластик ифодаланиши. Ҳаар бир бино тури ўзига хос архитектуравий образга эга. Масалан, ресторан ва умумий овқатланиш биноларининг образи уларнинг функциявий моҳиятидан келиб чиққан ҳолда спорт ёки савдо иншоотларининг образидан кескин фарқ қилади. Қисқаси, образ деганда бино ички функциясининг ташқи меъморий кўринишидаги бадиий ғоявий ифодаланиши тушунилади.

Архитектуравий ордер - таркибий қисмлари ўзаро мутаносиб ва мустаҳкам бадиий яхлит тизимга асосланган устунли-тўсинли қурилмавий тартиб, услуб. Архитектуравий ордерларнинг классик турлари - дорий, ионий ва Коринф Қадимги Юнонистондаги маҳаллий қабила ва манзиллар номидан келиб чиққан. Ордерлар устун ва тўсин қисмлардан тузилиб, устун қисмининг ўзи устун танаси (колонна), бош қисми (капитель) ва пой устун курси (база)дан иборат. Тўсин қисми яхлит ҳолда антаблемент деб аталиб, у устма-уст жойлашган архитрав (бош тўсин), фриз ва карниздан тузилган.

Ассимметрия - композицияда ҳажм фазовий элементларнинг симметрик кўринишга эга бўлмаган ҳилдаги жойлашуви ва ўзаро таркиби.

Астрагал - юнонча бўйин умуртқаси, ордер архитектурасидаги устун танасининг капитель билан ёки курси билан бирикмасини ташкил қилувчи мураккаб профилли элемент.

Атрий, атриум - Кадимги юнонлар ёки римликлар уйларининг урталиқ қисмида жойлашган ва уй хоналаридан чиқаладиган ёғоч ички ховли. Атриум марказида, одатда бассейн, унинг устига эса ёмғир сувлари оқиб тушадиган туйнук ўрнатилган.

Аэрограф - суюқ буёқни сиқилган хаво билан қоғоз, газлама сиртига пуркаб берадиган мослама, меъморий лойиҳаларни аэрограф графикасида ишлашда қўлланиладиган асбоб.

База - ордер устунни ёки пиластрнинг пастки таянч қисми, асоси (таги).

Балкон - бино ташқи деворларидан консол тарзида қисман чиқиб турувчи, ички хоналарни ташқи муҳдг билан боғловчи мўжаз очиқ майдонча, болохона айвони.

Балюстрада - балконлар, галереялар, зинапоялар, терассаларнинг четига нозик нақшинкор калта устунчалар кўринишида ишланган тўсиқ - қаторак.

Бульвар - кучаларнинг ён томони ёки икки ёнига, сохил бўйига пиёдалар ҳаракати, дам олишлари ва сайр қилишлари учун бунёд этилган кенг кўкаламзор хиёбон.

Барокко - Италия архитектурасида, кейинчалик Парбий Европада XVI аср охиридан то XVIII аср ўрталаригача кенг тарқалган серхашам бадийий ғоявий услуб, меъморий тамоил. У ўзининг контрастлиги, шаклларнинг ўйноқилиги, ҳаракатчанлиги, хиссиётларни кузатувчанлиги, серхашаматлиги билан ажралиб турган. Барокко стилида қурилган бинолар ўзларининг ана шу жиҳатлари билан бошқа бинолардан фарқ қилган.

Валюта - ионик ордер капители (бошаси)нинг кучдор шохига ўхшаш икки томонга чиқадиган гажакдор безаги. Валюта гажаги уч ўрамдан иборат бўлиб, марказида кўз билан тугайди.

Галерея - усти ёпиқ олди очиқ, қатор устунли ёки равоқ, тархи узунчоқ тор ўтиш жойи тасвирий асарлар музейи, нигористон.

Гармония - меъморий композициялар, шакллар ёки ландшафт элементларининг ўзаро уйғунлиги, бир-бирига монандлиги, мувофиқлиги, бадийий жиҳатдан мослиги (хавдасавий шакллар, ранглар, ҳажмлар гармонияси ва х..к.).

Генезис - бирон-бир нарсанинг келиб чиқиш, вужудга келиш ва пайдо бўлиш жараёни.

Геопластика - ер майдонини ободонлаштириш, дизайн ва кўкаламлаштиришга мўлжаллаб меъморий ва бадийий ва қайта ишлаш мақсадида текислаш ва тартиблаш композицияси, ер пластикасини ишлаш тартиботи,

Готика стили - Ғарбий Европада XIII-XIV асрларда вужудга келган бу стилга бино тарзининг фавқулотда енгил, юқорига интилувчан, жўшқин, тик динамик меъморий шакллар, равоқлар ритми, нур ва соя пластикаси, деразалардаги витражлар характерлидир. Париждаги Нотрдам ибодатхонаси, Франциядаги Реймск, Германиядаги Кельнский саборлари, аксарият шаҳар ратушалари, Болтиқбуйи республикалардаги саборлар мисол бўла олади.

Графика - атрофимиздаги воқеликларни текисликда тасвирлаш усули. Графика кўплаб ифодалаш услубларига эга бўлиб, улардан бир нечаси: расм, чизма (чизиқли графика), сув бўёқ, графикаси, рангли графика, штрихли ва нуқтали графикалар архитектуравий лойиҳалаш ишларида қўлланилади.

Доминант - шаҳарсозлик ва архитектурада юқори бадиий ечимга эга бўлган, бошқа меъморий шакл ва элементларни ўзига композициявий бўйсундирадиган асосий меъморий урғу. Доминант бирор бир меъморий шаклда, рангда, фактурада ёки ғоявий мазмундорликда ифодаланишга мумкин.

Ичкари муҳитли фазовий композиция - уч координата бўйича жойлашиб томошабиннинг ичкариги ҳаракати орқали идрок этиладиган меъморий-фазовий муҳит ва ундаги фазовий шакллар композицияси (сиртлар, ҳажмлар, уларнинг комплекси). Ичкари муҳитли фазовий композициянинг очиқ ва ёпиқ кўринишлари мавжуд.

Капитель - устун (колонна) ёки пилястрнинг юқори қисми (танаси) билан антаблемент орасида жойлашган каллак, боша.

Кариатида - устун сифатида фойдаланилган аёл қоматининг ҳайкалли тасвири. Агар ҳайкал устунда эркак қомати тавирланган бўлса, у атлант деб аталган.

Карниз - буғот.

Кемпинг – автотуристлар ва йўловчиларга палатка ёки енгил типдаги уйчалар ва автомобиллар қўйиладиган жойга эга бўлган қулай ва шинам иншоот. Кемпинглар кўпинча автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш эстакадалари билан жиҳозланади.

Кессон - архитектурада бино шифти ёки тўридаги кўпинча квадрат тарҳли ҳовузак, бадиий безак, хона акустикасини яхшилади, қофилмавий элемент сифатида ҳам фойдаланилади.

Керамика - лой қоришмаларидан пишириб олинадиган махсулот, кулолчилик санъати. Керамика буюмларининг сиртини безаш ва уларни ташқи таъсирлардан ҳимоялаш учун буюмларга сир (глазур) ва ангоб қопланади. Буюмларга керамик бўёқлар ёрдамида безак берилади. Бундай ҳолларда керамик материал майоликага айланади.

Классик стиль - Европа архитектурасида XVI аср охири XVIII асрнинг биринчи ярмида вужудга келган бадиий йўналиш. Классицизм антик намуналарга тақлид қилиш, шинам қулайлик яратиш ва яққоллилик, ишнинг пластик тугалланиши каби бадиий хусусиятлари билан ажралиб туради. Афинадаги Парфенон ибодатхонаси классик стилнинг ибтидоси ҳисобланади.

Композиция - архитектура ёки бошқа барча санъат асарларининг таркибий элементлари ва қисмларини яхлит бир гармоник бадиий тизимда ташкил этиш ва бирлаштириш. Архитектуравий композиция асосан икки жиҳатдан: режавий ва ҳажмий-фазовий жиҳатлардан таркиб топади. Ранглар гармонияси ҳам композициянинг муҳим элементларидан биридир.

Консервация - ёдгорликни сақлаш, сақлаб қолиш мақсадига қаратилган чоратадбирлар мажмуаси.

Констраст - композицияда шакл, материал, ҳажм, пластика, фактура ёки ранглар орасидаги яққол сезилувчи фарк, ҳолат.

Коттедж - шаҳар ташқарисидаги унча катта бўлмаган ҳовлили уй.

Крок – чамалаб қўлда чизиладиган хомаки чизмалар: тарҳ, тарз ёки бирор нарса (детал)нинг хомаки расми.

Кулуар - йўлак, рахрав.

Кўшк, киоск - тўрт устунли, томи куббали ёки текис енгил қурилма; павильон; боғ ичидаги зебу-зийнатли айвон, кошона, сарой, қаср. Киоск савдога мўлжалланган енгил мўъжаз меъморий шакл, қурилма тарзида кенг тарқалган.

Ландшафт - очик ҳавода ишлаш ва дам олиш учун энг яхши шароитлар яратилган, таркиби табиий (ўсимликлар, рельеф, тупроқ, сув, ҳайвонот дунёси) ва сунъий (меъморий ва муҳандислик иншоотлари) компонентлар билан бадиий-композициявий ва экологик қонуниятлар асосида жамланган шаҳар ёки боғ-парк ҳудуди.

Лоджия - эркернинг тескараси, яъни ташқи деворнинг бино ҳажми ичкарасига кирган қисми, ички айвон. У кичик ёзги очик хона ёки яхлит очик зал сифатида фойдаланилади.

Масштаб - чизма, тарх, тарз ёки қирқимдаги чизик узунлигининг аслидаги тегишли чизикда нисбати. Масштаб сон билан (сонли масштаб) ёки график (чизикли масштаб) тарзида ифодаланиши мумкин.

Майолика - рангдор ялтироқ кошнлар билан терилган бадиий сопол нақш (кошин тахтаси).

Метрик ритм - катталиги бир хил шакллар (элементлар)нинг бир хил ораликда даврий такрорланишидан ҳосил бўлган қатор, ритм. Метрик ритмнинг содда ва мураккаб хиллари мавжуд.

Меъморий чизма - қоғоз текистлигида муайян аниқликда ифода этилган меъморий объектнинг график лойиҳавий чизмалари кўриниши. Бу чизмалар таркибига тарх, тарз, қирқим, бош режа, перспектива ёки аксонометрия, интерьер ёки экстерьер киради. Меъморий чизмаларнинг учта асосий тури мавжуд: ишчи чизмалар, кўргазмали лойиҳа чизмалари, ўлчов ва ўқув чизмалари.

Модуль - архитектура ва қурилишдаги шартли бирлик, миқёс. Бино ва иншоотлар қисмларини бир-бирига, бутунни бўлақларга, бўлақларни эса элементларга уйғунлаштириш, қисмлар ўлчамларини қаррали кичрайтириш ёки катталаштириш, уларнинг нисбатларини гармоник мувофиқлаштириш ва ифодалаш ўлчами. Модуль сифатида узунлик бирлиги ёки бино, иншоот элементларидан бирининг ўлчами қабул қилинади.

Мозаика - рангли майда тошлар, шиша, сопол, мармар синиқлари ва бопща майда донатор материаллардан тузилган нақш, кошн.

Муқарнас - равоқли косачалардан ташкил топган мураккаб ҳажмдаги безак тури. Муқарнас кўпроқ устуннинг юқори қисмида ишланган.

Нюанс - композицияда шакл, ҳажм, пластика, фактура ёки ранглар орасидаги зўрға сезилувчи фарқ, ҳолат.

Обелиск - пирамида учи каби юқорига қараб қисқариб боровчи тўғри бурчакли яхлит тош устун.

Павильон - боғ ёки паркдаги унча катта бўлмаган ёпиқ енгил иморат; кўшкнинг суҳбатбоп мўъжаз бир тури; кўргазмалар кўшки, кўчада рўзномалар сотиладиган кўшклар ва ҳ.к.

Пандус - боғларда зинапоялар ўрнига ишлатиладиган кам қиялик йўлаклар.

Панорама - катта композиция, шаҳар ёки табиат қучоғини эркин томоша қилишга мўлжалланган кенг перспективали кўриниш.

Пергола - чирмовиқларга бурканган ясси паюкарасимон енгил қурилмани кўтариб турувчи бир ёки икки қатор устун, тиргаклардан иборат кичик меъморий шакл, боғ-парк иморати.

Пластика - ҳажмлилиқ ёки қажм сиртининг ишланганлиқ даражаси. Архитектуравий пластика бино функцияси ва қурилмавий тузилишга мос равишда бино сиртига берилган бадиий ишловнинг ҳажмдаги ифодаланиши.

Реконструкция - меъморий ёдгорлиқларни муайян бир замонавий функцияга мослаштириш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар.

Реставрация - ёдгорлиқнинг бузилиб ёки нураб кетган қисмларини таъмирлаб ўз ҳолига келтириш мақсадида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар.

Рефлекс - юзага тушиб қайтган нурнинг жисмнинг соя қисмига урилиб ёруғлиқ ҳосил қилиши.

Симметрия - композицияда шакл ёки предметларнинг марказий ўқ чизиққа ёки текислиққа нисбатан айнан ўхшаш жойлашуви, ўзар ўхшашлиқ. Симметриянинг тескариси асимметриядир.

Стаффаж - меъморий лойиҳалар чизмаларини жойлаштириш, реал кўринишларга яқинлаштириш учун қўлланиладиган турли хил мўъжаз сунъий шакллар: одамлар ва ҳайвонлар ҳайкаллари, мўъжаз меъморий шакллар, ташқи ободонлаштириш элементлари, машиналар ва шунга ўхшаш предметлар.

Стела - устунга ўхшатиб тик ўрнатилган, ёзувли ёки тасвир ишланган мемориал тош.

Стиль - жамиятнинг у ёки бу даврига хос бадиий эстетик ва маънавий қарашларини тасвирий санъат, архитектура ва шаҳарсозлиқ, ландшафт объектларида яхлит бир ғоявий йўналиш ва мазмун асосида ўзига хос белгиларда ифодаловчи бадиий услуб, оқим. Масалан, архитектурада ренессанс, барокко, готика, классицизм, романтизм ва бошқа стиллар мавжуд. Бу стиллар турли даврларда ва турли мамлакатларда ўзига хос меъморий белгилар ва хусусиятларга эга бўлган. Масалан, Италиянинг барокко услуги Россия барокко услубидан фарқ қилади, бироқ уларни бадиий ғоявий жиҳатдан умумлаштирувчи меъморий белгилар мавжуд.

Структура - қурилмалар ёки элементларнинг тузилиши, таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлигини белгиловчи тушунча.

Тамбур - асосий хона ва залларга ташқаридан совуқ ҳаво киришига йўл қўймаслиқ учун ўрнатиладиган махсус кичик хона, дахлиз.

Терракота - пиширилган лойда ишланган, сирланмаган ғовак сопол маҳсулот. Асосан, қизил ва сариқ рангда бўлиб, биноларни пардозлашда, ҳайкалтарошлиқ ва бошқаларда фойдаланилади.

Терраса - ойнавон, айвон, пешайвон.

Трельяж - тирмашувчи ва чирмовиқ ўсимлиқлар учун синч вазифасини бажарувчи енгил ёғоч панжара ёки бошқа материаллардан ишланган кичик меъморий шакл, боғ-парк қурилмаси.

Фактура - предмет, материал, маҳсулот сиртининг ишланганлиги, тузилиш ҳолати, сифати. Шакл ёки предметнинг фактуравийлиқ хоссаси юзасининг микробузуедгаги ва тифислигига боғлиқ бўлади. Материалнинг фактураси табиий ёки сунъий бўлиши мумкин.

Фронтон - бино тарзи (фасад) нинг юқоридан том қирралари, пастидан эса карниз билан чегараланган ёйиқ учбурчак ёки эгри чизиқли, кўпинча, рельеф (бўртма нақш) ва ҳайкаллар билан безатиладиган юқори қисми.

Хиёбон – боғ қисмларини ўзаро боғлайдиган бош йўл, икки ёнига қатор дарахтлар, гуллар экилган, ариқлари ёки фавворалари бўлган сайргоҳ йўл. Хиёбон усти очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

Эркер - хоналарнинг ташқи девори текислигидан қисман олдинга чиққан, деразали деворлар билан чегараланган ички қисми. Ташқаридан девордан чиққан цилиндрик ёки призма кўринишдаги бино хажми.

Эскиз - бино ёки иншоот тарҳи, тарзи ёки умумий кўринишининг бошланғич график тасвири. Бошқача чизмалардан содда график усулда (кўлда) бажарилиши билан фарқ қилади.

Академик бўяш— суюқ бўёқ билан бир неча марта бўяш

Антаблимент — ордернинг умумий тўсин қисми

Архитрав — ордернинг бевосита тўсин сифатидаги қисми

База— устуннинг пастки қисми

Бош тарҳ— бинони атрофи билан кўрсатувчи тарҳ

Каллак— устуннинг тепа қисми, капители; ибора кўпроқ муқарнасли капителга нисбатан ишлатилади Капител— устуннинг тепа қисми.

Карниз— бино ёпмасининг пастги қисми

Контраст— кескин фарқ

Контур — бирор нарсанинг ташқи, асосий чизиғи

Крок— хомаки ўлчов чизмаси

Мусаввада— хомаки чизма ёки расм

Мўйқалам— бўёқ суртиш асбоби, русча— "кисть"

Ноллик сатҳ— вертикал бўйича ўлчов олиб бориладиган сатҳ.

Пошил - меъморий бўлак русча— "каблучок"

Рефлекс— акс нурланиш

Тарз— бинонинг вертикал сатҳга тушириладаган изи

Тарҳ— бинонинг горизонтал сатҳга тушириладиган изи

Тахта— чизиш тахтаси, планшет

Таянч чизиғи—ўлчашда таянч қилиб олинган чизиқ, русча— "причалка"

Тон— бўёқ, бўёв; соя; қора ва рангли бўёқ ва бўёвларга нисбатан ифодаловчи сифат

Треангуляция —учбурчак бикирлигига асосланган ўлчаш усули

Фактура—сиртнинг бадиий сифати: ғадир-будирлиги, ялтироқлиги ва ҳ. к.

Фриз—бинонинг юқоридаги, одатда безакли қисми

Адабиёт

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т: Ёзбекистон, 1998 й.
2. Викторов А.М. – «Природный камень в архитектуре», Москва: 1983 г.
3. Гинзбург В.П. – «Керамика в архитектуре», Москва 1983 г.
4. Рабинович В.И. – Книга об архитектуре, Москва, 1973 г.
5. Горбачев В.Н. – «Архитектурно-художественные компоненты озеленения городов», Москва, 1983 г.
6. Введение в архитектурное проектирование учебник для ВУЗов, М., Стройиздат 1984 г.
7. Иконников А.В., Степанов Т.П., Основы архитектурной композиции, М., Искусство 1981 г.
8. Бархин Б.Г. Методика архитектурного проектирование, М., 1982 г.
9. Архитектуравий лойиҳалаш асослари. Ёқув қўлланма, ТАҒИ., 2000 й.
10. Розикбердиев М. Кичик архитектура шакллари, Т., ТАСИ., 1995 й.
11. Наглядные альбомы студенческих работ выполненные на кафедре «Истории и теории архитектуры» ТАСИ, 1980-2002 гг.
12. Зайцев К.Т., Современная архитектурная графика М., 1981 г.
13. Методические альбомы. Зайцев К.Т., Современная архитектурная графика М., 1970 г.